ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК. 342.31(575)(09)+
396+374.035.4

Дис 6/2005

РАЖАБОВА ДИЛОРА НАЗАРОВНА

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ

(XIX асрнинг охири - XX аср бошлари)

07.00.02. – «Ўзбекистон тарихи» мутахассислиги
тарих фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган

Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
тарих фанлари доктори,
профессор Д.А.Алимова

Тошкент – 2003

М У Н Д А Р И Ж А

К И Р И Ш 3

I - БОБ. ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ ТАРИХИДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ 23

1.1. Туркистон ёшларининг ўлка жадидчилигидаги ўрни 23
1.2. Жадидлар тафаккури ва фаолиятида маориф ҳамда ёшлар масалалари.....43
1.3. Ўлка жадидларнинг ёшларни ишлаб чиқаришга ва маданий хаётга иштирок эттириш бўйича ҳаракатлари 61

II - БОБ. ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ 85

2.1. Жадидларнинг ўлка иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий хаётида оиланинг ўрни ҳақидаги қарашлари..... 85
2.2. Жадидларнинг хотин-қизлар маданий ва маърифий онгини ривожлантириш борасидаги қарашлари..... 102

Х У Л О С А..... 128

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ....134

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистон туб ўзгаришлар йўлига ўтганидан сўнг ўзига хос миллий ривожланишининг стратегияси асосида етакчи бирламчи вазифа сифатида юксак маънавиятга, маънавий соғлом жамиятни шакллантиришга эришишни мақсад қилиб белгилаб олди. Маънавий комиллик, миллий маданиятни тиклаш, мустаҳкам маънавий тушунчаларга, умумжаҳон гуманитар ва миллий қадриятларга таянувчи эркин демократик тафаккурнинг шаклланиши янги ҳаёт сари ҳаракатнинг, барқарор ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг асосий йўналиши ва зарур шартидир.

Маданий-маънавий юксалишнинг масъулиятли вазифаларини амалга оширишда тарих фани алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, жамиятнинг тубдан янгиланишида «тарихий илдизларимизни чукур англаш, миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши, улуғ аждодларимиз қолдирган тарихий, маънавий ва интеллектуал меросни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир»[1].

Мустақиллик тарих фанининг ижтимоий вазифаларини тубдан ўзгартириб юборди. Ислом Каримов тарих фанининг ижтимоий аҳамиятини кўрсата туриб, ўзининг 1998 йил тарихчилар билан бўлган учрашувидаги нутқида, шунингдек миллий мафкуранинг шаклланишига бағишланган кейинги асарларида такрор ва такрор «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», «тарих – халқ маънавиятининг асоси»[2] деб таъкидлаган эди.

Тарих фанининг ролини кучайтиришга қаратилган кенг қамровий тадбирлар мажмуаси, тарихий ҳақиқатнинг тикланиши Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган эди. Унда ҳозирги тарих фанининг марказий вазифаларидан бири

---

[1] Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. – Т.: Ўзбекистон. 1999. С.16-17.
[2] Каримов И.А. Биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон. 1999. Б.134, 146.

«ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини ўрганиш», шу жумладан «...давлатчиликнинг турли даврларида қадимдан то ҳозирги кунгача ҳудудимизда яшаган халқларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганишдир»[1] деб кўрсатилган.

Илмий тадқиқотлар олдига қўйилган долзарб муаммолар орасида XIX аср охири - XX аср бошларидаги совет даврида энг кўп сохталаштириб кўрсатилган тарихий жараёнларнинг ишончли манзарасини тиклаш принципиал аҳамиятга эга. Хусусан, мустамлака Туркистон халқларининг миллий ўзлигини англашига жуда катта таъсир кўрсатган жадидлар ҳаракати масалаларини холис ўрганиш зарурияти қаттиқ талаб қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, мустақил ривожланиш йилларида жадидчилик тарихини ёритишга бағишланган салмоқли илмий тадқиқотлар яратилди. Шунга қарамасдан, қайтадан илмий таҳлил этишни ва қайтадан концептуал баҳо беришни талаб қилувчи анчагина саҳифалар мавжуд. Улар орасида Туркистон жадидларининг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ бўлган қарашлари ҳам бор. Жадидчилик ҳаракати тарихининг бу аспекти ҳали махсус илмий таҳлил мавзуси бўлган эмас. Унинг системали ўрганилишига бўлган ижтимоий зарурият ҳаддан ташқари катта. Бу, энг аввало, жадидларнинг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича ғояларининг ҳозирги мустақил Ўзбекистоннинг баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва жамиятда хотин-қизлар ролини кучайтиришга қаратилган, туб ўзгаришлар амалиёти билан кўп жиҳатдан ҳамоҳанглиги билан белгиланади.

Маълумки, жадидлар Туркистоннинг гуллаб-яшнашини мустамлака зулмидан озод бўлиш, мустақилликка эришиш ва ижтимоий тузумни бошқариш системасини ислоҳ қилиш йўли билан демократик давлат тузиш, иқтисодий қолоқликни енгиш ва жаҳон цивилизацияси ютуқларини эгаллаш билан боғлаганлар. Етилган муаммоларни ечишни улар, айниқса, ўзларининг дастлабки даврдаги фаолиятларида, маърифатда деб билганди. Шу билан бирга жадидлар миллий давлатнинг тикланишида, Туркистоннинг

[1] Ўзбекистон тарихи. 1999. № 1. Б. 15-17.

тарихий тараққиётнинг илғор марраларига чиқишидаги жараёнида асосий ўринни илғор, маънавий бой ва сиёсий тобланган ёшларга ажратганлар.

Жадидчилик мафкурасида хотин-қизлар ижтимоий аҳволида кескин ўзгаришларни амалга ошириш масаласига принципиал аҳамият берилган. Жадидлар жамиятда хотин-қизларга нисбатан шаклланган муносабатни ўзгартирмасдан, уларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий мавқеини оширмасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиб, уни системали замонавийлаштириб бўлмайди, деб ҳисоблаганлар. Улар хотин-қизлар ҳуқуқини поймол қилишга барҳам беришни, оиланинг ҳуқуқий асосларини янгилашни, уларни таълим ва маърифат жараёнларида фаол қатнашишга жалб қилишни ёқлаб чиққанлар, чунки пировардида миллат, жамият ва давлат тақдири маълум даражада хотин-қизлар ва оиланинг маънавий соғломлигига боғликдир.

Бу ғоялар бугунга келиб Ўзбекистонда ўз тараққиётини топди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ёш ўзбек давлатида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари давлат сиёсатининг марказида бўлди. Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг илгарилаб бораётган тараққиётида ёшларнинг ролига тўхталиб, шундай таъкидлаган эди: «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак»[1].

Шу билан бирга хотин-қизлар масаласининг бирламчилигини таъкидлаб туриб, Ўзбекистон Президенти унга шундай баҳо беради: «Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабатини унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди»[2].

---

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. - Т.: Ўзбекистон. 1999. Б. 385.
[2] Ўша жойда.

Шу муносабат билан Туркистон жадидларининг қарашларини илмий ўрганиш мустақил Ўзбекистоннинг ёшлар ва хотин-кизлар масаласи бўйича сиёсатининг ғоявий манбаларини ва тарихий ворислигини аниқлаш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Ўша давр талабларига жавоб берадиган муҳим масалаларни биринчилар қаторида кўтариб чиққан жадидчилик ҳаракати иштирокчиларининг олижаноб маърифий фаолиятини, шахс сифатида кўрсатган жасоратини холисона ёритиш жадидчилик феноменининг катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жадидларнинг ҳаёти ва илғор ижодий изланишлари ёшларни истиқлол, Ватанга муқаддас муҳаббат руҳида тарбиялашга уларнинг ҳозирги туб ўзгаришлар жараёнидаги иштирокини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Ниҳоят, жадидларнинг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича қарашларини ҳар томонлама ўрганиш жадидчилик тарихининг яна бир саҳифасини тўлдиришга, унинг миллий-маънавий хазинасига қўшган ҳиссасини тўлароқ баҳолашга имкон беради.

Тадқиқотнинг даврий чегараси Туркистонда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлган XIX аср охири - XX аср бошларидан Октябрь тўнтаришигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр танлаб олинишининг сабаби шундаки, айнан шу вақт оралиғида ғоявий-сиёсий оқим сифатида жадидчилик Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётига, халқнинг ўзлигини англашининг юксак даражага кўтарилишига, унинг озодлик ва демократик ўзгаришларга интилишига кўпроқ таъсир кўрсата бошлаган. 1917 йилдан кейин совет тоталитар режимининг ва коммунистик мафкуранинг ўрнатилиши даврида жадидлар фаолиятида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида большевиклар режимининг кескин қарши ҳаракатларига қарамасдан жадидлар ўз ғояларини фидокорона ҳимоя қилдилар ва натижада улар янада кучлироқ сиёсий қувғунлар ва қатағонга йўликдилар. Шу тариқа жадидчилик ҳаракати аста-секин сўна бошлади ва охир оқибатда йўқ қилинди. Аммо бу жараёнларни ўрганиш алоҳида илмий тадқиқотларни талаб этади.

Танланган даврга мурожаат қилиш жадидларнинг Туркистон ёшлари ва хотин-қизлар масалалари бўйича фаолиятини ўрганиш орқали жадидчилик ҳаракати тарихининг кам ўрганилган томонларини ёритишга, ўша даврнинг улкан тарихий жараёнлари ҳақидаги тасаввурни чуқурлаштиришга имкон беради.

Жадидларнинг ёшлар масаласи ва хотин-қизлар озодлиги йўлидаги қарашларини ўрганиш тарих ҳақиқати тўғрисидаги илмий билимлардан маънавий-аҳлоқий янгиланиш жараёнларини кучайтиришда, ёш авлод ва хотин-қизларнинг Ўзбекистондаги янги жамият қуришнинг ижодий дастурини амалга оширишдаги ижтимоий ролини ошириш йўлларини излашда фойдаланиш учун имкон яратиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, ўрганилаётган мавзу ҳозиргача илмий билишнинг мустақил объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Унинг айрим жиҳатлари алоҳида ҳолда ва жадидчилик ҳаракатининг умумий масалалари мажмуасида кўриб чиқилган. Диссертацияда жадидлар фаолиятига бағишланган илмий адабиётлар хронологик уч даврга бўлинади: 1) XIX аср охиридан – 1917 йил октябр тўнтарилишигача; 2) совет даври тадқиқотлари; 3) Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейин ўтказилган илмий тадқиқотлар.

Туркистон жадидларининг ҳаракати ҳақидаги биринчи маълумотлар XX аср бошларидаги маҳаллий матбуот саҳифаларида учрайди[1]. Бу асосан аҳолининг Европа қисми таркибидан чиққан муаллифларнинг матбуот саҳифаларидаги ишлари эди. Булар асосан жадидлар фаолиятининг алоҳида томонларини, кўпроқ янгича ўқитиш услубининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган фаолиятини ёритишга бағишланган ишлар эди.

Миллий матбуот нашрларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда жадидчилик ҳаракати иштирокчиларининг нашрлари ҳам кўпайиб борди.

---

[1] Алмитов. Новометодные школы. // Самарканд. 1906. 20 мая; Еникеев А. Успехи новометодных мактабов. // Туркестанские ведомости. 1911. 5 февр.; Андреев Г. Туземцы и просвещение. // Туркестанский голос. 1916. 12 ноябр ва б.

Жадидлар чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқиб, Туркистон жамиятини ижтимоий-сиёсий қайта қуриш, миллий давлатчиликни тиклаш, халқ маорифи борасидаги қарашларини ўзларининг «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Ойна», «Садои Туркистон», «Кенгаш», «Ҳуррият» ва бошқа шу каби газета ва журналлар саҳифаларида ёритиб бордилар[1]. Улар жадидчилик ғояларини фақатгина маърифат билан эмас, балки унинг сиёсий мавқеини тубдан ўзгартириш, мустақилликка эришиш билан ҳам боғлаб тарғибот қилган эдилар. Ҳозирги кунда бу нашрлар жадидчилик ҳаракатини ўрганишда, жадидларнинг ўлка ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётидаги ролини аниқлашда энг муҳим манбалардан ҳисобланади.

Совет даврида, айниқса 20-йиллар охиридан бошлаб жадидчилик ҳаракатини сохталаштириш, жадидчиликнинг ғоявий-ахлоқий моҳиятини атайлаб бузиб кўрсатиш, уни буржуа миллатчилиги мазмунидаги реакцион ғоявий-сиёсий оқим сифатида кўрсатиш тенденцияси пайдо бўлган эди. Бундай концептуал вазият совет тарих фанининг ўта даражада сиёсийлаштирилишининг умумий жараёнлари билан, унинг синфий-сиёсий қурилмага ва ортодоксал марксча мафкурага йўналтирилганлиги билан боғлиқ эди. Тоталитар режим расмий доктриналарга муқобил қарашларни баён этган олимларни сиёсий сиқув ва куч тазйиқи воситаларидан фойдаланган ҳолда таъқиб қилар, тарихий жараёнларни объектив тушунчалар контекстида очиб беришга, маҳаллий аҳолининг озодлик ҳаракатини бостириш сиёсатини фош қилиш ва уларнинг маънавий раҳнамолари бўлган илғор миллий зиёлиларнинг, шу жумладан жадидларнинг қарашларини очиб беришга қаратилган тадқиқотларни тақиқлар эди. Бунинг натижасида тарихий фикр деформацияланган асосда ривожланиб борди.

Шу билан бирга совет тарихшунослиги доирасида сиёсий ва ғоявий зўравонлик даражаси билан ажралиб турадиган даврлар пайдо бўлди.

---

[1] Бехбудий М. Хайрул умури авсатаҳо. // Хуршид. 1906. 11 окт.: Сарт сўзи маълум бўлмади. // Ойна. 1914. 19 июль; Музаффар А. Онг умидлари. // Садои Туркистон. 1915. 29 янв.; 27 фев.; Сўфизода М. Ўқинглар, оналар. // Садои Туркистон. 1915. 17 май ва б.

Чунончи, 20-йиллар даврини ўз ичига оладиган бошланғич давр ажралиб туради. У даврда марксистик тарихий мактабнинг ўрни ҳали заиф эди, мафкуравий диктатура ҳамда коммунистик партиянинг ҳокимият монополияси эндигина ўрнатилаётган ва шунинг учун илмий тадқиқотларнинг нисбатан эркинлиги кузатилар эди. Ўша йиллар адабиётларини таҳлил қила туриб, нашр этилган ишларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, жадидчилик ҳаракатининг бевосита иштирокчилари қарашларини акс эттирар эди. Иккинчиси, миллий зиёлилар ва ҳокимият жабҳаларида ишловчи илғор фикрловчи раҳбар ходимларининг ишлари. Учинчиси, шаклланиб келаётган марксистик тарихий мактаб вакилларининг тадқиқотлари эди.

Собиқ жадидларнинг нашр қилинган ишлари тарихшуносликда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Садриддин Айнийнинг 1926 йилда нашр қилинган «Бухоро инқилоби тарихидан материаллар» тарихий мемуарлар китоби[1] ва Файзулла Хўжаевнинг бир қатор асарлари[2] Ўрта Осиё жадидлари тарихи бўйича бой маълумотларни ўз ичига олади. Уларда шахсий хотиралар ва замондошларнинг гувоҳлик берувчи ҳужжатлари асосида Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракати ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари холисона ёритиб берилган. Лекин С. Айни ва Ф. Хўжаев асосий эътиборни Бухоро жадидчилик ҳаракатини таҳлил қилишга қаратганлар. Айни пайтда уларнинг изланишларида Туркистон жадидларининг дунёқарашларига қиёсий тавсиф ҳам берилади. Масалан, Ф. Хўжаев жадидчилик ҳаракатининг Туркистондаги чоризм мустамлакачилик сиёсатига қарши курашдаги ролини алоҳида таъкидлаган, жадидларнинг хотин-қизлар озодлиги масалаларини ҳал қилишдаги ҳаракатларининг муҳимлигини, уларнинг миллий кадрлар тайёрлаш, миллий театрлар ва миллий нашрлар барпо қилишдаги роли катталигини кўрсатиб ўтган.

---

[1] Айни С. Материалы по истории Бухарской революции. - М., 1926.

[2] Ходжаев Ф. Туркистон ёпилари. // Улуғ Туркистон. 1918. 21 май; К истории революции в Бухаре. - Т., 1926; Джадиды. // Очерки революционного движения в Средней Азии. - М., 1926. С. 6-12; О младобухарцах. // Историк-марксист. 1926. № 1. С. 123-141 ва б.

Иккинчи гуруҳга кирувчи тадқиқотлар орасида Л. Азиззода[1], Р. Иноғомов[2] ва Г. Сафаровларнинг[3] нашр қилинган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Л. Азиззода биринчилар қаторида М. Беҳбудийнинг Туркистонда жадидчилик ҳаракатини ташкил қилишдаги ролини тасвирлаб берди. Чунончи, бунда М. Беҳбудий мустақилликка эришишнинг муҳим шарт-шароитлари сифатида ёшлар ва кекса авлоднинг чамбарчас бирлашишини алоҳида ажратиб кўрсатганлигини таъкидлаган. Р. Иноғомов Туркистон жадидларининг позитив маданий-мафкуравий фаолиятини ва уларнинг ўлка келажаги тўғрисидаги қарашларини тавсифлаб берди. Г. Сафаров жадидчилик илғор миллий-сиёсий ҳаракат эканлигини таъкидлаб берди. 20-йиллар бошида шаклланиб келаётган совет тарихий мактабининг тадқиқотчилари орасида плюралистик дунёқарашлар ҳам кузатилар эди. Масалан, А. Самойловичнинг «Ёш бухороликларнинг биринчи яширин ташкилоти»[4] номли тадқиқотида жадидларнинг мактаб-маориф фаолиятига юқори баҳо берилган эди.

Л. Соловейчик, Е. Федоров ва С. Муравейскийнинг Ўрта Осиё миллий-озодлик ҳаракатига бағишланган рисолаларида жадидчилик маҳаллий халқларнинг миллий озодлик ҳаракатида муайян роль ўйнаганлиги кўрсатиб ўтилган эди[5].

Лекин XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмидан совет тарихшунослигида концептуал баҳо бериш жараёни қаттиқ сиқув остига олина бошланди. Жумладан, С. Айний ва Ф. Хўжаевнинг жадидчилик ҳаракатининг тарихига бағишланган нашрлари кескин танқидга учради. Масалан, П.Г.Галузо (Г. Туркестанский) ўзининг Ф. Хўжаевнинг эсдаликларига берган тақризида синфий-марксистик ёндашишга мувофиқ жадидларнинг 1917 йилдан кейинги фаолиятини советларга қарши «аксилинқилобий»

---

[1] Азиззода Л. Беҳбудий. // Маориф ва ўқитувчи. 1926. № 2.
[2] Иногамов Р. Узбекская интеллигенция. - Т., 1926.
[3] Сафаров Г. Колониальная революция. - М., 1921.
[4] Самойлович А.Н. Первое тайное общество младобухарцев. // Восток. - М., 1921. № 1. С. 139-141.
[5] Соловейчик Л. Басмачество в Бухаре: очерк возникновения и развития современного басмачества. - М., 1923; Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. - Т., 1925; Муравейский С. Очерки по истории революционного движения в Средней Азии. - Т., 1926.

ҳаракат сифатида кўрсатиб берди[1]. Шунингдек, у муаллиф томонидан жадидларнинг ижтимоий таркибига берилган тавсифини хам каттик танкид қилди. Кейинчалик 1927 йилда Файзулла Хўжаевни партия съезди минбаридан туриб, жадидчилик ҳаракатини бўрттириб кўрсатганлиги учун миллатчиликда айбладилар. Шундан кейин у ўз китобининг иккинчи нашрини босмага тайёрлади, гарчи унда жадидлар ҳаракатининг дастлабки давридаги маърифий фаолияти тан олинган бўлсада, уларнинг Октябрь давридан кейинги ҳаракатига салбий баҳо берилган[2].

XX асрнинг 30-йилларида жадидлар ҳаракатига баҳо берувчи большевиклар концепцияси ишлаб чиқилди. Ўша даврда Сталин қатағон–тоталитар режимининг ўрнатилиши муносабати билан кўпфикрлиликка тўлик барҳам берилди, синфий марксистик ғоя бирламчилигининг анъанавийлиги ва бир ёкламалиги мустаҳкамланди, тарих фани ҳукмрон доираларнинг ғоявий манфаатларига тўлиқ бўйсундирилди. Окибатда ўша даврдан бошлаб 80-йиллар охиригача жадидлар ҳаракати совет тарихшунослигида фақат «реакцион», халқ оммасидан ажралган миллий буржуазия ҳаракати сифатида талкин қилинган эди. Ўша йиллар тадқикотларида одатда жадидлар «пантуркчи» ва «панисломчилар» сифатида қораланган, уларнинг номлари унутилган, ватанпарварлик фаолияти эса ҳаддан ташқари бузиб кўрсатилар эди. Бунинг мисоли сифатида совет даврининг олимлари А.Алиев, Н.Абдуазизова, И.Брагинский, М.Ваҳобов, Х.Воҳидов, Н.Додонов, К.Житов, Х.Иноятов, А.Ишанов, Т. Каримов, В. Непомнин, А. Пясковский, М. Раҳмонов ва бошқаларнинг тадқиқотларини тилга олиш мумкин[3].

---

[1] Туркестанский Г. Кто такие были джадиды. - Т., 1926.

[2] Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре и национального размежевания в Средней Азии. - Т., 1932.

[3] Житов К., Непомнин В. От колониального рабства к социализму. - Т., 1939; Житов К. Победа Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане. - Т., 1949; Ишанов А.И. Создание Бухарской народной советской республики (1920-1921 гг.). - Т., 1953; Иноятов Х. Ўзбекистонда Октябрь революцияси. - Т., 1957; Победа советской власти в Туркестане. - Т., 1978; Пясковский А.В. Революция 1905-1907 гг. в Узбекистане. - Т., 1957; Вахабов М.Г. Ташкент в период трех революций. - Т., 1957; Жадидизмнинг социал моҳияти. // Ўзбекистон коммунисти. 1960. № 1. Б. 39-41; О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюция в период Великой Октябрьской революции. // История СССР. 1963. № 2. С. 39-40; Алиев А. Великий Октябрь и революционизирование народов Бухары. - Т., 1958; Додонов Н.К. Победа Октябрьской революции в Туркестане. - Т., 1958; Брагинский И.С. О природе среднеазиатского джадидизма в свете литературной деятельности джадидов. / Из истории персидской и таджикской литератур. - Т., 1972. С. 437-460; Каримов Т.К. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т., 1975; Вахидов Х. Просветительская идеология в Туркестане (1870-1925). - Т., 1976; Абдуазизова Н. Печать и строительство социализма. - Т., 1977; Рахмонов М. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. - Т., 1981 ва б.

Жадидчилик тарихини холисона ёритиш бўйича баъзи бир ҳаракатлар 80-йиллар охири - 90 йиллар бошида қилинган эди. Бу даврда совет режимининг кўзга яққол ташлаган талвасаси, компартиянинг ҳукмрон позицияларининг, «қайта қуриш» давомида вужудга келган ошкоралик жараёнининг миллий ўзликни англашнинг ўсишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ижтимоий зарурият туғдирди.

Тараққийпарвар жамиятшунос олимлар янги ижтимоий-сиёсий тушунчаларга таянган ҳолда расмий методология стереотипларидан воз кечишга, илгариги сиёсийлаштирилган баҳолашни қайта кўриб чиқишга, совет тарихшунослигида очилиб қолган бўшлиқларни ёритишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Жумладан, 1988 йил 12 октябрда Ўзбекистон, Тожикистон, Татаристон ва Озарбайжон тарихчилари, файласуф ва филологлари томонидан «Жадидчиликнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, унинг XIX аср охири - XX аср бошларидаги ғоявий кураш тарихида тутган ўрни» мавзуидаги давра суҳбатида қилинган биринчи ҳаракат олимлар орасида катта қизиқиш ва таъсир уйғотди. «Давра суҳбати»да қатнашчиларнинг фикр алмашишлари натижасида тоталитар даврнинг жадидчилик ҳаракатига берилган қўпол ижтимоий баҳолашдан воз кечилди ва уни маърифат ғояларини амалга оширишнинг бир даври сифатида қабул қилиш лозимлиги белгилаб олинди.

Бу воқеа гуманитар фанлар олимларининг жадидлар фаолиятини қайтадан кўриб чиқишга қаратилган илмий ишларини нашр қилишга, жадидчилик тарихи ва унинг мафкурасини янгидан тадқиқ этишга илҳомлантирди. Булар орасида Я. Абдуллин, Н. Авазов, Б. Қосимов, П. Мирза-Ахмедова, Д. Рашидова, Ш. Очилов, Ш. Турдиев, С. Холбоев, Б. Эргашева, Н. Йўлдошев ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларини тилга олиш мумкин. Бу тадқиқотларда жадидчиликнинг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ўзбек халқининг маънавий ҳаётига бўлган таъсири манбаларини

ўрнашиб қолган догматик тасаввурларни ҳисобга олмаган ҳолда холисона таҳлил қилишга ҳаракат қилинган эди[1].

«Қайта қуриш» йиллари адабиётининг хизмати шундан иборат бўлдики, унда жадидчилик ҳаракатини баҳолашга янги услубий ёндашишнинг ишлаб чиқилишининг зарурлиги асослаб берилди, жадидчилик тарихининг аввал маълум бўлмаган саҳифалари очиб берилди. Лекин бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига муваффақ бўлинмади. Бу муаммони ўрганишда ҳам, умуман тарих фанида ҳам ҳақиқий бурилишига эришилгани йўқ. Бунга коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган ҳукмронлиги, илгариги тузумнинг сақланиб турганлиги ҳам сабаб бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейингина холисона илмий таҳлилга кенг имкониятлар очиб берилди. Тоталитар тузумнинг кескин емирилиши, марксистик методологиянинг рад этилиши, миллий маънавиятнинг тикланиши ватан тарихини ёритишга ҳақиқий илмий, сиёсатдан холи бўлган муносабатларнинг шаклланишига, шу жумладан жадидчилик ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг тикланишга имкон берди.

Диссертацияда таҳлил қилинган адабиётлар шуни кўрсатадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида жадидчилик ҳаракати масалалари билан асосан адабиётшунослар шуғулланганлар. Улар бирламчи эътиборни жадидларнинг маърифий ва адабий фаолиятларини ёритишга каратганлар. Улар орасида А. Алиев, Б. Қосимов, Н. Каримов, Б. Назаров, Ш. Ризаев, Ш. Турдиев ва бошқаларнинг изланишлари ажралиб туради. Бу тадқиқотларда М. Беҳбудий ва А. Фитратнинг адабий мероси янгича талқин қилинган, жадидчиликнинг миллий адабиётга таъсири кузатиб борилган, жадидлар драматургиясининг Туркистон жамиятига таъсири

---

[1] Абдуллин Я.Г. Джадидизм, его социальная природа и эволюция. - Казань, 1988; Турдиев Ш. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Фан ва турмуш. 1989. № 1. Б. 18-21; Падаркуш воқеаси ҳақида. // Шарқ юлдузи. 1989. № 7. Б. 148-155; Қосимов Б. Жадидчилик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 4. Б 17; Карвонбоши. // Ёшлик. 1990. № 7. Б. 71-79; Мирза-Ахмедова П., Рашидова Д. Джадиды: кто они? // Звезда Востока. 1990. № 9. С. 137-142; Очилов Ш. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Ёш ленинчи. 1990. 26 сент.; Эргашев Б. К вопросу о младобухарцах. // История СССР. 1990. № 4. С. 58-71; Джадиды: либералы или демократы. // Звезда Востока. 1991. № 2. С. 126-131; Аваэов Н. Туркистонда ҳақ олинмади, берилди. // Ёшлик. 1991. № 10. Б. 38-44; Каримов Н. Абдулҳамид Чўлпон. - Т.: Фан. 1991; Холбоев С. Мукимвар Қори. // Фан ва турмуш. 1991. № 4. Б. 10-13 ва б.

тасвирлаб берилган, жадидларнинг маърифий ғояларини тарқатишдаги ва таълим тизимининг янгиланишидаги роли таъкидлаб ўтилган эди[1].

Жадидчилик тарихини ўрганишнинг методологик томонларининг системали қайтадан баҳоланиши, илгари кўл етмаган махфий ҳужжатли манбаларнинг ошкор этилиши жадидларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий фаолиятининг аник йўналишлари бўйича махсус тадқиқотларнинг пайдо бўлишига имконият яратиб берди. Хусусан, XX асрнинг 90-йилларида жадидчилик ҳаракатига бағишланган бир қатор монография ва диссертациялар тайёрланган эди. Масалан, 1994 йилда нашр қилинган У. Долимовнинг китобида жадидлар ҳаракатининг йирик иштирокчиси И. Ибратнинг ҳаёти ва ижоди янги концептуал нуқтаи назардан тасвирлаб берилган[2]. Д. Алимова ва Д. Рашидова ўзларининг илмий ишларини буюк маърифатпарвар, ислоҳотчи ва сиёсий арбоб, Туркистон жадидчилигининг атоқли асосчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва ижодига бағишладилар. Шу билан бирга улар биринчилар қаторида М. Беҳбудийнинг ёш авлодга бўлган муносабатини тасвирлаб бердилар[3]. А. Худойқуловнинг номзодлик диссертациясида жадидларнинг маърифат соҳасидаги ватанпарварлик фаолиятининг асосий томонлари таҳлил қилиб берилган, уларнинг миллий нашрларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги роли тавсифлаб берилди[4]. Ҳ. Саидовнинг тадқиқотида М. Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти ўз ифодасини

---

[1] Алиев А. Маҳмудхўжа Беҳбудий. - Т., 1993; Жадидчилик, маърифат ва таълим-тарбия. // Маърифат. 1993. 24 ноябр; Каримов Н. Бехбудий ва жадид адабиёти. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. № 7. Б. 3-7; Чўлпон ва Боту: империя курбонлари. // Ватан. 1994. 13-20 июль; Хамза ва жадидчилик. // Гулистон. 1994. № 5. Б. 54-57; Ғулом Зафарий. // Гулистон. 1996. № 4. Б. 54-56: Чўлпон учун кишан: буюк кишилар ҳаётидан. // Фан ва турмуш. 1991. № 10. Б. 12-13, 20-21; № 11. Б. 8-9; Қосимов Б. Жадидчилик. // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. - Т., 1993. Б. 12-39; Маслакдошлар. Т., 1995; Қосимов С. Маърифат ёлқини. Маданий мерос. // Нафосат. 1993. № 7-8. Б. 26-28; Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т., 1997; Миллий уйғониш даври сабоклари. // Маърифат. 1996. 30 март; Турдиев Ш. Истиқлолимиз қарвонбошиси. // Маърифат. 1993. 23 дек.; Беҳбудий. // Мулоқот. 1994. № 5. Б. 44-45; Фитрат ва адабий алоқалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 4. Б. 10-15.

[2] Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. - Т., 1994.

[3] Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбуди и его исторические воззрения. - Т., 1998.

[4] Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX - начало XX в.).: Автореф. дис... канд. ист. наук. - Т., 1995.

топди[1]. Г. Маҳмудова Туркистон жадидлари ҳаракатининг ўлкада маънавий эстетик фикрлашнинг ривожланишига таъсирини ёритди[2].

Жадидчилик тарихини ёритишдаги илмий изланишлар ўтган асрнинг 90-йиллари охиридан бошлаб сезиларли даражада кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қуриш Академиясининг Конрад Аденауэр номидаги халқаро жамғарма билан ҳамкорликда 1998 йил 9 октябрда ташкил қилган «Давра суҳбати» анжумани тарих фанининг бу йўналиши бўйича ватан тарихшунослигида муҳим бир босқичга айланди. Д. Алимова, Д. Зияева, Қ. Ражабов, Ш. Турдиев ва бошқа олимларнинг чиқишларида жадидлар мустақиллик учун курашчилар сифатида танитилди[3].

Ўзбекистон илмий ҳаётида 1999 йил 16-18 сентябрда бўлиб ўтган «Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш» мавзуида халқаро илмий анжуман жадидлар ҳаракати масалалари бўйича илмий изланишларнинг чуқурлашишига имкон яратиб берган муҳим воқеа бўлди. Бу конференция Европа, АҚШ ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ҳудуди XIX аср охири - XX аср бошлари тарихининг ижтимоий-сиёсий масалаларини ўрганувчи тадқиқотчиларнинг бир неча авлод вакилларини тўплаган биринчи йирик халқаро илмий анжуман эди. Конференцияда қилинган Д. Алимова, А. Халид, И. Бальдауф, Н. Каримов, Є. Аъзамхўжаев, Д. Зиёева, Ф. Қосимов, Ш. Лемерсье-Келькеже ва бошқа таниқли олимларнинг маърузаларида холисона концептуал ёндошиш асосида Шарқ ва Ғарб тараққийпарварлик ҳаракатларининг ғоявий умумийлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсири, Туркистон жадидчилиги ҳаракатида жадидларнинг ўрни, уларнинг Туркистон жамиятининг маънавий янгиланиши, замонавийлаштирилиши бўйича ватанпарварлик фаолиятининг аҳамияти масалалари муҳокама

---

[1] Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти.: Филол. фанлари номзоди... автореф. - Т., 1998.

[2] Махмудова Г.Т. Джадидское движение в Туркестане и его влияние на развитие нравственно-эстетической мысли.: Автореф. дис... канд. филос. наук. - Т., 1996.

[3] Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра суҳбати материаллари. - Т.: Эльдинур, 1998.

қилинди. Шу билан бирга қайтадан кўриб чиқилиши керак бўлган замонавий долзарб муаммолар орасида жадидчилик ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ бўлган манзаралар ҳам белгилаб берилди[1].

Жадидлар ҳаракати тарихи ва миллий маърифатпарварларнинг бой ижодий мероси тўғрисидаги илмий тасаввурларнинг кенгайишига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан нашр қилинадиган вақтли тўпламлар ҳам таъсир кўрсатди. Жумладан, «Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар» тўпламида жадидлар фаолиятининг маърифат, таълим ва ёшларни тарбиялаш соҳасидаги фаолияти холис таҳлил қилиб берилган[2]. Жадидларнинг маърифатпарварликдан сиёсий ҳаракаттача босиб ўтган йўли «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш» тўпламида акс эттирилган. Унда жадидчиликнинг тарихий асослари ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни, маърифатпарварлар ғояларининг миллий давлатчиликни тиклашдаги аҳамияти, Бухоро жадидлар ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, Туркистон жадидларининг мустақиллик учун курашдаги роли каби кам ўрганилган масалаларга эътибор қаратилди[3].

Жадидлар ҳаракатининг чоризм мустамлакачилиги ва совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари давридаги тарихига оид илмий билимларнинг бойитилишига «Ўзбекистоннинг янги тарихи» биринчи ва иккинчи китоби[4], «Туркистон XX аср бошларида: миллий мустақиллик асослари тарихига оид» умумлаштирувчи монография[5] салмоқли ҳисса қўшди. Уларда жаҳон тарихий фикрлаш ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўлкада жадидчилик ҳаракати ривожланишининг асосий анъаналари таҳлил қилиб берилган, унинг ижтимоий ўзгаришларининг боришига таъсири

---

[1] Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). - Т.: Маънавият. 2001.

[2] Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар: Даврий тўплам. № 2. / Таҳрир ҳайъати Д. Алимова (масъул муҳаррир) ва бошқ. - Т., 1999.

[3] Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам, № 1. - Т., 1999.

[4] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.- Т., 2000; 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т., 2000.

[5] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. - Т., 2000.


кўрсатилган, жадидчилик мафкураси тавсифланиб, жадидлар йўлбошчиларининг сиёсий портретлари қайтадан яратилган.

Ҳозирги давр миллий ва хорижий тарихшунослиги тадқиқотларида бу масалалар янада аниқлаштирилди. Масалан, С. Аъзамхўжаевнинг «Туркистон мухторияти» китобида жадидчиликнинг келиб чиқиш манбалари ва унинг ривожланиш босқичлари кўрсатилган, тарихий тараққиёт тарафдорларининг турли ғоявий йўналишлари тасвирланган, Туркистон мухторияти концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалда тузишда жадидларнинг роли аниқлаб берилган[1]. Д. Алимованинг «Ўрта Осиё жадидчилиги» номли умумлаштирувчи илмий ишида ўлкада жадидлар ҳаракатининг шаклланиш жараёнлари кузатилган, Туркистон жадидларининг ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ғоявий қарашларининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган, жадидчиликнинг мақсадлари чегараланган маърифатпарварлик ғояларидан жамиятни тубдан қайта қуриш ва уни бошқариш вазифасигача бўлган мураккаб тарихий тараққиёт йўли ёритиб берилган[2]. Туркий халқлар тили, адабиёти ва маданияти масалалари билан шуғулланувчи немис шарқшунос олими И. Бальдауф ишида миллий демократларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-оқартув ва маънавий-ахлоқий ғоялари тасвирлаб берилган. Бу хусусда унинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳожи Муйин, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг ватанпарварлик фаолияти ҳақидаги янги маълумотлари катта қизиқиш уйғотади[3]. К. Вохидованинг диссертациясида Исҳоқхон Ибратнинг тарихчи сифатидаги ижодий ва ижтимоий-сиёсий портрети қайтадан яратилган[4].

Тарихшунослик таҳлилига умумий якун ясаб, шундай хулосага келиш мумкинки, умуман, хозирги пайтга келиб жадидлар ҳаракатини холис ёритишнинг тарихшунослик асослари солинган жадидларнинг жамиятни

---

[1] Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. - Т., 2000.
[2] Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. - Т., 2000.
[3] Бальдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. - Т., 2001.
[4] Вахидова К.А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие.: Автореф. дис... канд. ист. наук. - Т., 2002.



системали замонавийлаштириш, тарихий жараённи тезлаштириш ва миллий давлатчиликни тиклаш бўйича дунёкараши ва уларнинг ватанпарварлик фаолиятини илмий баҳолашнинг адекват концепцияси ишлаб чиқилган. Лекин Туркистон жадидларининг ёшлар муаммоси ва хотин-қизлар масаласига бўлган қарашлари кам ўрганилганича қолмоқда. Илмий изланишнинг бу йўналиши ҳали яхлит илмий таҳлил қилинмаган.

Муаммонинг назарий ва амалий аҳамияти, унинг тарихий ҳақиқат ва миллий истиқлол мафкураси руҳида ишлаб чиқилмаганлиги диссертация мавзусини танлаб олинишига сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади Туркистон жадидларининг ёшлар муаммолари ва хотин-қизлар масаласини ҳал қилиш йўлидаги дунёқарашларининг замонавий ғоявий-методологик позицияларини ҳар томонлама ўрганишдир.

Қўйилган мақсадга мувофиқ қўйидаги вазифалар белгиланди:

- Туркистон жадидларининг тадқиқ қилинаётган масалалар бўйича ғоявий қарашларини ўрганиш;

- жадидчилик мафкураси орқали ўлка жадид мактабларининг фаолиятини ва уларда ўқитиш услубларини ёритиш;

- маърифат ғоялари контексти орқали жадидларнинг ёшларни тарбиялашда таълимдан фойдаланишдаги ёш авлодни ишлаб чиқаришда ва Туркистон жамиятининг маданий ҳаётида фаол қатнашишга жалб қилишдаги ташкилотчилик ролини аниқлаб бериш;

- жадидларнинг Туркистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида оиланинг ўрни ҳақидаги қарашларини таҳлил қилиш;

- жадидларнинг хотин-қизлар озодлиги ва хотин-қизлар масаласини ҳал қилиш йўллари ҳақидаги қарашларини ўрганиш.

Диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда жахон ва ватан тарихий фикрлашнинг ютуқлари инобатга олинган ҳолда истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан Туркистон жадидларининг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича дунёқараши ва фаолияти биринчи марта яхлит ёритилган.

Совет даврида бошланган синфий марксча ёндошишга асосланиб қилинган илмий тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, мазкур диссертацияда Туркистон жадидларининг маърифат, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ролини кучайтириш масалалари бўйича ғоявий қарашлари умумжаҳон ва миллий гуманитар қадриятлар бирламчилигига, Туркистон жамиятини системали замонавийлаштиришнинг асрий анъаналари ва вазифаларининг кетма-кетлигига асосланган тасаввурларга таянган ҳолда баҳоланади.

Ишда диққат-эътибор жадидлар фаолиятининг янги услубдаги мактабларни ташкил қилиш, маърифат ғояларини тарғиб қилиш, таълимнинг тарбиявий салоҳиятини ошириш, ёш авлодни, оила ва хотин-қизларни ўлканинг иқтисодий ва маданий-маърифий ривожланиши жараёнига жалб қилиш каби жуда кам ўрганилган томонларига қаратилди.

Ишнинг илмий янгилигининг муҳим белгиси шундан иборатки, унда жадидлар томонидан ишлаб чиқилган ёшлар, оила ва хотин-қизларнинг моддий-маънавий ишлаб чиқаришдаги ролини кучайтириш модели, уларнинг буни амалга оширишдаги ватанпарварлик фаолияти Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тикланишининг зарур эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади.

Диссертациянинг илмий янгилиги яна шундан иборатки, у орқали янги материаллар ва илгари фойдаланилмаган ҳужжатли манбалар илмий истеъмолга киритилади.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси миллий ғоя фалсафаси ижтимоий жараёнлар таҳлилининг назарияси ва методологияси билан белгиланган.

Ишда Президент И. А. Каримов асарларидаги фикр ва хулосалар алоҳида назарий-методологик аҳамиятга эга бўлди. Уларда мустақил миллий тараққиёт стратегиясининг асосий принциплари ифодаланган. Ҳозирги тарих фанининг асосий вазифалари белгилаб берилган, республика таълим моделининг ва баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг янги конструкцияси, ёшлар, оила ва хотин-қизларнинг жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ролини кучайтириш асослаб берилган.

Тадқиқот дастурини амалга оширишда муаллиф томонидан М. Беҳбудий, М. Абдурашидхонов, А. Фитрат, С. Сидқикий-Ажзий, С. Айний каби маърифатпарварлар, шунингдек ҳозирги тарих фанининг Д. Алимова, С. Аъзамхўжаев, Р. Абдуллаев, Х. Зияев, Д. Зияева, Ф. Қосимов, Д. Рашидова, Қ. Ражабов, С. Холбоев ва бошқа таникли намояндаларининг назарий фикр ҳамда мулоҳазаларини ҳисобга олишга ҳаракат қилинди.

Назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлайдиган, тарих ва замонавийликни боғлайдиган, холислик, аниқлик ва тараққиётнинг синтезини амалга оширишга имкон берадиган ҳамда методологик ёндошувга асосланган ҳолда муаммоли-хронологик, қиёсий-таҳлилий методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг манбавий асоси сифатида асосан биринчи марта жалб этилган кенг ҳужжатли материаллар хизмат қилди.

Ишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фонди материаллари ташкил қилди. Шу жумладан, изланиш жараёнида И-1 (Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси), И-5 (Зарафшон округи бошлиғи), И-18 (Самарқанд вилоят бошқармаси идораси), И-36 (Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси), И-471 (Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси), И-461 (Туркистон ҳудуди кўриқлаш бўлими) каби фондларда сақланаётган архив маълумотларидан фойдаланилди. Чоризм давридаги ўлка маъмурияти ҳужжатларини ўз ичига оладиган кўп сонли умумлаштирувчи маълумотнома ва ахборот хатлари Туркистонда янги услубдаги мактабларни, хайрия муассасаларини очишни ташкил қилишнинг, жадидларнинг кенг маърифатпарварлик фаолияти, ҳаракатлари манзараларини кенг ҳажмда очиб беришга, ҳукмрон доираларнинг жадидлар ҳаракати ва унинг мафкурасининг кенг тарқалишига қарши таъсир кўрсатиш ҳаракатларини кузатишга имкон беради.

Ўрганилаётган мавзунинг турли аспектлари бўйича муҳим манбавий материаллар А. Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг ноёб китоблар ва қўлёзмалари бўлимидан, Самарқанд вилоят маданият ва санъат тарихи

музейидан, С. Айний уй-музейи фондларидан, шунингдек СамДУ илмий кутубхонасининг қадимий қўлёзмалар бўлимидан олинди.

Тадқиқотнинг манбавий базаси сезиларли қисмини жадидларнинг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича фаолияти ҳақидаги маълумотларни ўз ичига оладиган Туркистон ва Ўзбекистон вақтли матбуот материаллари ташкил қилди. Улар орасида «Кенгаш», «Совет Ўзбекистони», «Маориф ва ўқитувчи», «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Садои Фарғона», «Соғлом авлод учун», «Тараққий», «Туркестанские ведомости», «Туркестанский голос», «Туркистон вилоятининг газетаси», «Шуҳрат», «Ҳуррият» рўзномалари, «Туркестанский учитель», «Наука и просвещение», «Ойна», «Шўро», «Ҳаёт ва конун», «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш» журналлари ва бошқалар бор.

Бундан ташқари, манба сифатида қайд этилган йиллардаги жадидлар ҳаракатининг атоқли намояндаларининг нашр қилинган ишларидан, шу жумладан М. Беҳбудий, М. Абдурашидхонов, А. Авлоний, А. Фитрат, Ҳ. Муйин томонидан яратилган нашрлардан, улардан баъзиларининг хотиралар тўпламларидан[1], шунингдек илмий-тарихий, ижтимоий-сиёсий нашрлардан ва Туркистоннинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётига бағишланган диссертациялардан фойдаланилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда системалаштирилган ҳужжатли материал, қилинган назарий умумлаштиришлар ва хулосалар жадидлар ҳаракати тарихини ва жадидларнинг Туркистон жамиятини замонавийлаштиришдаги ролини ёритишдаги бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам беради.

Тадқиқот илмий хулосаларидан миллий мафкуранинг тарихий асосларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон тарихининг йирик умумлаштирувчи тадқиқотларини тайёрлашда, ўзбек халқи маънавий ҳаётининг асосий муаммолари, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва хотин-

---

[1] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). / Тузувчи С. Холбоев. - Т., 2001.

кизлар озодлиги жараёнлари билан боғлиқ монографияларни ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий-ахборот материалларидан ўқув юртларида маданий муассасаларда, давлат органларида ва жамоат ташкилотларида замонавий тарихий онгни шакллантириш, ёшларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, хотин-қизлар ролини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кучайтириш ишларида фойдаланса бўлади.

1 - БОБ. ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ ТАРИХИДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

1. 1. Туркистон ёшларининг ўлка жадидчилигидаги ўрни

Марказий Осиё умумжаҳон цивилизациясининг энг муҳим ўчокларидан бири бўлиб, XIX аср охири - XX аср бошларида ислоҳотлар, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш майдонига айланди.

Туркистон Россия империяси томонидан забт этилиб, мустабид тузум сиёсати бу юртни таназзулга олиб келганлиги, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидан иқтисодий жиҳатдан орқада қолиши, маданий қолоқлик, ижтимоий онгдаги турғунлик, миллий қадриятларнинг топталганлиги юрт фидойиларини жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, тезликда бу ҳолатдан чиқиш йўлларини излаб топишга чорлади.

1905 йилги рус инқилоби, 1908-1913 йилларда Туркия, Эрон, Ҳиндистонда бўлиб ўтган миллий-озодлик ҳаракатлари ва инқилобларининг таъсири остида Туркистон жадидлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Убайдулла Хўжаев ва бошқалар ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига янада фаолроқ кира бошладилар. Бухоро ва Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий доираларида улар ислоҳотлар фойдасига ижтимоий фикрни шакллантиришга уриндилар, эскича ҳаёт ва рус мустамлакачилик бошқаруви томонидан шарт қилиб қўйилган қолоқлик ва турғунликка қарши курашдилар. Улар бу ислоҳотлар амалга оширилиши зарур эканлигини нафақат назарий жиҳатдан асослаб бердилар, балки янги усулда ўқитилаётган мактаблар очиб, кутубхоналар, қироатхоналар барпо этиб, ўқув қўлланмалари тайёрлаб, ўлка ёшлари онгини ривожлантириш йўлида кўп ҳаракатлар қилдилар.

Жадидлар ўзларининг ислоҳотчилик фаолиятларида рус ва чет эл ислоҳотчиларининг тажрибалари, шунингдек, Қрим, Кавказ орти, Туркия,

Эрон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари мусулмонларининг тажрибаларидан фойдаланишга интилдилар. XX аср бошларида Бухорода тузилган «Ёш бухороликлар» жамиятининг раҳбари Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича, «кўп йиллар давомида Марказий Россия, Қрим ва Кавказда чиқарилган «Таржумон», «Вақт» газеталари, «Мулла Насриддин» сатирик журнали Ўрта Осиё халқларининг тараққиёт ва миллий-озодлик ғояларининг ривожланишида катта роль ўйнади»[1].

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон минтақасида юзага келган жадидчилик ҳаракатининг намояндалари ўзларининг билим салоҳияти, фидойилик хусусиятлари, инсонийлик хислатлари, ижтимоий-маънавий ва сиёсий фаолиятлари билан ажралиб турувчи халқнинг энг илғор вакиллари бўлиб тарих майдонига кириб келдилар.

Туркистон буюк тараққийпарвар зиёлиларининг кураш майдонига кириб келишида, уларга ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ғоявий шаклланишида Исмоилбек Гаспринскийнинг Туркистонга қилган сафарлари жадидларнинг янада олдинга интилишлари, ғояларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди[2]. Сафар давомида Исмоилбек Гаспринский Тошкент, Самарқанд, Бухородаги жадид йўлбошчилари билан учрашади. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ёзишича, 1907 йилда Исмоилбек Гаспринский унинг энг азиз меҳмони бўлган[3]. Умуман, И. Гаспринскийнинг ижтимоий-маънавий ғоялари жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлишини кўп жиҳатдан белгилаб берди. Шу ҳаракатнинг юзага келиши ва ривожланишида Туркистонда чор мустамлакачилик зулмининг кучайиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Лекин Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва ғояларининг вужудга келишини ўлканинг ўзида вужудга келган тарихий ижтимоий-сиёсий вазият ва шароитлар билан ҳам боғлаш керак. Туркистон жадидчилиги маҳаллий саноат ва савдо буржуазиясининг шаклланиши, яъни миллий зиёлиларнинг ўсиши, ғарб давлатлари билан савдо ва маданий алоқаларнинг кучайиши

---

[1] Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. - Т., 1926. С. 5.
[2] Қаранг: Пясковский А.В.. Революция 1905-1907 гг. в Туркестане. - М., 1958. Б. 98-102.
[3] Қаранг: Беҳбудий М. Исмоилбек Ҳазратлари ила суҳбат. // Ойна. 1914. № 49. Б. 1162-1164.

тарихий шароитида вужудга келди, шаклланди ва ривожланди. Туркистондаги жадидчилик харакатининг буюк намояндалари «тараққиёт»ни илмий билимлар ва илғор маданиятни ёшлар ёрдамида ёйишда деб билдилар ҳамда шу фикрдан келиб чиққан ҳолда ўз харакатларининг асосий вазифаларини белгиладилар.

Жадидлар ижтимоий мафкурани ривожлантириш, порахўр амалдорлар ва жоҳил уламою руҳонийларни танқид қилиш, янги усулдаги мактаблар очиб, уларда дунёвий илмларни ўқитиш, Ғарб ва Шарқ давлатлари билан ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатилишида жонкуярлик қилдилар, чор ҳукуматининг мустамлака режимига қарши чиқдилар ва шундай қилиб, тарихий-ижтимоий даврни вужудга келтирдилар. Жадидлар ўз харакатлари бошланган даврдаёқ жамиятнинг маданий-маърифий соҳасидаги долзарб муаммоларини ўрганиб чиқиб, бу соҳаларни ислоҳ қилишни ҳукуматдан талаб қилиб, ўз ғояларини халққа етказа бошладилар. Туркистонда жадидчилик янги мактаблар очиш, уларда диний илмлар билан биргаликда дунёвий фанларни ўқитиш, ривожланган Оврўпо мамлакатларидан фан, техника соҳасида ибрат олиш, ёшларга чет тилларини ўргатиб, хорижий ўқув юртларига юбориб ўқитиш, сўз ва матбуот эркинлигига эришиш, миллий мустақилликка ислоҳот йўли билан эришиш каби мусулмон дунёсига мансуб жамиятнинг илғор вакиллари калбидаги эзгу-ниятларини ифодалади. Шундай буюк тараққийпарвар зиёлиларнинг етишиб чиқишига чор ҳукумати ва реакцион кайфиятдаги бойлар ва руҳонийлар қарши чиқа бошлаганлар. Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг таъкидлашича, «жадидлар ҳаракатининг туғилганини, уларнинг ниятларини ўз вақтида чор ҳукумати ҳам пайқаган. Қул Туркистонда диний ва миллий уйғониш содир бўлаётганидан истилочиларнинг сиёсий найрангларига фахм-фаросати етадиган ва, сал қўйиб берилса, бу «қора халқ»ни озодлик курашига кўтаришга ва бу курашни моҳирлик билан бошқаришга қурби етадиган маърифатли ва миллатпарвар бутун бир авлод шаклланаётганидан таҳликага ҳам тушган»[1].

---

[1] Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Мунаввар Қори ва бошқалар. // Ўзбегим. - Т., 1992. Б. 167.

Маҳаллий руҳонийлар эса жадидларни «кофир»лар деб эълон қилиб, халқни уларга қарши курашга чақирганлар. Архив ҳужжатларида акс эттирилишича, биринчи вақтларда Мунавваркори Абдурашидхонов (Тошкент жадидларининг йўлбошчиси – Д.Р.) ўз мактабида рус тили ва дунёвий илмларни ўқитишни ташкил этганда, руҳонийлар уни «кофир қори» деб атадилар, лекин халқ Мунаваркори меҳнатларининг ижобий натижасини тушуниб, унга очиқ кўнгиллик билан муносабатда бўлади[1].

Маҳаллий аҳолининг бир қисми жадидчиликка қарши чиқиб, эски тузумни ва эски диний усулдаги ўқитишларни ёқлаб чиқдилар. Жамиятдаги эски йўл тарафдорлари – «қадим» номини олдилар. Бу ҳақда Абдулла Авлоний шундай ёзади: «Шул замонда (1894-1904 йиллар - Д.Р.) ерли халқлар орасида эскилик-янгилик (қадим-жадид) жанжали бошланди. Газет ўқувчиларни муллалар «жадидчи» ном билан атар эдилар»[2]. «Жадидлар», «жадидчилик» иборалари даставвал уларнинг душманлари томонидан салбий маънода ишлатилар эди. Ўз ҳаракатларига уларнинг ўзлари тараққийпарварлар ёки мунавварлар ёки ёшлар деган номларни қўллар эдилар»[3]. Ўзларининг илғор ғоялари билан жадидлар жамият тараққиётининг тарафдори бЎлиб, янги ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш бЎйича ҳаракат қилдилар. «Ҳар қачонки, жамият инқирозга учраса, доим бу жамиятни бултурги чўққиларга чиқармоқчи бўлган фидойи инсонлар топилади. Замонавий ислом ислоҳотчиларидан фарқли ўларок, жадидлар исломни асос деб кўрмаганлар. Улар маорифни энг муҳим деб ҳисоблаганлар»[4]. Демак, ислоҳотларни амалга оширишда, шу жумладан, маориф соҳасида ҳам жадидлар худди шундай «мунавварлар» ёки «ёшлар», фидойи инсонлар бўлиб чиқдилар.

Қадимчилар жадидлар томонидан очилаётган янги усулдаги мактабларга болаларини бермасликни халққа тарғиб қилганлар. Уларни ҳар

---

[1] ЎзР МДА. 461-И-фонд, 1-рўйхат, 2144-иш, 51-варак.
[2] Авлоний А. Таржимаи ҳолим. // Танланган асарлар. Т.2. - Т., 1998. Б. 288.
[3] Франц Д. Центральноазиатские студенты в Германии - начало демократических традиций. // Материалы междунар. «Молодежь и демократия на пути определения политических и духовных ориентиров» (14-15 сент. 1998 г.). - Т., 1999.
[4] Кароматов Х. Ислам в контексте взаимоотношений Узбекистана и Европы. // Ўша жойда.

ерда таъқиб қилишга ундаганлар. «Яқинларда ташкил топган «жадидлар» бизнинг фарзандларимизнинг ахлоқ ва одобини бузаяптилар. Ҳеч ким уларнинг мактабига болаларини ўқитишга бермасин. Агарда бирор киши ўз болáсини ўқитишга берса, биз унинг калласини оламиз», деб қадимчилар маҳаллий аҳолини дўқ-пўписа ва қўрқитишгача ҳам борганлар[1].

Жадидчилик ҳаракати шундай оғир шароитда, ҳаётий заминда шакллана борди, жамиятнинг ёш, илғор, энг тараққийпарвар қатламларини эски консерватив тартиботларига, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш жараёнида вояга етказа бошлади, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий жиҳатдан ўсишини таъминлади.

1905-1910 йилларда Туркистоннинг ижтимоий-маданий ҳаётида жадидчилик ҳаракати янада кучайиб борди. Улар Туркистондаги қолоқликни, хурофотни аниқроқ кўриб, жамият ривожига тўсиқ бўлаётган кучларга қарши курашиш мақсадида ўз ғояларини илгари сура бошлаганлар. Бу ғоялар жадидларни ислоҳотчилик йўлига олиб келади – улар дин билан илмни бирга қўшиб, Туркистон халқларини маданий-маънавий ривожлантириш ва ижтимоий тузумни ислоҳотлар йўли билан янгилаш ғояларини ўртага ташлаб, ҳаракат қила бошладилар. Бунда жадидлар, айниқса, эски ҳаётга, диндаги, яшаш тарзидаги маҳдудликка қарши чиқдилар.

Жадидлар ўз фаолиятларида маърифатпарварлик билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-сиёсий ғояларни ҳам илгари сурдилар. Уларнинг вазифаси Туркистонни чор ҳукумати мустамлакачилигидан озод этиш эди. Ўзларининг ғоялари, мақсадлари, вазифаларини тарғиб этиш йўлида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Андижон шаҳарларида газета ва журналлар чиқара бошлаганлар. Чунки улар матбуотни ғоя тарқатишдаги асосий қурол деб билдилар. Адабиётларда ёзилишича, «1905 йилги маълум «озодликлар»дан сўнг дунё юзини кўрган «Марказий Осиёнинг умр кезарлиги «Тараққий» газетаси, «жадид»лар, «исломчи»лар оқимининг тилаклари, фикрлари, ғояларини генерал-губернаторнинг маълум

[1] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 1784-иш, 184-варак.

шарти орқасида кўтариб, майдонга чиқади»[1]. Рус матбуотида ёзилишича, «Янги маҳаллий «Тараққий» газетаси Габитов бошчилигида чиқарилиши кутилмоқда. Газетанинг 10 та ходими бўлиб, улар ўлканинг маҳаллий халқ ичидан чиққан ҳуқуқ ва урф-одатларини яхши билувчи кишилардир. Газетанинг йўналиши тараққийпарвардир»[2]. Газета маҳаллий ёшларга ўз саҳифаларидан кенг ўрин берди. Унда маорифда ислоҳотларни ўтказишга даъват этувчи фикр-мулоҳазалар, ўлка сиёсий-маъмурий тизимини танқид килиш ва мусулмонларнинг бирлигини таъминлашни ўз ичига олган мақолалар чоп этилган эди. «Тараққий» газетасининг саҳифаларида руҳонийларга қарши ва мактабларнинг ислоҳоти ҳақида мақолалар чиқарилиши билан бирга, миллий бирлик, мусулмонлар ичида тинчлик ва Туркистонни мустамлакачилар томонидан бошқариш формаларининг танқиди ва уларни ислоҳ қилиш тўғрисида ҳам мақолалар ёзилаётган эди»[3]. Шунинг учун ҳам газета кўп ўтмай, ҳукумат томонидан тўхтатиб қўйилди. Шунга қарамай, жадидлар бу каби тараққийпарвар-маърифатпарвар йўналишдаги газета ва журналлар чиқариш учун тиним билмай ҳаракат қилдилар.

Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг асосий мақсадини «Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда мустақилликка эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос бўлиш»[4] деб ифодалаш мумкин. Шу мақсадда Мунавваркори Абдурашидхонов бошчилигида 1906 йилнинг сентябрида Тошкентда «Хуршид» газетаси чикарила бошланди. Бу газета ўша даврдаги Туркистоннинг ҳаёти ва маҳаллий халкларининг яшашлари тўғрисида, чор ҳукуматининг олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини танқидий томондан ёритиб берарди. Натижада, бу газета ҳукумат томонидан қаттиқ сиқув остига олиниб, Мунавваркори Абдурашидхонов «Хуршид»

---

[1] Зиё Саид. Танланган асарлар. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1974. Б. 33.
[2] Русский Туркестан. 1906. 11 май.
[3] Вахабов М.Г. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период Великой Октябрьской революции. // История СССР. 1963. № 2. С. 43.
[4] Косимов Б. Жадидчилик. // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. - Т., 1993. Б. 21-22.

газетаси муҳаррирлигидан бўшатилиб, ўрнига Абдулла Авлоний тайинланди[1].

1907 йилда эса Абдулла Авлоний ва Мунавваркори Абдурашидхонов бошчилигида Тошкентда жадидларнинг «Шуҳрат» газетаси чиқарилди. Ҳафтада бир марта чиқадиган бу газетада жадидлардан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунавваркори Абдурашидхонов, Мулла Қўшоқ, Турсунхўжа Ҳамидхўжа ўғли ва бошқалар ўз мақола ва шеърлари билан иштирок эттанлар. Бу газета эскиликка, ҳақсизликка, зулм-зўрликка қарши кураш бошлади ва А. Авлоний таъриф берганидек, «бир ёқдан илмий ислоҳот учун мафкура ҳозирлаган бўлса, иккинчи ёқдан эл орасиға ўзгариш тухмини сочди»[2]. Мунавваркори мамлакатдаги сиёсий тартиб ва бошкарув органларининг хато-камчиликларидан норози эди[3]. Шу билан бирга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний ва Мунавваркорилар 1905 йил 17 октябрь манифестидан норози эканликлари тўғрисида ҳам чиқишлар киладилар. Бу эса жадидларнинг сиёсий майдонга чиқиб бораётганлигидан далолат берарди.

Мунавваркори 1905-1907 йиллар мобайнидаги Россия империясида юз берган тартибсизликлар, III Давлат Думасининг халқ Думаси эмаслиги ва унинг аъзолари халқ томонида бўлмаганлигини қаттиқ танқид остига олади[4]. Мунавваркори матбуотга элни гафлат уйқусидан уйғотувчи буюк куч, маданият ва маърифатга чорловчи қудратли восита, ҳақиқат кўзгуси деб қаради. Юрагида йиғилиб қолган армонларни, таклифларни, шу билан бирга ўзининг ғоялари, мақсад ва вазифаларни бошка жадид намояндалари қатори кенг халқ оммасига ёйишда матбуотдан фойдаланди. Ўзининг кейинги йиллардаги фаолиятида Мунавваркори Абдурашидхонов «Садои Туркистон»да (1914-1915 йй.) бўлим муҳаррири, «Нажот» (1917), «Кенгаш» (1917), «Ҳуррият» (1917), «Осиё», «Суръат», «Ҳақиқат», «Турон»да бош муҳаррир бўлиб ишлаган вақтларида ҳам халқ тараққиётига

[1] ЎзР МДА, 1-фонд, 4-рўйхат, 1216-иш, 2-варақ.
[2] Туркистон вилоятининг газетаси. 1914. 24 июнь.
[3] ЎзР МДА, 1-фонд, 4-рўйхат, 1216-иш, 2-варақ.
[4] Ўша жойда, 4-варақ.

халақит бераётган жараёнларни, зарарли урф-одатларни рўйи-рост очиб ташлади. Мунавваркори ўзбек матбуоти ташкил топиши ва равнаки учун кўп хизмат қилган инсондир. Адабиётларда ёзилишича, умуман, ўзбек матбуотининг майдонга келишини ҳам, тарихий тараққиётни ҳам Мунавваркорисиз, унинг юзлаб эҳтиросли мақолаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мунавваркори XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатчиликнинг, миллий озодлик кўтарилишининг энг эътиборли намояндаларидан бири эди[1].

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ўша даврдаги вақтли матбуот сахифаларида Туркистондаги зулм ва маҳаллий истибдодга қарши эрк ва маърифат, маданият, миллий озодлик ва адолат учун кураш ғояларини тарғиб этувчи мақолалари билан чиқишлар қилган ва бу курашда ҳамма жадидларни бирлашишга чақирган[2]. Унинг публицистик чиқишлари 1917 йилга қадар Туркистонда Беҳбудийдан олдин турадиган иккинчи бир кишининг йўқлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам давлат ва жамоат арбоби Ф. Хўжаев «ўша даврдаги Туркистон жадидлари орасида ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий фаолият ва билими кенглиги жиҳатдан Маҳмудхўжа Беҳбудийга тенг келадигани топилмаса керак»[3], - деб ёзган эди.

Ватан, миллат, дин, илм-фан, маорифни ёш авлод орасида равнақ эттириш ва умуман, умуминсоний қадриятларни тарғиб этиш мақсадида Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам 1913 йилнинг апрель ойидан бошлаб «Самарқанд» газетасини чиқара бошлайди. Газета Самарқандда «Газаров ва Смеянов» типографиясида нашрдан чиқарилар эди. Газетанинг 1-сонида унинг асосий шиори катта ҳарфлар билан: «Миллатнинг саодати ва ислоҳи, мусулмонларнинг замона фанларидан фойдаланмоқлари учун», деб ёзилган эди[4]. Газетада Туркистон мустақиллиги, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаёти тўғрисида мақолалар эълон қилинар эди. Газета ҳайъатига Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулқодир Шакурий, Абдурауф Фитрат,

---

[1] Қосимов Б. Мунавваркори Абдурашидхонов. // Буюк сиймолар, алломалар. К.3.- Т.: Мерос. 1997. Б.118.
[2] Алимова Д. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т., 1999. Б. 36.
[3] Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. - Т., 1926. Б. 6.
[4] ЎзР МДА, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш, 12-варақ.

Васлий, Ҳожи Муйин ва бошқалар киритилган эди. Адабиётларда ёзилишича, ҳафтада икки бетлик бўлиб чиқадиган бу газета 7-8 сонидан кейин 4 бетлик бўлиб чикди. Газета 400-600 донагача босилиб турди[1]. Бу газета нафақат Самарқанд, балки Туркистон ёшлари орасида обрў қозонган эди. «Самарқанд» газетаси Туркистонда маданият, маърифат ва тараққиёт тарғиботчиси сифатида жуда катта фаоллик кўрсатиб, маҳаллий мактаб ва мадрасалардаги ўрта асрча кўҳна ўқитиш усулларига қарши курашни бошлаб юборди. У ўз саҳифаларида «Усули жадид мактаби учун босилган тайёр китоблар» номли янги рубрика очиб, унда Туркистонда чоп этилаётган илм, фанга оид китоблар, дарсликлар, тўпламлар, таржима қилинган асарлар ҳақида маълумотлар, изоҳлар, шарҳлар, тақризлар бериб борди. Уларда зулм, зўрлик, ҳақсизлик, маърифатсизлик натижасида ночор ҳолга келган ўзбек халқининг келгуси тақдири ҳақида афсус билан ёзилган хамда бу ҳолдан тезда чиқиш йўлида ёшларга таяниш кераклиги ҳақида ҳаққоний фикрлар билдирилган эди.

Газетанинг 44-сони чиққанидан кейин маблағ етишмовчилиги сабабли унинг нашри тўхтатилди. Лекин шунга қарамасдан, адабиётларда ёзилишича, «Самарканд» ўзининг 44 сони чиқарилиши давомида ўз шиорига амал қилиш билан бирга инсон ҳақ-ҳуқуқлари борасида, тенглик, биродарлик ҳақида она-Ватан, унга садоқат ҳақида ҳам бир қатор публицистик мақолалар, ажойиб ҳикоялар, ижтимоий руҳ билан йўғрилган шеърлар нашр этиб, ўзининг тарғиботчилик-жарчилик, раҳбарлик бурчини ортиғи билан бажара олган[2].

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз ноширлик фаолиятини кейин ҳам давом эттириб, 1913 йилнинг августидан рус, ўзбек ва тожик тилларида «Ойна» мусулмонлар журналини нашр қила бошлайди[3]. «Ойна» журнали орқали ўзбек зиёли маърифатпарварлари маданият ва маърифат тарқатдилар. Журналда миллат равнақи, ҳақ-ҳуқуқи, тарихи, тил-адабиёт масалаларига

---

[1] Зиё Саид. Танланган асарлар. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1974. Б. 42.
[2] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вактли матбуотнинг ўрни. - Т.: Фан. 1993. Б. 8.
[3] ЎзР МДА, 18-фонд, 1-рўйхат, 8752-иш, 29 варақ.

доир қизиқарли мақолалар бериб келинган. Масалан, илмий «Жуғрофия надур?», «Ер», «Қуёш», «Тарих ва жуғрофия», «Театр надур?» мақолалари; ҳаётдаги янги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги «Самарқандда электр трамвай», «Бухорода темир йўл», «Андижонда янги банк»; театр ҳаваскорлари труппаларининг ташкил этилиши, тайёрланаётган ва ўтказилган премьералар; чет элда таҳсил олаётган талабалар, янги мактаблар ҳисобига тушаётган маблағлар ва харажатлар; янги кутубхоналар, қироатхоналар; Қозон, Оренбург, Қрим, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Туркиядан келтирилган китоблар рўйхати, Фарангистон, Олмония, Англия, Бельгия, Италия, Россия ва бошқа мамлакатлардаги театрлар сони, у билан рақибликка тушган синематография ва бошқалар ҳақида мақолалар чоп этилган.

Журналда Маҳмудхўжа Беҳбудий тарих, хусусан, миллат тарихига ҳам катта эътибор беради. Унинг фикрича, тарих ҳамма нарсани – давлатнинг гуллаб-яшнаши ва инқирозининг сабабларини, одамлар эътиқодининг ҳолатини, мусулмончиликнинг таназзулини, ислом илоҳий пойдеворининг бузилишини тушунтиради, «дунёга ишонмоқ учун ва роятлик (мустақил фикрга эга. – Д.Р.) бўлмоқ керак»[1], деб ҳисоблайди. Бу фикрни С. Айний «Тарих, агар у кишиларнинг келажак учун курашувига бир қурол бўлиб хизмат қилса, шундагина мазмунли бўлади», - деб кенгайтиради[2]. 1913-1915 йилларда журналнинг 68 сони (1720 бет) чиқиб, 1915 йил 15 июнида мажбурий равишда унинг чоп этилиши тўхтатилган эди[3].

М. Беҳбудий ноширлик фаолиятини давом эттириб, «Беҳбудия» нашриётини очади. У А. Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарини русчага таржима қилдириб, нашрдан чиқаради[4]. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бошқа жадидлар қатори фақат маданият, маърифат равнақи учунгина курашмай, балки сиёсий ғоялар билан ҳам чиқишлар қилган. М. Беҳбудий вужудга кела бошлаган янги сиёсий партиялар, гуруҳлар ўз фаолиятида

---

[1] Беҳбудий М. Тарих ва жўғрофия. // Ойна. 1914. № 27. Б. 503.
[2] Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди (тузувчи-муаллиф М. Ҳасаний). - Т.: Ўқитувчи. 1994. Б. 23.
[3] Зиё Сиид. Танланган асарлар. - Т.: Фан. 1974. Б. 45.
[4] Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). Самарканд: Махмудходжа Бегбуди. 1913. 102 с.

демократик талабларни асос қилиб олсаларгина халқнинг хоҳиш-иродаси бажарилади, деб қайта-қайта таъкидлади ва бу фикрларни ҳаётга тадбиқ этишга интилди[1]. Демак, М. Беҳбудий чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини қоралаб, ўлкада демократик ҳуқуқлар поймол қилинаётганлиги, ёшлар эса маҳаллий халқ озодлиги учун интилиши кераклигини тарғиб қилган. Бунинг учун сиёсий кураш олиб борган. М. Беҳбудий ўз халқининг тараққиётини нафақат маърифат билан, балки сиёсий ўзгаришлар, мустақилликка эришиш билан боғлаган. Ўзининг аксарият мақолаларида рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатини очиб ташлайди, гўёки булар маҳаллий аҳоли фойдаси учун қабул қилингандай, аслида унинг аҳволини оғирлаштиришга йўналтирилган қонунларни танқид қилади[2]. Демак, демократик эркинликларни амалга ошириш, миллий мустақиллик ва бировларнинг ерини, бойлигини босиб олганларга қарши кураш – М. Беҳбудий қатори бошқа жадид ҳаракати намояндалари ёшлар борасидаги тафаккурининг асосий йўналиши бўлиб қолган эди.

Жадидчиликнинг буюк мақсад ва ғояларини амалга ошириш ҳамда халқ оммасига етказиш борасида Андижонда 1910-1915 йилларда фаолият кўрсатган ва асосан, ёшлардан иборат бўлган, «Тараққийпарварлар» партиясининг хизматлари беқиёсдир. Бу партияга Асадулла Хўжаев ва Қўчқор Алибоевлар раҳбарлик қилганлар. «Тараққийпарварлар» ўлкада чор ҳукумати мустамлакачилигини йўқотиш, миллий мустақилликка эришиш ғояларини олға сурдилар. Партиянинг раҳбари Асадулла Хўжаев бошчилигида 1913 йил 31 декабрда «Садои Туркистон» газетаси Тошкентда чиқарила бошлайди[3]. «Садои Туркистон» ижтимоий-сиёсий, маиший-иқтисодий, фанний газета бўлиши билан бирга унда адабиётга, санъатга, маданиятга алоҳида аҳамият берилди[4]. Газетада ўлкадаги маданий-маърифий масалаларга доир мақолалар билан бирга Туркистон мустақиллиги,

---

[1] Қаранг: Беҳбудий М. Хайр ул-умури авситуҳо. // Хуршид. 1906. 11 окт.

[2] Алимова Д. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т., 1999. Б. 46-47.

[3] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 1764-иш, 149-варақ.

[4] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. - Т.: Фан. 1993. Б. 14.

истиқлоли, озодлиги, мустамлака исканжасидан озод бўлиши йўлидаги ғоялари кўтарилган мақолалар ҳам чоп этиб борилган. Ҳукуматга карши бўлган ғояларни халқ оммаси орасида тарғиб этгани учун «Садои Туркистон» газетаси 1915 йил 1 июлда ёпилади[1]. Газетанинг муҳаррири А. Хўжаев эса Андижонга қайтади ва «Туркестанский голос»[2] билан ҳамкорлик қилади. Бу газета орқали чор ҳукумати олиб бораётган зўравонлик, куч ишлатиш ва умуман, мустамлакачилик сиёсатини танқид қилиб мақолалар ёзди. Жадидлар мустамлака ўлкаларда кечаётган сиёсий воқеа ва жараёнларни диққат билан кузатар эканлар, Россияда вужудга келиб ташкил топаётган сиёсий партияларнинг дастурларини ўргандилар. Халқнинг озодликка интилиши ва ўзига хос миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар тинч йўл билан петициялар, намойишлар уюштиришга, Давлат Думасида очиқ чиқишлар билан қатнашишга ва турли-туман рухсат этилган восита ва имкониятлардан фойдаланиб, чор ҳукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий енгилликлар беришларини талаб қилишга, Туркистон миллий тараққиёти учун имкониятларни яратишга ҳаракат қилдилар. Озодлик, мустақиллик, истиқлол ғоялари билан қуролланган жадидлар бутун Туркистон ва Бухоро бўйлаб ўз ғояларини тарғиб қилдилар. 1910-1915 йилларда Бухорода жадидчилик ҳаракатининг етакчиси – Абдурауф Фитрат ўз мақолалари, асарлари билан Бухоро ва Туркистон жадидларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ғоялари ва мақсадларини янада ойдинлаштирди. А. Фитратнинг «Мунозара» (1911) ва «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарлари, «Сайҳа» (1911) шеърий тўплами Бухоро ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий турмуши, Ватан ҳақида ёзилган эди. Бу асарлар ва шеърларни ўқиш чор ҳукумати томонидан тақикланган эди[3]. Файзулла Хўжаевнинг таъкидлашича эса, 1905-1915 йилларда пайдо бўлган асарлар (юқорида кўрсатилган асарлар – Д.Р.) ўша давр сиёсий тартибини,

---

[1] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 1764-иш, 149-варақ.
[2] Ўша жойда, 179-варақ.
[3] Климович Л. Ислам в царской России. - М., 1938. С. 196.

оқсаб қолган амир сиёсатини ва уларнинг кўплаб камчиликларини танқид остига олган эди[1].

Жадидлар ўз асарларида асосан Туркистон ва Бухородаги мавжуд урф-одатлар, эски мадраса таълими, хурофот ва жаҳолатни, маҳаллий бойларнинг саводсизлигини танқид остига олдилар. Улар ўлкани маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан қутқариш учун дунёвий ва диний илмларни ўрганувчи ёшлар кераклигини ўқтирдилар. Бундай ёшлар ривожланган мамлакатларнинг шаҳарлари Москва, Санкт-Петербург, Истамбул, Берлин, Лондон, Париж олий мактаб ва мадрасаларида таълим-тарбия, савод ва маърифат олганлиги, уларнинг Туркистонга кераклигини оммага тарғиб қилдилар. Жадидларнинг бу ғоявий қарашлари шу даврдаги қатор мақола ва асарларда, айниқса, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» («Отасини ўлдирувчи») (1911) пьесасида зиёлининг саводсиз бойга ўғлини диний ва дунёвий илмлардан хабардор қилиш зарурлиги борасида берган насиҳатларида очиқ-ойдин кўринади. Жадидларнинг бу борадаги фикр-ғоялари асардаги Зиёлининг дунёқараши орқали ифодаланган ва деярли бутун ўлканинг ёш авлодига қаратилган эди, деб айтиш мумкин. Жадидлар вақтни уйнаб ўтказувчи замонлар ўтиб кетганини, энди билим олиш, илм-фан кучи билан турмуш тарзини ўзгартиришни талаб этувчи янги даврнинг келганини айтмоқчи бўлган: «Ҳозир янги ва бошқа замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқ бойлиги, ери ва асбоби кундан кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар. Бунинг учун биз мусулмонларни укутмоққа саъй қилмоғимиз лозимдур»[2]. Бу фикрга жиддий, халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ ғоя олға сурилганига ҳаттоки, бу масаланинг умуммиллий даражагача кутарилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ушбу ғоявий йўналишни Мунавваркори Абдурашидхонов, Ҳожи Муйин, Абдулла Авлоний, Абдулқодир Шакурий, Абдулла Бадрий, Абдурауф Фитрат ва бошқа кўплаб

[1] Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. - Т., 1926. С.14.
[2] Беҳбудий М. Аъмолимиз ёинки муродимиз. // Ойна. 1913. № 7. Б. 156.

жадидчилик ҳаракати намояндалари ҳам ўз асарлари, мақолаларида ёритдилар.

Жадидлар ўз курашларида нафақат маданий-маърифий, балки ижтимоий-сиёсий ғояларни ҳам белгилаб бердилар. Улар Туркистоннинг мустақиллиги, истиқлоли учун, унинг чор ҳукумати мустамлакасидан озод этиш ғоя ва мақсадларини аниқлаб, ўз кураш йўлларини белгиладилар. Жадидлар ўз сиёсий мақсад ва вазифаларини, шу билан биргаликда маданият, маърифатпарварлик ғояларини халққа етказиш, уларнинг онгига сингдириш йўлида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Андижон, Бухоро шаҳарларида газета ва журналларини нашр этишни кучайтирдилар. Кундан кунга бу газета ва журналларнинг сони кўпая борди. 1917 йилги февраль инқилобига қадар «Тараққий» (1906), «Хуршид» (1907), «Тужжор» (1907), «Шуҳрат» (1907), «Осиё» (1908), «Самарқанд» (1913), «Садои Туркистон» (1914), «Садои Фарғона» (1914) газеталари, «Ойна» (1914), «Ал-ислоҳ» (1915) журналлари халқ оммаси орасида кенг тарқалди. Манбалар гувоҳлик беришича, жадид газеталари маҳаллий халқни маданият ва маърифатга чорлаган. Бу газеталар аста-секин бўлса-да, барча эскирган ақидаларга қарши маҳаллий халқнинг кўзини очишга ҳаракат қилди[1].

«Садои Фарғона» газетасининг биринчи сонидаёқ жадидларнинг саводли ва маърифатли бўлиш ҳақидаги мақсади ифодаланган эди: «Дардларимизнинг давойи ишофийси ёлғиз ўқумоқ ва ёзмоқдур»[2]. Газета ноширн Обиджон Маҳмудовнинг бу чақирифига Туркистоннинг деярли барча жадид адиблари, маърифатпарварлари ўзларининг илм ва маърифатга чорловчи шеър, ҳикоя, фельетон ва мақолалари билан жавоб бердилар, чунки улар мустамлака занжирида азоб чекаётган халқни эрк ва озодликка олиб борувчи йўлни ёлғиз илмда кўрдилар.

1917 йил февраль инқилобидан кейин «Нажот», «Фарғона саҳифалари», «Шўрои ислом», «Турон», «Ҳуррият», «Кенгаш», «Эл

[1] Қаранг: Андреев Г. Сартовская печать. // Турк. ведомости. 1916. 14 февр.
[2] Садои Фарғона. 1914. № 1.

байроғи», «Фарғона нидоси», «Улуғ Туркистон» газеталари ва «Кенгаш», «Юрт», «Чаён» журналлари чиқарилган эди.

Жадидлар матбуот воситаси билан эл ва халқни забунликдан, ғафлат ва жаҳолатдан, чор мустамлакасидан қутқаришни ўз олдиларидаги максад ва вазифа деб белгиладилар ҳамда «Тараққий», «Садои Туркистон», «Хуршид», «Шуҳрат», «Тужжор», «Ойна», «Турон», «Бухорои шариф» газета-журналлари орқали ўз ғояларини тарғибот қилдилар[1]. Улар Октябрь тўнтаришигача ҳам, ундан кейин ҳам даврнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий мавзуларга, замонавий масалаларга, маърифат ва озодликка катта эътибор бериб, миллий мустақиллик, мустамлакачиликка қарши кураш, Оврўпо илми, техникаси, маданиятидан ибрат олиб, Туркистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳақидаги ғояларини тинимсиз тарғиб этдилар.

Туркистонда маърифатчилик Оврўпо маърифатчилигидан фарқли ўлароқ икки асосий йўналишда кечди. Агар Оврўпо маърифатчилиги илғор қарашлар махсули бўлиб майдонга чиққан бўлса, Шарқ маърифатчилиги унга ёнма-ён антиколониал кайфиятни ҳам ифода этди. Моҳиятан илғор ва антиколониал негизга эга бўлган маърифатчилик илк паллаларда, асосан қолоқ тартиботларга қарши кураш хусусиятини намоён қилди. Чунки мустамлака ҳукмронлигига қарши қуруқ диний эҳтиросларга ва фақат хусусий фидойилик билан курашиш мумкин эмаслиги қатор стихияли қўзғолон ва исёнларнинг аччиқ тажрибасидан, қолаверса, жаҳон тарихи сабоқларидан яхши маълум эди. Шу боис, аввало ижтимоий-миллий онг шаклланмоғи учун энг катта тўсиқ бўлиб турган диний мутаассиблик, жаҳолат, қолоқ турмуш тарзи, иқтисод, маданият ва маънавиятнинг заҳарли кўринишларига қарши кураш жорий мақсадга айланди. Ўқув жараёни, диний ҳамда бошқа мафкуравий институтларни ислоҳ қилиш ҳаракати кенг миқёс касб этди.

Жадидлар жамиятдаги ҳар хил тоифа вакилларини инсофга, шафқатга чорладилар, уларнинг очкўзлиги ва ноинсофлигини кескин қораладилар. Маърифатпарварлик йўлида эса кенг меҳнаткаш омма вакилларини

---

[1] Олимжон Х. О литературном творчестве Фитрата. // Лит. Узбекистан. 1936. № 5-6. С. 110.

ўқимишли, билимдон қилиш воситасида ижтимоий тенгсизлик илдизларини қуритиш мумкин, деган фикрга асосланиб, мактаблар очдилар, кенг халқ оммасининг барча табақаларини маърифатли этиш чораларини излацилар. Бу йўлда улар ўз шахсий маблағларини беғараз сарф қилдилар. Улар халқни, миллатни маърифатли этиш йўлидаги тадбирлари учун ўз маблағларини аяган мулкдорларни қанчалик ёмон кўрсалар, умумхалқ манфаатини оёқ ости қилган, мулкдорлар юз-хотирини қилган дин арбобларидан ҳам шунчалик нафратланар эдилар. Абдулла Авлоний бу ҳаракатга қуйидагича баҳо берган: «Мулло ва бойларга қарши ҳамда эски турмуш билан қатъий суратда кураш бошладук. Ўз орамиздан муллоларга қарши уюшмамиз ҳам вужудга чикди. 1905 йилгача шул ҳолда синфий курашда давом қилдик. Бой ва уламолар «жадид»чиларга қарши, «жадид»чилар – бой ва уламо ҳамда эскилик ва хурофотга қарши курашиб келди. 1904 йилда рус-япўн уруши чиқиб, бу уруш бутун Русия ишчиларини кўзин очғандек, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни окартирмоқ ва кўзин очмоқ чорасига киришди»[1].

Жадидлар очган янги усул мактаблари, ёзган асарлари ва мақолалари, хуллас, аср бошларидаги фаолиятлари миллий мустақиллик, мустамлакачилардан озод бўлиш учун курашиш ғояси билан ёниб турарди. Мунавварқори Абдурашидхонов айтганидек: «Чор ҳукуматини йиқитиш – жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас»[2]. Жадидлар иқтисодни, илм-фанни ривожлантириш, Русиянинг хомашё базаси бўлиб қолган Туркистонни мустамлакачиликдан тезроқ қутқариш – халқ тақдирининг истиқболида энг долзарб масалалар деб билдилар. Бунинг учун эса мустамлакачилик ва қолоқликдан қутулишни ёшлар олдида турган биринчи даражали вазифа деб белгиладилар. Чунки

---

[1] Авлоний А. Таржимаи ҳолим. // Танланган асарлар. Т. 2. - Т., 1998. Б. 288.
[2] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарқ, 2001. Б. 74.

«бахт-саодатли бўлиш сабаби ёлғуз илм-маърифатнинг шарофати», - деб ҳисоблайди жадидлар[1].

Маҳмудхўжа Беҳбудий маърифат ҳақида, маҳаллий халқдан етишиб чиқиши лозим бўлган ёш миллий мутахассислар ҳақида фикр юритиб, маҳаллий болаларни Петербург, Қозон ва бошқа йирик шаҳарларга илм олиш учун юборишга чақиради. «Петербургдаги тиббия, ҳуқуқия, ҳокимия, таълимия ва адлия мактабларида ўқиганларимиз, табиб, муаллим, аҳли ҳуқуқ ва ҳоким бўлиб, давлат ишларига ва ҳукумат мансабларига аралашиб, бизга наф еткурурлар. Ўзимиздан дўхтур, табиб, гимназия муаллими ва адвокат, инженер ва член суд ва ҳоким ва уязний, начальник бўлса ёмон бўлурми? Албатта, яхши бўлур. Бу илмлардан ўқуб юқорида баён бўлғон подшоҳлик мансабларига кириб, дин ва миллат, ватан ва давлатга хизмат қилмоқни шариат асло ман қилмайдур. Русия закунлари хам қабул қилур». Бу билан М. Беҳбудий «Агар биз ўзимизнинг миллий мутахассисларимизни етиштирмас эканмиз, ҳеч қачон ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таниб олмаймиз. Туркистонни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқолмаймиз»[2] деб ҳисоблаяпти. Бу ҳақда Мунавварқори Абдурашидхонов жадид мактабини тузишдан мақсад «халқнинг умумий савиясини кўтариш, замонавий фанларни эгаллаган инженер, врач, журналист, юристдан тортиб, давлат арбобигача бўлган кишиларни тарбиялаш ва улар ёрдамида давлат идораларини ерлилаштириш, шу тарзда мустамлакачиларни Туркистон тасарруфидан сиқиб чиқариш» кераклиги ҳақида ёзган эди[3].

Жадидлар бошқа миллатларнинг, айниқса, ривожланган Оврўпо халқлари тили, маданияти, фан-техникасидан ўрганиш, ибрат олиш, мактаб-маориф ишларида уларнинг тартибларини жорий этишни ўзларининг мақсадлари деб билдилар. Улар Туркистон халқининг ўзлигини таниши ва ўзини химоя қилиш туйғусининг уйғониши, миллий

---

[1] Ҳамза Х.Н. Янги саодат. Тўла асарлар тўплами: 5 томлик. Т.2. Шеърлар, педагогик рисолалар, насрий асарлар. - Т., 1988. Б. 432.
[2] Хуршид. 1906. № 10.
[3] Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Дорижй тўплам № 1). - Т., 1999. Б. 33.

қадриятларини сақлаши ва тараққий эттирилиши йўлида турли-туман жамият ва уюшмаларни вужудга келтиришни асосий вазифалари каторига қўшдилар. Умуман, жадидлар «миллат» тушунчасини назарий жиҳатдан бойитдилар ва бу соҳада янги объектив жараёнларни акс эттирдилар. Шу билан биргаликда жадидлар «ислом»нинг ижтимоий-фалсафий тартибини қайта кўриб чиқишни, нафақат маданият, илм-фан ва маърифатни ривожлантириш, балки мустамлакачиликка қарши кураш нуктаи назаридан ҳам қараб чиқишни ёқлаган эдилар[1]. «Жадидлар (ёки, бошқача айтганда, тараққийпарварлар) Туркистонда Ўктабир инқилобидан илгари Урусия буржуазиясига ва Туркистонда ҳукм сураётган феодал қолоқликка қарши курашга отланганларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиққан эдилар. Улар ўрис буржуазиясининг мустамлакачи сиёсатидан норози эдилар ва унга қарши курашардилар»[2]. Жадидлар ўз мақсад, ғоя ва вазифаларини белгилашда, уларни амалга ошириш учун курашда, жамиятнинг, ҳатто ўз миллатларининг камчиликларини мардонавор кўрсата олдилар ва бу камчиликларни бартараф этиш учун курашдилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий илм-фан ва маданиятда бошқа халқлардан орқада қолиш сабабларини таҳлил қилиб берар экан, шундай дейди: «Охирги ярим минг йил биз мусулмонлар фан ва фалсафада орқада қолдик. Қаранглар, бошқа давлат халкларида дунёқараш қандай ўзгарган. Биз ҳам илм-фан ва фалсафанинг янги чўққиларига етишишда материализм, атеизм ва социал-демократлар билан муваффақиятли курашмоғимиз керак. Чунки материалистлар, атеистлар ва социал-демократлар билан беш юз йил олдинги фалсафа, қалам тартиботлари ва далиллари билан кураш олиб бориш мумкин эмас»[3]. Наманганлик Мирзо Кори ҳам Туркистон халқларининг илм-фандан бебаҳра қолаётганликлари, адолатсизлик, ҳақсизлик, зулм-зўрлик исканжасида азоб чекаётганликларини ҳаққоний равишда баён килади[4]. Мақолада қолоқ Туркистон халқларини Россиядан

---

[1] Абдуллаев Р. Туркестанские прогрессисты и национальное движение. // Звезда Востока. 1992.№1.С. 107.
[2] Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Мунаввархори ва бошкалар. // Ўзбегим. - Т., 1992. Б. 169.
[3] Қаранг: Муминов И. Избр. произв. Т. 2. - Т.: Узбекистан. 1976. С. 212.
[4] Қаранг: Мирзо Кори. Ўз қолларимиз. // Самарканд. 1913. 30 июль

ибрат олишга, уларнинг илғор фан-техника янгиликларини ўзлаштиришга, Оврўпода бўлгани каби мунтазам мактаблар, янги илмгохлар очишга ва уларга бориб ўқишга чакирилади. Абдурауф Фитрат ўз билимини ошириш учун Туркияга кетган бўлишига қарамай, хорижда туриб ҳам ўз она-Ватани Туркистоннинг тараққиёти учун саъй-харакатини тўхтатмади. У билимнинг инсонга нақадар зарурлиги хақида баҳс олиб боради ва инкор қилиб бўлмас далиллар воситасида Туркистон халқларига илм-фан, ҳунар, маданият шартлигини таъкидлайди[1].

Бундай ғоялар, танқидий фикрлар жадидлар матбуоти ва асарларида илгари сурилган. Улар матбуот саҳифалари орқали бу ғояларни халққа етказишга уринганлар. Жадидлар миллий доирада чекланиб қолмадилар. Уларнинг матбуотида умуминсоний маданият ютуқлари, фан ва педагогик фикр янгиликларини тарғиб қилиш соҳасида ҳам маълум иш олиб борилди. Мунавварқори Абдурашидхонов «бизим Туркистон мамлакати туфроғ, сув ва ҳаво жиҳатидан энг бой мамлакатлардин бўла туриб, на учун ўзимиз бундан фойдалана олмаймиз», деган саволни ўртага ташлаб, «Мана, кетбаний ётган бундай саволларга жавоб бермак учун нодонлик ва оламдан хабарсизлик балосидан қутулмақ учун аввал орамизда ҳукм сурган бузуқ одатларнинг бузуқлигини билмак ва ўрганмак керакдир»[2], - деб, ўзи жавоб беради.

Хуллас, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда шаклланиб равнақ топган жадидчилик харакатининг шаклланишига жаҳондаги миллий-озодлик харакатларининг таъсири ҳам бўлди, албатта. Лекин ўлканинг ўзида ҳам тарихий шарт-шароитлар етилиб келган эди. Жадидлар эски тартиботларни танқид қилиб, янги усулдаги мактабларда дунёвий фанларни ўқитиб, Ғарб ва Шарқ давлатлари билан алоқалар ўрнатиб, мустамлакачиликка қарши чиқиб, тарихий-ижтимоий муҳитни вужудга келтирган эдилар. Шундай шароитда улар миллат равнақи, мустақиллиги, истиқлоли учун кураш олиб борди. Туркистон жадидларининг бу мақсадга

---

[1] Қаранг: Фитрат А. Тараққий ва таҳдид. // Самарқанд. 1913. 13 сент.
[2] Аҳмад С. Мунавваркори. // Шарқ юлдузи. 1992. № 5. Б. 111.

эришиш учун ўлка ёшларининг жамиятдаги ўрнини белгилаб, ўз фаолиятларида қуйидаги асосий ғояларни қўйган эдилар:

1. Туркистонда маҳаллий болалар, ёшлар учун янги усул мактабларини жорий этиш ва эски схоластик тизим мактабларига барҳам бериш.

2. Шаклланиб келаётган ёш авлодни асосан дунёвий, қисман диний билимлар билан қуроллантириш.

3. Туркистон ёшларини ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига ўқишга юбориш ва миллий мутахассислар тайёрлаш.

4. Туркистон ўлкасида маҳаллий халқнинг, шу жумладан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётини ёритувчи газета ва журналлар ташкил этиш.

5. Туркистон ёшларининг сиёсий онгини шакллантириш ва ривожлантириш.

6. Туркистон халқлари ва миллатларининг қонун олдида тенглиги ҳақидаги ғоясини илгари суриш.

7. Давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш.

8. Туркистон халқларини чор ҳукумати мустамлакаси зулмидан озод этиб, мустақилликни қўлга киритиш ва бу йўлда ёшларнинг ўрнини кўрсатиш.

9. Мустақил Туркистон демократик давлатини тузиш.

Умуман, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Туркистон маҳаллий халқларининг сиёсий, миллий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя этиш жадидларнинг фаолиятида устувор масалага айланган эди. Шу билан бирга улар Туркистон фуқаролари жамият ҳаётининг барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларида тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозимлигини ҳам тарғиб қилганлар. Жадидлар миллатнинг садоқатли, фидокор, маърифатпарвар ва буюк фарзандлари сифатида танилиб, ҳар хил таъқиб ва таҳқирларга қарамай, моддий ва маънавий қийинчиликларни енгиб, ўзларининг ижтимоий-маънавий ғоялари, мақсад ва вазифалари,

кураш йўлларини белгилаб, уларни ўз асарлари, мақолалари орқали халққа етказишга ҳаракат қилганлар. Ёш авлоднинг кўзини очиб, уни XX аср - ижтимоий ўзгаришлар, илмий-техник кашфиётлар асрининг кириб келганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан таништирган ва унинг дунёқарашида кескин ўзгариш ясаган.

1. 2. Жадидлар тафаккури ва фаолиятида маориф ҳамда ёшлар масалалари.

Жадидчилик ҳаракатининг энг муҳим томонларидан бири маърифатпарварлик ғоялари билан боғлиқ бўлиб, бу ғоялар ўқиш ва ўқитиш усулларига ислоҳ киритиш – янги усул мактабларини ташкил этиш, ўқувчиларга замонавий билимлар бериш, Шарқ ва Ғарб тилларини ўргатиш, дарсликлар яратишда, айниқса, ёркин кўринади. Улар янги ташкил этилган маориф тизими орқали шаклланиб келаётган ёшларга ижобий таъсир кўрсатишга интилганлар. Янги усул мактаблари Туркистонда жадид маърифатчилигининг дастлабки қадами бўлиши билан бирга то бу ҳаракат сиёсий тус олгунча, аҳамиятини йўқотмади.

Аср бошларида ва ундан кейинги ўн йилликларда ўзбек маърифатпарварлари, миллатпарварлари мустамлакачиликнинг қаҳрли, таҳқирловчи барча кўргиликларини ўз бошларидан кечирдилар. Не-не машаққатлар билан янги усулдаги мактаблар очдилар ва дарсликлар яратдилар. Ўз фаолиятларини, куч-ғайратларини миллатни уйғотишга, ёш авлодни билимли қилиб тарбиялашга сарф этдилар. Жадидлар аср бошидан эски мактабларни тугатиш ва улар ўрнига янги, давр талабига жавоб берадиган, замонавий илмлар ўргата оладиган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш шиори билан чиқдилар. 1884 йилда Бохчасаройда Исмоилбек Гаспринский «усули жадид» мактабини очган бўлиб, бу мактабларда ўқиган мусулмон болалари оз вақт ичида доно ва саводли, аста-секин эса билимли бўлиб етишар эди. Унингча, энг мухими мусулмонларнинг эски тартибдаги ёдлаб ўқишларига асосланган руҳоний илмларни ўрганишини ислоҳ этиб,

товушлар асосида ўзлаштирилган алифбо билан оз фурсатда хат-савод чикаришни жорий қилиш, маънавий илмлар қаторига замонага хос дунёвий илмларни қўшиш, ҳуқуқ-тартиботлар асосини эгаллаш, бошланғич синфлар учун алоҳида ўқитувчилар тайёрланиши лозим; ўқитувчилар ойлик маош билан таъминланиши лозим; ўқитиш маълум бир дастур асосида ва дарсликлар воситасида олиб борилиши кераклиги ва ҳоказо. Ўзининг бу қарашларини у 1883 йилдан чоп этиладиган «Таржумон» газетаси орқали тарғиб эта бошлади. Бу масалага кенг доирада аҳамият бериб, «Ватанни севмоқ, менимча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир»[1], - деб айтган ва мактаб-маориф ҳақидаги янгича нуқтаи назарни бевосита ҳаётга татбиқ этиш йўлида тинимсиз хизмат қилган. Туркистон ва Бухорога 1893 ва 1907 йилларда сафар қилган Исмоилбек Гаспринский бу ўлкада янги усулдаги мактаблар очиш, уларда янги замонавий ва дунёвий билимлар бериш кераклигини тарғиб этади. У: «Турк-татар миллатини инқироздан қутқармоқ учун нима қилмоқ керак?» деган саволни қўйиб, унга жавобан: «Оврўпо илм ва маорифидан бахраманд бўлишимиз ва уни ўрганишимиз керак»[2], - деб таъкидлайди. Шу ғояни ўртага ташлаб, у «Ислоҳ этишимизнинг моҳияти, бизнингча, мадрасалар таълимига татар (турк) тилидаги элементар, бошланғич илмлар (қисқача жуғрофия, тарих, табиий фанлар, арифметика, педагогика ва рус қонунчилиги асослари) киритилишидир», деб ўз фикрини давом этади[3]. Ҳожи Муйин ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда «Агар биз динимизни, миллатимизни яхши кўруб, ҳафиза қилмоқчи бўлсак, энг аввало, саодат эшиги бўлган мактабимизни замонга мувофиқ ислоҳ қилмоқ керак», - деб ҳисоблайди[4]. Шу мақсадда «Ширкати Бухорои Шариф» Усмонхўжа ва Ҳамидхўжаларни Бохчасарой ва Истамбулга юборади, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулқодир Шакурий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний Қозон, Оренбург,

---

[1] Гаспринский И. Ижтимоий вазифалар. // Таржумон. 1886. № 13.
[2] Қаранг: Тоғаев Э., Орифхўжаев С., Бекназирова Л. Дарсда жадидчилик ва унинг моҳиятини ўрганиш. // Халқ таълими. 1993. № 1.
[3] Гаспринский И. Русское мусульманство. // Звезда Востока. 1991. № 4. С. 117.
[4] Муйин Ҳ. Ёшларга мурожаат. // Самарқанд. 1913. 9 авг.

Истамбулга ташриф буюрдилар. Улар у ердаги жадид мактаблари тажрибаси, матбуот, адабиёт ва театр билан танишишни кўзлаган эдилар. Шундай қилиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ғози Олим Юнусов, Абдурауф Фитрат ва бошқалар Истамбул ва Қоҳира университетларида, Мирмўҳсин Шермуҳаммедов, Мўминжон Муҳаммаджонов, Лутфулла Олими, Шокир Сулаймонлар Уфа ва Оренбург мадрасаларида ўқиганлиги ҳақида маълумотлар бор[1]. У ерда улар Исмоилбек Гаспринский, Абдурашид Иброҳимов, Фотиҳ Карими ва бошқа маърифатпарварлар фаолиятлари билан яқиндан танишиш имкониятларига эга бўлдилар.

XIX аср охири – XX аср бошидан Туркистон ва Бухоро жадидларининг буюк намояндалари Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулқодир Шакурий, Ҳожи Муйин, Сўфизода, Сиддиқий-Ажзий, Салоҳиддин домла ва бошқалар «усули жадид» мактабларини очишга, ёшларни дунёвий билимларни эгаллашга, «миллат равнақи»га ҳаракат қила бошладилар. Жадидлар янги усулдаги мактабларда ўқиган, илмли ва замон талабига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялаш учун курашдилар. Бу билан уларни ўлканинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маданий тараққиётида муҳим ўринларда бўлиши, Туркистоннинг равнақ этишига салмоқли ҳисса қўшишларига ишонганлар. Манбаларда ёзилишича, рус-тузем мактабларининг вақти ўтди. Мусулмонлар бунга аниқ ишонч ҳосил қилиб, рус мактаблари ўрнига ўзларининг маҳаллий мактабларини кўпайтирдилар дейилган[2]. Демак, Туркистонда маҳаллий зиёлилар халқнинг равнақи, истиқлоли, мустақиллиги йўлида ўз курашларини кучайтирдилар, натижада янги усул мактаблари, мадрасалари, кутубхоналар сони кўпайди. «Тошкентда шаҳарнинг руслар яшаётган қисмида маҳаллий мусулмонлар янги усулдаги мадраса қуриб ишга туширдилар. Қурилишга татар Явушев 2000 рубл ажратди»[3], дейилган хабар ҳам бунга ёркин мисол бўлади. Сўнгги

---

[1] Турдиев Ш. Международные связи туркестанских джадидов и политика правящих властей в 1910-1917 гг. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик). Халқаро конф. материаллари. - Т., 2001. Б. 71.
[2] Туземцы и просвещение. // Турк. голосъ. 1916. 2 нояб.
[3] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 250-варақ.

маълумотларга кўра, биринчи жадид мактаблари 1898 йилда Қўконда Салоҳиддин домла томонидан, 1899 йилда Маннон Қори томонидан Тошкентда ва Шамсиддин домла томонидан Андижонда очилган[1]. Янги усулдаги мактабларни очиш тажрибасини Мунавварқори Абдурашидхонов ҳам қўллайди. Унинг жадид мактабини очиш тўғрисидаги дастлабки сўровига Сирдарё ҳарбий губернатори рад жавобини беради. Жуда катта меҳнат ва турли таъқибларга бардош бериб, Мунавварқори 1901 йили янги усулдаги мактабни очиб, болаларни беғараз ўқита бошлайди. Мунавварқори Абдурашидхонов ёрдамида 1922 йилда Германияга ўқишга кетган ва ҳозирда Анқара университетининг профессори Иброҳим Ёркиннинг эътироф этишича, «унинг мактаби, айни замонда янги очиладиган бошқа мактаблар учун таълим методлари ва тартибни, амалий жиҳатдан ўрганадиган жой вазифасини ўтди»[2]. Шундай мактаблардан бир оз кейинроқ Тошкентда очилган ва энг таниқли бўлган Мунавварқори Абдурашидхоновнинг янги усулдаги «Намуна» мактаби бўлиб, унда юзга яқин ўқувчи ўқиган. Бу мактабда энг ёш кучлар дарс бериб, улар педагогик фаолиятга қаттиқ тайёрланган эдилар[3]. Жадид мактаблари эски мактабларда беш йил ичида ўргатиладиган билимларни уч йилда беришга муваффақ бўлганлар. Асосан дунёвий билимларни беришга мўлжалланган бу мактаблар ёшларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсата бошлади. Натижада, аста-секинлик билан бўлса-да, маърифатпарварлар томонидан янги усул мактабларини очиш учун интилиш кучайиб борди. Мунавварқори Абдурашидхонов изидан бу мақсадни амалга ошириш учун Тошкентда Имонхўжа Хўжаев, Мусобоев, Усмон Алимов, Иброҳимхонов, Абдулла Авлоний, Ҳусаинов, Саъдуллаев, Гуларовлар Сирдарё вилоят халқ мактаблари директорига мурожаат қилдилар[4]. Бу билан маърифат фидойилари Туркистонда маорифни тўғри йўлга қўйиш, янгича усулдаги мактаблар ташкил этиб, бу мактабларда дунёвий ва диний билимларни

---

[1] Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. - Т.: Ўзбекистон. 2000. С. 5.
[2] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарқ, 2001. Б. 107.
[3] Қаранг: Шукуров А. Мусульманские школы в Туркестане. // Наука и просвещение. 1922. № 1. С. 31.
[4] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 10-рўйхат, 1148-иш, 52-варақ.

ўқувчиларга ўргатиб, Туркистон ўлкасида маданият ва маънавиятни ривожлантиришга янги ташкил этилаётган маориф тизими орқали ёшларни мустақил давлат тузиш учун курашга отлантиришга ҳаракат қилдилар. Бу хайрли ишни муваффақиятли бошлаш ва давом эттириш учун айрим муаммолар ҳам пайдо бўла бошлади. Улардан бирини Ҳожи Муйин «китобсизлик бўлса, бошқа сабаби ўқитғувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди»[1], деб билади. Бу муаммоларни ечишни ҳам маориф ислоҳоти тарафдорлари Ўз зиммаларига олишди. Мунавваркори Абдурашидхонов ўз ўқувчилари учун дарсликлар ҳам яратди. У 1907 йилда «Адиби аввал», «Адиби соний», «Ер юзи» дарсликларини яратиб, ўқувчиларнинг билим савиясини оширишда фидокорона меҳнат қилди. Бу дарсликлар 1901-1917 йиллар оралиғида энг ками 2-3, кўпи билан 9-10 мартагача алоҳида-алоҳида ҳолда нашр этилган[2]. Мунавваркори «Адиби аввал»нинг биринчи қисмида мусулмонлар учун алифбе яратди. Бу дарслик мусулмонларда мавжуд бўлган алифбеларнинг энг янгиси эди. Унда муаллиф ҳарфларни алфавит бўйича жойларини тўғри танлаб, ўз ўринларига қўяди. Бу дарслик уч бўлимдан иборат бўлиб, манбаларда ёзилишича, «1-бўлимда ҳарфлар ўрганиш ва машқ қилиш назарда тутилган, 2-бўлим мусулмонлар дини тарихи билан бошланади, рим, араб, рус календарлари билан таништиради, 3-бўлимда ўқувчилар араб тили билан таништирилиб, Қуръони Карим ўргатилади. Шу билан бирга ўқувчи намоз ўқишга ҳам ўргатилади»[3]. Мунавваркори Абдурашидхоновнинг янги усулдаги мактаби Тошкентда энг обрўли мактаблардан ҳисобланиб, чор ҳукумати назоратида турган. Мисол учун, Туркистон қоровул бўлими махфий ходимлари йиққан маълумотларига кўра, «Тошкентда 2-полиция бўлими ҳудудида ўзбек Мунавваркори Абдурашидхонов янги усулдаги мактаб очиб, 80 та ўқувчини ўқитмоқда, ўз дўстлари билан биргаликда

---

[1] Ҳожи Муйин. Ўзбекча алифболар тарихи. // Маориф ва ўқитғувчи. 1929. № 2.
[2] Қосимов Б. Мунавваркори Абдурашидхонов. // Буюк сиймолар, алломалар. / Масъул муҳаррир М. Ҳайруллаев. - Т., 1997. Б. 118.
[3] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 1-рўйхат, 555-иш, 42-43-варақлар

ўзбек тилида пьеса саҳнага қўйишни ҳам мўлжаллаштирмоқда», деб етказадилар[1].

Мунавварқори Абдурашидхонов ўзининг педагогик ва ижтимоий-маданий фаолияти билан Туркистон маданияти-маънавияти равнақи учун кураш олиб борди. «Мунавварқори маҳаллий бойларнинг бошини қовуштириб, уларни маърифатга хизмат қилдира олди. Шунинг учун ҳам у бир неча бор ҳибсга олиниб, сўнг қўйиб юборилган. Аммо буюк инсон бунга ҳам парво қилмай курашаверган»[2]. Мунавварқори Абдурашидхонов ўзи очган янги усул мактаблари ва маорифдаги янгича тизим Туркистоннинг ўсиб келаётган ёш авлодига ижобий таъсир кўрсатиши учун кўп ҳаракат қилди. Бунда Мунавварқори ёшларни дунёвий билимларни эгаллашга ва мустақил давлат тузиш борасидаги фикрларни тарғиб қилди. Бу вазифаларни бажариш йўлида маорифни янгича ислоҳ этиш учун курашди.

Мунавварқорининг издошларидан бўлмиш Абдулла Авлоний ҳам ўзбек миллий педагогикасини тараққий эттириш ва халқ маорифи ишларини тўғри йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. 1904 йилда А. Авлоний Тошкентда янги усул мактабини очди. Унинг мактаби дунёвий ва диний билимларни болаларга ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган, ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок эта олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлайдиган ҳақиқий халқ мактаби бўлди. А. Авлоний «Илм – дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур»[3], деб ҳисоблайди. Абдулла Авлоний Туркистон халкларини ўқишга, билим олишга чорлайди. У ўқувчиларга замонавий билимлар беради, мухим таълим-тарбиявий ишларни амалга оширади. Унинг «Биринчи муаллим» (1911), «Иккинчи муаллим» (1912), «Тарих», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913) номли дарсликлари Туркистон ёшларини илм ва маърифатга чорлайди. Бу дарсликларнинг ҳар бири боланинг ёши, акли

---

[1] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 1312-иш, 26-варақ.
[2] Аҳмад С. Мунавварқори. // Шарқ юлдузи. 1992. № 5. Б. 108.
[3] Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т., 1992. Б. 23.

ва савиясига мосланган бўлиб, ҳар бирида муайян таълимий-ахлоқий фикрлар, ғоялар илгари сурилган. А. Авлоний хулқларни анъанавий яхши ва ёмонга ажратар экан, мулоҳазаларини Гиппократ, Платон, Аристотель, Саъдий, Шерозий, Бедил фикрлари билан далилланган ҳолда замонавийликни асосий мезон қилиб олади. Адиб Ватанга муҳаббатни, унинг учун курашмоқни энг асосий хулқлардан бири деб ҳисоблайди. «Ватан. Ҳар бир кишининг туғулиб, ўскан шаҳар ва мамлакатини шу кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр»[1]. 1900-1917 йиллар давомида Абдулла Авлоний «Қобил», «Шуҳрат», «Хижрон», «Авлоний», «Сурайё», «Абулфайз», «Индамас» тахаллуслари билан кўпгина шеър, ҳикоя, фельетон ва кичик ҳажмдаги драматик асарлар яратди. У ўз шеърлари ва ҳикояларида замонасидаги қолоқликни, жоҳилликни танқид қилди ва ёшларни билимга, маърифатга чақирди.

Ҳар қандай таъқиблар ва молиявий қийинчиларга қарамасдан, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам янги усул мактаблари бирин-кетин очила бошлади. Самарқандда Туркистон жадидларининг отаси номини олган, буюк маърифатпарвар педагог, журналист, муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам «жадид» мактабини очиб, маҳаллий болаларни билимли, маърифатли қилиб тарбиялаш учун интилди. У 1903 йилда Ражабамидаги Абдулқодир Шакурийнинг янги усулдаги мактабини «Қўшҳовуз» маҳалласидан ўз ҳовлисига кўчириб келди ва бу мактабга беғараз ёрдам беради[2]. 1905 йилда М. Беҳбудий янги усул мактабини Самаркандниг «Кафтархона» қишлоғида очди. Бу мактабда 40 га яқин ўқувчи ўқитилган. Оддий мактабларда 3-4 йил ичида ўрганиладиган билимларни бу янги мактабда ўқувчилар бир йил ичида ўзлаштириб олардилар. Бундай далиллар эса жадидлар томонидан очилаётган янги усул мактаблари обрўйининг янада ошаётганлигини кўрсатарди. «Бу мактабда дунёвий илмлар билан бир қаторда диний билимлар ҳам биргаликда бериб борилган»[3]. Нафақат янги усулдаги мактаб, балки янги усулдаги мадрасалар ҳам ташкил этилиб,

---

[1] Авлоний А. Танланган асарлар. Т.2. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 55.
[2] Беҳбудий М. Самарқанд мактаби ҳақинда. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1908. 30 янв.
[3] Самарқанд. 1906. 20 май.

уларда ҳам дунёвий фанларнинг ўқитилишини жорий этишни таклиф этиб, «мадрасаларни замонга мувофиқ суратда ислоҳ қилмоқ бутун миллатнинг аҳволини ислоҳ қилди демак»[1], - деб унга кенг маъно бердилар. «Садои Туркистон» газетаси саҳифаларида чоп этилган «Усули жадида мадрасаси» номли мақола муаллифи, янги усул мадрасалари қандай бўлиши кераклиги, у ерда қандай фанлар ўқитилиши ва дарслар қайси тилда олиб борилиши кераклиги ҳақида қимматли фикрларни баён қилади. Муаллиф, Туркистонда янги ташкил қилинадиган мактаб ва мадрасаларда илм учун унчалик аҳамияти бўлмаган дарслар камайтирилиб, ўрнига дунёвий фанлар ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлишини ёзади: «Дарсларда тадкикот ва тамринот ижро қилмоқ, баъзи хошаларни чиқариб, ўрнига бошқа муҳим дарслар киргузмак: тарих, табиёт ва риёзиёт илмларидин ҳам талабани бир оз хабардор қилмоқ»[2].

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўқувчиларга ўз ҳисобидан дарсликлар, китоблар ҳам яратиб берди: «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий жуғрофия»), «Китобат ул-атфол» («Болалар мактуби»), «Мухтасари таърихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи») – 1904 йилда; «Амалиёти ислом», «Мадҳали жуғрофияи умроний» («Аҳоли жуғрофиясига кириш»), «Жуғрофия бўйича дарслик» – 1905 йилда; «Жуғрофияи умумий» - 1906 йилда; «Мухтасари жуғрофияи Русий» («Россиянинг қисқа жуғрофияси») – 1908 йилда. Бу дарслик ва китоблар Туркистонда асосий ўқув қўлланмаларидан эди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, М. Беҳбудий Туркистоннинг биринчи жуғрофий харитасини тузади ва мактабларда фойдаланиш учун нашр қилдиради[3]. Дарслик, мажмуа, ўқув қўлланмалар ва бошқалар чоп этилиб, оммалаштириш ширкатлари, кутубхона ва киpоатхоналар ташкил этила бошлаган. Хусусан, Тошкентда «Умид», «Мактаб» кутубхоналари, Самарқандда «Беҳбудия», «Зарафшон», Қўқонда

[1] Тарикий. 1906. № 9.
[2] Н.И. Усули жадидаи мадрасаси. // Садои Туркистон. 1914.17 июнь
[3] М.Ф. Махмудходжа Бегбуди. // Наука и просвещение. 1922. № 1. С. 23.

«Ғайрат», «Мадора» каби китоб нашри ва тарғиботи муассасалари пайдо бўлди.

Миллий маориф ва маданиятни ривожлантириш мақсадида М. Беҳбудий Самарқандда 1908 йили Туркистонда биринчи маҳаллий аҳоли учун «кутубхона-кироатхона» очиб, ўз маблағлари ҳисобидан унинг фондини бойитиб боради[1].

Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий билан бир қаторда Абдулқодир Шакурий, Ҳожи Муйин, Сиддиқий-Ажзийлар янги усулдаги мактаблар очиб, маҳаллий болаларни саводли ва билимли қилиб тарбиялашга бел боғлайдилар. Садриддин Айнийнинг ёзишича, 1903 йили Абдулқодир Шакурий ташаббуси билан Самарқанднинг Қўшҳовуз маҳалласида янги усулдаги мактаб очилади[2]. Бу мактаб учун Шакурий «Жомеъ-ул ҳикоят» номли дарслик яратади ва мусулмон болаларига беғараз ёрдам кўрсатади. Янги усуллари билан ажралиб турган бундай мактаблар бирин-кетин Самаркандда жадидлар томонидан очилаверади.

1903 йилда Самарқанд шаҳрининг Хўжа Нисбатдор маҳалласида Ҳожи Муйин бошчилигида ҳам усули жадид мактаби очилади. Ҳожи Муйин бу мактабда болаларни саводли қилиш учун ўз маблағидан пул ажратган. Мактабдорликдан даромад олишни ўйламай, мактаб-маориф йўлида фидоийлик кўрсатган. «Раҳномаи савод» номи билан алифбо нашр этилган ва ўз кутубхонасини ташкил этган. Ҳужжатларда ёзилишича, кейинги йилларда янги усулдаги мактаблардан яна бирини шаҳарда Абдушукуров (Абдулқодир Шакурий – Д.Р.) 1907 йилда очади[3]. «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарида Абдурауф Фитрат қаҳрамон тилидан: «Самарқандда бир нечта бошланғич мактаблар бўлиб, улар ичида энг яхшиси Шакурий мактабидир. Бу мактаб аста-секин керакли чўққини эгаллайди. Умуман, Самарқанд мактабларини кўриб чиқиб, улардан мамнунман»[4], – деб ёзади. 1913 йилги маълумотларига кўра, бу мактабнинг 117 ўқувчиси бўлиб, шу

---

[1] М.Ф. Махмудходжа Бегбуди. // Наука и просвещение. 1922. № 1. С. 24.
[2] Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе: Адиб. 1987. Б. 31.
[3] ЎзР МДА, 1-фонд, 31-рўйхат, 943-иш, 23-варак.
[4] Абд ур Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). / Пер. А. Н. Кондратьева. Самарканд: Махмудходжа Бегбуди. 1913. С. 79.

вақтда мавжуд бўлган энг машҳур янги усулдаги мактаблардан бири деб ҳисобланган экан[1].

Умуман, бундай мактаблар Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам очилаётган эди. «Таржумон» газетасининг 1904 йил 2-сонида «Верний шаҳрида бой Исҳоқ Абдул Валиев ўз мадрасасида янги усулни қўллади. Бу эса маҳаллий халқ томонидан қўллаб-қувватланди. Халқ уйғониб замонавий ҳаёт муаммоларини тушуна бошлади»[2], – деб ёзилган. Демак, маҳаллий халқ мустамлакачилик зулми ва қолоқликдан қутулиш йўлларини ахтара бошлаганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шу ўринда жадидлар маориф соҳасидаги фаолиятларида Туркистон ўлкасида халқ орасида зиё ва маърифат, дунёвий илм ва фан тарқатдилар.

Жадид мактаблари XX аср бошида Бухорода ҳам бирин-кетин очилаётган эди. Бухорода янги усулдаги мактаблар 1907-1912 йиллари қуйидаги жадид намояндалари Абдул-воҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Миркомил Бурҳонов, Холи Хўжаев ва бошқалар томонидан очилган[3]. Жадид мактабларининг Бухорода кўпайишига Исмоилбек Гаспринскийнинг ташрифи ва унинг Бухоро амири Абдулаҳадга янги усул мактаблари очиш ҳақидаги мурожаати ижобий таъсир кўрсатган. 1908 йилнинг октябрида Бухоро шаҳрининг Саллоҳхона маҳалласида Мирзо Абдулвоҳид қовлисида форс тилида жадид мактаби очилган ва у асосий янги усул мактабларидан бири ҳисобланган[4]. Умуман, Исмоилбек Гаспринский йўлга қўйган «усули жадид» мактаблари ва унинг маориф, маънавият ҳақидаги ғоялари Туркистон ва Бухорода ҳам ўз самарасини берган эди. Исҳокжон Ибрат эски мактаблардаги ўқитиш усулини танқид қилиб, уларни ислоҳ этишни таклиф этади: «Эски мактаблар бечора азиз фарзандларимизни калтак, қамчи, йўқ баҳонаси ила беш-ўн саналар осмонга қаратиб, «алиф безавер, алиф бебазер», деб шовқин қилдириб-қилдириб, бир ҳарф ҳам ўқув-ёзув билдирмайинча умрларини барбод қилиб етмоқга тақвиятгина бўладур...

---

[1] ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 94-102 варақлар.
[2] Ўша жойда, 955-иш, 250-варақ.
[3] Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. - Т., 1926. С. 15.
[4] Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе: Адиб. 1987. Б. 33.

Болаларни эски мактаблар ила жамоаларга тақсим қилиб, келиш-кетиш, қамчи ва калтак масалаларини ислоҳ қилмоқ, албатта, лозимдур. Лекин ўқулажак китоблари – мазкур эски китоблари, ўқутажак домлалари – эски домлалари, мактабларида – эски ҳашарот уялари бўлдикинда бу масалаларни минг мартабалар ислоҳ қилинсада бекор, беҳудадир. Агар виждон, инсоф ила муҳокама қилсак, товаққуфсиз ва тараддудсиз эски мактабларимизни асосларидан йиқиб, жойларга тартиб интизом билган янги усул домлаларининг ҳимоясида бўлган янги мактаблар ваъз этмак лозимдур. Эски мактабдошларимизни деҳқончилик ҳунарларига саҳв этмак мувозфиқи ҳақиқатдур. Бу жаноб муллоларга ва янги домлаларимизга охирги сўзим»[1]. Махмудхўжа Беҳбудий томонидан чиқарилган «Самарқанд» газетаси дастлабки нашрларидан бошлаб ўзининг шиорига тўла амал қилиб (унинг шиори халқни маданиятли, маърифатли қилиш), илмдан бебаҳра ўзбек халқини маърифатга чорлади, илм-фанни тинмай тарғиб қилди. Масалан, М. Беҳбудий мақолаларининг бирида Бухородаги мактаб ва мадрасалардаги кўҳна ўқитиш усулларини қаттиқ танқид остига олади, қолоқ таълим-тарбия усулини танқид қилиш баҳонасида меҳнаткаш халқнинг ўта оғир ҳаёт қисматидан бадиий лавҳалар яратилади[2]. Эски мактаблардаги ўқитиш усули ҳақида Садриддин Айний шундай ёзади: «Ўша йили (Мир Арáб мадрасасида ўқиган йиллари, 1890 йил. - Д.Р.) мен ўқишдан етарли баҳра топа олмадим, мен уч дарс ўқидим, китоблар арабча эди. Домлалар тожик тилига таржима қилсалар ҳам, арабча ибораларни таржимаси билан бирга ёд олишга буюрар эдилар»[3]. «Эски мактаб» автобиографик қиссасида эса Ўзининг ёшлик чоғида қандай машаққатлар билан ўқиганлигини тасвирлайди. Қиссада у ўтмиш давридаги эски мактабдаги таълим-тарбияда тан жазоси усулини қоралади, домланинг саводсизлиги, баджаҳллиги ва тамагирлигини фош этди. У «Мен умримда икки озодликни кўрганман. Бири 1917 йилда, қирқ ёшимда етмиш беш таёқ еб, Бухоро амири зиндонидан озод бўлганим бўлса, иккинчиси - олти яшарлигимда эски

[1] Туркистон вилоятининг газетаси. 1907. 27 сент.
[2] Қаранг: Беҳбудий М. Лузуми мактаб дар Бухоро. // Самарқанд. 1913. 12 июль.
[3] Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. - Т., 1960. Б. 29.

мактабдан озод бўлганим. Менга бу икки озодлик ҳам бир-биридан ширинроқ кўринган эди», - деб ёзган эди[1].

Халқ аста-секин бўлса-да, янги усул мактабларига ишонч билан қарай бошлади ва жадидларнинг «Халқи олам усули жадид ва илми замоний ила осмонларға учар»[2] деган сўзларининг ҳақиқатга яқин бўлишига ишонди. Чунки янги усул мактабларида ўқиган болаларнинг дунёқараши эски мактаб ўқувчилариникидан устун турган. Болалар ўқишда ўз олдиларига қўйган мақсадларига эриша бошлаганлар. Бу йилларда маорифдаги ўзгаришлар Туркистон ёшларининг ривожланган давлат қурилишидаги, мустақиллик, истиқлол йўлидаги қарашларини янада мустаҳкамлади. Янги усул мактабларининг эски мактаблардан афзаллиги ҳаттоки рус матбуотида ҳам тан олинди. «... ўзларининг қисқа вақт ичида ташкил этилганлигига қарамай, янги усул мактаблари халқ орасида обрў қозона бошлади. Келажакнинг вазифалари ва муаммоларини ечиб берадиган кишиларни эски мактаб тарбиялаб бермасди. Шунинг учун жадидларнинг мактабда ўқитиш усуллари ва дунёвий фанларнинг киритилишидан бошланган ислоҳотларини ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам қўллаб-қувватладилар. Даврнинг ўзи жадидларни қўллаб-қувватлади. Мисол учун, Қўқонда ҳатто маҳаллий халқ ўз вакиллари орқали уезд бошқармаси ва ўқув инспекциясини бундай янги усул мактабларини қўллаб-қувватлашга чақирдилар[3]. Бунинг натижасида 1911 йилда жадид мактабларининг сони 63 тага етган, уларда 4106 бола ўқиган. Тошкентнинг ўзида 24 та бундай мактабларда 1740 бола ўқиган. 1917 йил бошларида ўлкадаги 100 га яқин жадид мактабларида 5000 дан зиёд ўқувчи бўлган[4].

Жадидларнинг маориф соҳасидаги фаолиятлари консерватив руҳонийлар ва чор мустамлакачи маъмурлари томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Туркистон халқлари бир томондан мустамлакачи чор ҳокимияти, иккинчи томондан, маҳаллий бойлар ва амалдорларнинг қаттиқ

---

[1] Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди (тузувчи-муаллиф М. Ҳасаний). - Т.: Ўқитувчи. 1994. Б. 37.
[2] Беҳбудий М. Бизни ҳоллар ва ишлар. // Ойна. 1914. № 13. Б. 202.
[3] Турк. ведомости. 1916. 5 февр.
[4] Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. I. - Т.: Шарқ. 2000. Б. 270.

сиқуви остида яшарди. Ана шу икки томонлама зулм ва сиқув Туркистон халқларининг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маданий, маърифий ва маънавий ҳаётига мислсиз даражада салбий таъсир ўтказди. Нафақат чор ҳокимияти, балки маҳаллий давлат идораси ҳам халқнинг ижтимоий онгининг ошиши, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши, бошқа халқлар ва мамлакатлар ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлишидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам, бир томондан, чор ҳокимияти, иккинчи томондан, маҳаллий давлат тузуми халқнинг кўзини очиши, ижтимоий ва маданий ҳаётини нурлантириши мумкин бўлган ҳар қандай тадбирларга қарши курашди. Янги усул мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари руҳонийлар томонидан «кофирлар» деб аталган. Туркистон ўлкасининг мактаблар бўйича бош инспекторига келган хатларнинг бирида, Самаркандда 1914 йил 3 январда Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасасида номоздан сўнг азон айтувчи киши 5-6 минг одамларга қараб, янги усулдаги мактаб ташкилотчилари «кофир»лар бўлиб, уларни хотинларидан ажратиш керак, – деб жар солган[1]. Муҳаммад Шариф Сўфизода Чўстдан бадарға қилинди[2], тошкентлик Мирмуҳсин Шермуҳаммедов Эски Жува бозор расталарида сазойи этилди, Саидрасул Азизий эса Насора махсум номини олди[3]. Бундай қаршиликлар ва қийинчиликлар жадидларни ўз фидокорона олиб борган маърифат ва маданиятни ривожлантириш учун бўлган интилишлари ва ҳаракатларидан қайтара олмаган. Чунки улар маҳаллий болаларни зиёли, билимли, маърифатли қилиш учун курашганлар ва «Тараққиёт ва фанлар даври келди. Маданиятсиз миллатлар ва халқларнинг маданиятли бўлиш пайти келди», деб ҳисоблаганлар[4]. Маҳаллий маърифатпарвар зиёлилар эски мактаблар ва аҳолини руслаштириш, чор ҳукуматига хайрихоҳ этиб тарбиялаш мақсадида мажбуран очилган рус-тузем мактабларининг вақти ўтганлигини тушуниб етгандилар. Бу мактабларда ўқиган ёшлар ҳақида Маҳмудхўжа Беҳбудий

---

[1] Қаранг: Фанқулодда такфир. // Ойна. 1914. № 12. Б. 295.
[2] Туркистон вилоятининг газетаси. 1914. 19 янв.
[3] Қосимов Б. Жадидчилик. // Ёшлик. 1990. № 7. Б. 73.
[4] Қаранг: Пясковский А.В. Революция 1905-1907 гг. в Туркестане. - М., 1958. С. 558.

шундай дейди: «Русский-туземный мактабларига ўқиганлар зиёли тугул, ҳиёли ҳисобланмайдурлар. Улар фақат русча чаласавод кишилардир»[1]. Маҳаллий аҳоли орасида бу мактабларнинг обрў топмаганлиги учун ҳам жадидлар ўз мактаб-маориф борасидаги фаолиятларини 1910-1915 йилларда янада кўчайтирдилар, ёшларни кучли билим эгалари, ривожланган мустақил давлат қуриш учун курашга даъват этдилар. Вақтли матбуот саҳифаларида ёзилганидек, «Маданиятли мусулмонлар, келажак замонавий, тараққий этаётган ҳаётда уларнинг фарзандларидан қандай талаблар қўйилишини фаҳмлаб, рус-тузем мактабларидан қониқмай, ўз фарзандларини маълумотли қилишнинг бошқа янги йўлларини ахтара бошладилар. Натижада, янги усул мактабларини оча бошладилар»[2]. Янги усул мактабларининг Туркистон ва Бухорода кўпайиши маҳаллий халқнинг ижтимоий-сиёсий курашларининг шаклланиши ва маданий равнақига ижобий таъсир кўрсатган. Бу эса чор ҳукуматининг жадид мактаблари ва жадид намояндалари устидан назоратни кучайтиришга мажбур қилди. Шунга қарамасдан, жадидлар ўлкадаги матбуот саҳифалари орқали мазкур мактабларнинг моҳияти, мақсади, тараққиёт йўлидаги аҳамиятларини таърифлаб, бу ҳақда илмий-назарий, публицистик мақолалар ёзиб, жадидчиликни, истиқлолни, мустақилликни тарғиб этганлар. Шунинг учун ҳам жадидлар асосий фаолиятларини маориф ислоҳотига қаратганлар. Махмудхўжа Беҳбудий ёзадики: «Сиз мухтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласангизки, сиздан кўра тараққий этса, дин ва миллатга хизмат этса. Шу илми замонийни таҳсил қилмок учун ҳаракат килмоғингиз лозимдур»[3].

Туркистонда янги усул мактабларининг кўпайиши, унинг орқасидан эса маҳаллий аҳоли ўртасида сиёсий, маънавий-маданий ғояларнинг тарқалиши, аҳоли дунёқарашининг ўзгаришини тушунган чор ҳукумати ўз мустамлакачилик сиёсатини янада мустаҳкамлаш мақсадида,

---

[1] Беҳбудий М. Эҳтиёжи миллат. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1909. 2 окт.
[2] Андреев Г. Туземцы и просвещение. // Турк. голос. 1916. 12 нояб.
[3] Беҳбудий М. Йилларга мурожаат. // Ойна. 1914. № 21. Б. 391.

Туркистон генерал-губернаторининг ўқув ишлари бўйича бошкарма инспектори (генерал Самсонов томонидан имзоланган) 1917 йил 25 январда «Қарор» қабул қилиб, Сирдарё вилояти халқ мактаблари директорига хат йўллайди. Қарорда:

1. Янги усул мактабларини очиш халқ мактаблари инспектори рухсати билан амалга оширилсин.

2. Янги усул мактаблари очилишида ўқитувчи ва ўқувчилар бир жойдан бўлишлари текшириб турилсин.

3. Шаҳар ва қишлоқ жамиятлари томонидан очилаётган мактабларда ўқувчиларни ўқитиш фақат давлат тили «рус»да (чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашнинг бир тури – Д.Р.) олиб борилсин.

4. Янги усул мактабларининг очилишида, очаётган шахс ёки жамиятдан, мактабда ўқитиладиган ўқув программаси ва дарсликларни халқ мактаби инспекторлигига етказиш шарт.

5. Бу қарор чиқарилган кундан бошлаб, ўлкада олдин очилган ҳамма мактаблар ҳам бу қарорга бўйсунишлари керак, деб белгиланган[1].

Мустамлака маъмурлари ҳамда полиция назорати ва таъқиби остида бўлишига қарамасдан жадидлар маърифатчилик ҳаракатларини тўхтатиб қўймадилар, аксинча, биринчи жаҳон уруши йилларида янада кучайтирдилар. Улар янги усул мактаблари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, асарлар яратиб, нашр эттанлар. Манбаларда ёзилишича, «янги усул мактаблари ҳозир (биринчи жаҳон уруши йиллари кўзда тутилади – Д.Р.) тараққий этмоқда ва маҳаллий халқ орасида обрў қозонган»[2]. 1914-1917 йилларда янги усул мактаблари Туркистон ўлкасида энг юкори чўққига чиққан эди. 1917 йилга келиб, Туркистонда 100 га яқин янги усулдаги мактаблар очилганлиги ва уларда 4 мингдан кўпроқ маҳаллий болалар ўқиганлиги ҳақида маълумотлар бор[3]. Сирдарё вилояти халқ

---

[1] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 60-варак.
[2] Ежикеев А. Мусульманская школа в Туркестане в ее прошлом и настоящем виде. // Туркестанский учитель. 1917. № 7. С. 192.
[3] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 230-варак.

мактаблари 1-район инспекторининг Сирдарё вилояти халқ мактаблари директорларига ёзган хатида, Тошкент шахрида маҳаллий халқ орасида обрўли ва равнак этган мактаблар алоҳида кўрсатилган: Мунавваркори Абдурашидхоновнинг (145 ўқувчи), Эшон Хўжахон Хўжаевнинг (120 ўқувчи) Тошкентнинг Шайхонтоҳур бўлимида жойлашган, Собиржон Раҳимовнинг (120 ўқувчи), Аъзамхон Абдурашидхоновнинг (150 ўқувчи), Низомиддин Қори Хусаиновнинг (100 ўқувчи), Абдулла Қорининг (50 ўқувчи), Хўжа Терешкен Мулла Исмодулла Султон Хоновнинг (80 ўқувчи), Қори Хоннинг (50 ўқувчи), Рустамбекнинг (100 ўқувчи), Раҳматулло Нажмиддинхоновнинг (50 ўқувчи), Абдуллахон Икромхоновнинг (50 ўқувчи), Муслим Қорининг (100 ўқувчи) Тошкентнинг Себзор бўлимида фаолият кўрсатаётган, татар Хусаинов масжидида (80 ўқувчи), Сайфул Муллоқовнинг (35 ўқувчи), Шаги Аҳмат Валиуллиновнинг (33 ўқувчи), Бек-Булатовнинг хотин-қизлар мактаби (11 ўқувчи) Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жойлашган, Перовскдаги Ярмуҳаммад Ярболовнинг (26 ўқувчи) устидан полиция махсус назоратини кучайтиришни таклиф этган[1]. Чунки бу мактаблар Тошкентда энг тараққий этганлар деб ҳисобланиб, ёшлар ўртасидаги жадидчилик ғояларининг тарқалишида ижобий таъсир кўрсатаётганлиги билан ажралиб турарди. Ҳаттоки, чор маъмурлари бу мактабларда ўқитиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ҳам алоҳида рўйхатга олишни буюрганлар. Кўрсатма бажарилиб, Сирдарё вилояти 1-район халқ мактаби инспектори томонидан қуйидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхатга олинган:

1. Адиби Аввал – мусулмонларнинг она тили ва диний билимлар билан биргаликда, қисқа географик маълумотлардан иборат дарслик. Тузувчи – Мунавваркори, Тошкент, 1913 й.

2. Адиби Соний – географик табиий-тарихий ва диний билимлардан иборат икки бўлимли дарслиги. Тузувчи – Мунавваркори, Тошкент, 1917 й.

3. Ер юзи, Мунавваркори, Тошкент, 1913 й.

4. Тарихи Муқаддас. Шокиржон Раҳимов, 1913 й.

---

[1] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 148-варак.

5. Адабиёт, 2-қисм. А. Авлоний шеърлари. Тошкент, 1912-1913 йй.

6. Хафтияк – Қуръоннинг 7-қисми.

7. Фузулий – шеърлар ва бошқа 20 га яқин дарсликлар[1].

Маълумки, Туркистондаги мавжуд эски ўқув жараёни асосан вақфлар ва мактаб шогирдларининг муайян тўловлари билан маблағлантириб турилар эди. Жадид мактаблари эса ўзига тўқ оилалар фарзандлари билан бирга камбағаллар болаларини ҳам ўқитар, улар асосан бепул ўқитилар эди. Оқибатда маблағсизликдан баъзи мактаблар ёпилиб ҳам қоларди. Ана шу ҳолнинг олдини олиш, ночор оилалар фарзандларининг ҳам тўлақонли илм ўрганишлари ҳамда уларни ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш ва бундан ташқари, иқтидорли ёшларни тараққий топган хорижий давлатларга юбориб ўқитиш учун маблағ топиб бериш мақсадларида «жамияти ҳайрия»лар ташкил этилади.

Ўзларининг мактаб ва маориф соҳасидаги тараққийпарварлик ишлари билан жадидлар ёшларни дунёвий фанларни эгаллаб, билимли бўлишга, Туркистоннинг истиқлоли, мустақиллиги, озодлиги учун курашишга чорладилар. Улар ёшларни хорижий давлатларга бориб ўқиб, ғарб замонавий билимлари билан қуролланиб, мусулмонларнинг ва умуман Туркистоннинг таълим-тарбиявий ишларини шарқона усулда янгича шакллантириб, равнақ эттиришга чорладилар. Маҳаллий ёшларни чет эл олий ўқув юртларига бориб, илм олиб келишлари ғоясини кўтариб чиқдилар. «Талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулға ва Русия дорилфунун ва дорулсаноатларига юборилиб, диний ва дунёвий ва замоний одамлар етишдурмоқға саъй қилинсун»[2]. Бу чақириқни Садриддин Айний ёшларга мурожаат қилиб, «Ўқиш йўлида ғайрат қил. Одам бўл. Кейин кучинг борича ўз Ватанингга, ўз халқингга ва ўз миллатингга хизмат қил», - деб давом эттирди[3].

---

[1] ЎзР МДА. 47-И-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 148-149-варақлар.

[2] Бехбудий М. Аъмолимиз ёинки муродимиз. // Ойна. 1913. № 6-7. Б.130-132

[3] Айний С. Таҳсиб ус-сибиён. Самарқанд: Газаров матбааси (ношир: ширкат «Китобхонаи маърифат»). 1909. Б. 4.

1917 йилнинг февраль ойида Россияда юз берган сиёсий воқеалардан сўнг Туркистонда пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан бири «Турк одами марказияти фирқаси»нинг маромнома (дастури)да ҳам маориф ва миллий кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унда ёшларга дунёвий таълим бериш, таълим соҳасига демократик тамойилларни жорий қилиш, таълимни миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш, ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасида эришган ютукларидан кенг фойдаланиш, ушбу соҳада миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш каби ғоялар мужассамланган. Маориф ва илм-фан билан боғлиқ кўпгина масалалар ўз ечимини топган.

Февраль инқилобидан кейин Туркистонда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш учун жадидлар ҳаракати янада кучайиб, улар томонидан кўплаб жамиятлар тузилган. Шулардан бири – «Муаллим жамияти»дир. Бошлиғи – Мунавварқори Абдурашидхонов. Жамият аъзолари миллий мактабни ташкил этиш, янгича фикрловчи муаллимларни вояга етказиш, ўзбек болаларининг маълумотларини умумжаҳон талаби даражасига олиб чиқиш учун курашдилар. Самарқандда 1917 йил март ойида тузилган «Исломия» клуби ҳам халқ оммаси ўртасида ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий фикрларни тарқатувчилар бўлиб хизмат қилди. Шу жамият аъзоларидан Абдужабборзода «Мактабларнинг ислоҳоти», Ҳокандбой Абдухолиқ ўғли «Ўқимоқ керак», Абдурауф Фитрат «Ёшлар на фикрдадур» ва «Биринчи чорамиз» мақолаларида Туркистонда кўпроқ янги усул мактабларини очиш зарурлигини қайд этиб ўтадилар...[1]. Самарқанддаги «Исломия» клуби Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам бир неча йил ўз фаолиятини давом эттириб, мусулмонлар билан эски шаҳарда дарслар ўтказиб турган. Самарқанд вилоят халқ таълими комиссарлигининг бир эълонида: «22 июль 1918 йил эски шаҳарда «Исломия» клубида мусулмонлар билан дарслар бошланган. Дарс соатлари 12-13 кундузи, ҳар куни байрамдан ташқари кунлар»[2], – деб хабар берилади.

---

[1] Аъзамхўжаев С. 1917 йилги Самарқанд. // Туркистон. 1992. 27 авг.
[2] Самарқанд вилояти Давлат архиви, 104-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 162-варақ.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жадидлар XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда маориф тизимини янгича қуришга астойдил киришдилар, бу соҳада ислоҳотларнинг зарурлигини тушунтириб бердилар ва бу йўлда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширдилар:

- эски мактабларни тугатиш:

- янги, давр талабига жавоб берадиган, замонавий илмлар ўргата оладиган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш;

- дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш;

- янги адабиётлар, маҳаллий ва чет элда чоп этиладиган газета ва журналлар билан тўлдирилган кутубхона ва қироатхоналар очиш;

- иқтидорли талабаларни рағбатлантириш, чет элда ўқитиш учун хайрия жамиятлари тузиш.

Жадидлар томонидан очилган янги усул мактабларининг кўпайиши маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида сиёсий, маданий, маънавий ғояларнинг тарқалиши, аҳоли дунёқарашининг ўзгаришига олиб келди. Улар Туркистон ёшлари билимли, маданиятли-маънавиятли, дунёвий илмларни эгаллаган бўлишлари учун курашдилар. Туркистон жадидлари маҳаллий халқларнинг сиёсий онгини шакллантириш ва ошириш учун, ўлкадаги мактаб-маориф системасини янгича шакллантириш, ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни янгича усуллар билан ўқитиб, замона талабларига жавоб бера олиш даражасига кўтариш учун хизмат қилдилар. Ўзларининг буюк ишларини улар миллий манфаатлар билан боғлаб, ривожлантириб, амалга оширдилар.

1.3. Ўлка жадидларининг ёшларни ишлаб чиқаришга ва маданий ҳаётга иштирок эттириш бўйича ҳаракатлари

XIX аср охиридан то Октябрь тўнтаришигача бўлган йилларда Туркистон жадидлари чор ҳукумати истибдодидан қолоқ аҳволга тушиб қолган Туркистон маҳаллий аҳолисининг, жумладан ўсиб келаётган ёшларни ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий турмушини, онг-савиясини

кўтариш, тараққий эттириш мақсадида жуда катта маданий ишларини олиб бордилар. Европа усулидаги театр труппаларини туздилар, ўзбек, тожик тилларида газета ва журналлар чиқардилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганидек, «Ҳар бир мамлакатда ислоҳот ва маданият асбобига тасаввул (восита - Д.Р) ва ташаббус этмоқлик ҳаракати у мамлакатнинг ёшлари тарафидан зуҳур эта бошлагани каби, бизнинг Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бЎлган мактаби ибтидоий ила интибоҳ ва ислоҳот жарчиси бўлган миллий матбуот ғайратлу ёшларнинг ҳаракати маориф парвароналари соясида вужудга келди»[1].

Жадидлар таълимоти - ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, ўз кетидан эргаштира олди. Жадидлар таркибини ёш жиҳатидан таҳлил қилиб, Д.Алимованинг келтирган маълумотлари асосида жадидларнинг Туркистоннинг бўлғуси давлат қурилиши дастурларида ёшлар дунёқараши ўз аксини топганлигини кўрамиз. 1910 йилда жадидлар сафини асосан 13 ёшдан 36 ёшгача бўлганлар ташкил этган. Жадидчиликнинг раҳбари М. Беҳбудий ўша пайтда 36 ёшда, Абдулла Авлоний - 33 ёшда, Ҳамза 22 ёшда бўлган бўлса, Чўлпон эндигина 13 ёшда эди. Жадидлар Туркистон ёшларидан етук олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва шу йўлда фидойилик кўрсатдилар. «Жадидларнинг ўзлари талаба ёшлар эди. Улар ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқларини эгаллашга интилдилар, ўқидилар ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этдилар. Жадидлар хорижга чиқиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим тараққиёти даражасини кўра олдилар, уларни солиштирдилар ва бу зеҳнли ёшларда жаҳон тараққиёти ютуқларини Туркистонга келтириш истаги пайдо бўлди»[2].

---

[1] Беҳбудий М. Муҳтирам ёшларга мурожаат. // Ойна. 1914. № 41. Б. 970.

[2] Алимова Д. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (даврий тўплам. № 1) / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова. - Т., 1999. Б. 36-37.

Жадидлар янги усулдаги мактаблар очиш билан кифояланмасдан, ислоҳотлар доирасини кенгроқ олишга, айниқса, маданий ҳаёт ичига чуқур киришга бел боғладилар. «Жадидчилик XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган фавқулоддан қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида, тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди»[1]. Айнан шу ғоя остида жадидлар курашдилар. Уларнинг фикрларига эътибор берсак, бу нарса яққол намоён бўлади: «Давлат мансабларига кирайлук. Ватанимизда ва ўз динимизга хидмат этайлук. Мусулмон бўлуб туриб, тараққий қилайлук. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто, дини ислом ва миллатга хидмат илмсиз бўлмайдур. Ўқумоқ керак, замондан, қонундан хабардор бўлмоқ керакдур»[2].

Ф.Амирхон Гаспринский ҳақидаги «Улуғ миллатчи тўғрисида кичкина бир хотира» мақоласида «Қизғин руҳли ёшларимиз миллатга хизмат этиб, анинг маданий даражасини ўстирсалар, ул вақтда биз синфий ихтилофлар тўғрисида сўйлашурмиз, фикр юритишурмиз. Маданияти йўқ бир миллатнинг саноати бўла олмас. Модомики, ул йўқ экан, ҳали синфий низоларга эрта. Бизнинг бугунги вазифамиз ҳозирча маданий ўсувдан ва шунга йўллар ҳозирловдангина иборат»[3], – деб ёзади.

Жадидлар ўз ҳаракатларининг бошиданоқ энг аввало, Туркистонни чор ҳукуматининг хом-ашё етказиб берувчи базаси бўлиши вазифасидан озод этиш, миллий сармояни миллатларнинг равнақига хизмат қиладиган иқтисодий, маданий, маърифий соҳаларини вужудга келтириш учун йўналтириш, хусусан, ёшларни замонавий мактабларда ва илғор мамлакатларда ўқитиш, ёшлар учун олий мактаб ва мадраса очиш,

---

[1] Қаранг: Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (даврий тўплам, № 1) / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова. - Т., 1999. Б. 22.

[2] Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим. // Ойна. 1913. № 1. Б. 13-14.

[3] Қаранг: Ризаев Ш. Жадид драмаси. / Масъул муҳаррир Н. Каримов. - Т.: Шарқ,. 1997. Б. 45; Ёш ленинчи. 1989. 5 авг.

замонавий асосда қурилган миллий ҳунармандчиликни авж олдириш, ўлка табиий жуғрофиясини ҳисобга олган ҳолда завод-фабрикалар қуриш, халқнинг техникавий маданияти ва билимларини кўтариш учун ҳар қандай шароитларда ҳам кураш олиб бордилар. Бунинг учун ҳаммамиз ўқишга интилишимиз, хоҳиш ва иродамизни мустаҳкамлашимиз керак, деб таъкидладилар. «Замона ҳар куни янгилашур. Янги илм ва янги фикрлик ва фунуни замонияни дарбар қилгон одамларни талаб қилур. Сабаб надурки, ўзимиз ўқуб замоний одам бўлмаймиз?»[1].

Жадидлар ўз ғояларини амалга ошириш мақсадида Туркистон ёшларидан иборат турли хил уюшмаларини ташкил эта бошладилар. Улар мустабид ва мустамлака бошқарув усулига, чор ҳукумати мустамлакачи маъмурларига қарши курашда фаоллик кўрсатдилар. Демак, жадидлар маърифатпарварликдан маданият ва сиёсий кураш ғояларини илгари суриб, мустақиллик йўлида ёшларни бирлаштиришга ва Ватан мустақиллиги учун курашга чорладилар.

Манбаларда ёзилишича, рус-япон урушидан кейин маҳаллий халқларда ўз аҳволларини яхшилаш учун умидлари кучайди, шу билан бирга жадидларнинг сиёсий фаолияти ҳам кучайди[2]. Натижада Туркистон ўлкасида ёшларнинг яширин ташкилотлари, хайрия ва ёрдам жамиятлари ташкил этилиши ҳам кучая борди. Махфий хизмат ходимлари, архив ҳужжатларида ёзилишича, 1905-1910 йилларда Туркистон ёшларининг, миллий зиёлиларнинг гуруҳларини аниқлаганлар[3]. Туркистонда маҳаллий зиёли ёшлар 1905-1915 йиллар давомида алоҳида гуруҳларини катта ташкилотларга бирлаштира бошлаганлар. Мисол учун, Андижондаги «Тараққийпарварлар» ташкилоти, Фарғонадаги миллий зиёлилар группаси, Андижондаги Чайкин бошчилигида «Туркестанский голосъ» газетаси атрофига бирлашганлар[4]. Бу ташкилот «Туркестанский голосъ» ва ўлкадаги бошқа газета, журналлар орқали чор ҳукумати мустамлакасидан озод

---

[1] Беҳбудий М. Аъмолимиз ёмнки муродимиз. // Ойна. 1913. № 7. Б. 156.
[2] М.И. Под знаком ислама. // Новый Восток. 1923. № 4. С. 89.
[3] ЎзР МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1820-иш, 298-варақ.
[4] Ўша жойда, 298-299 варақлар.

бўлиш, миллий мустақилликка эришиш ғояларини тарғиб этган. «Тараққийпарварлар» фирқаси аъзолари жадидчилик йўлидан борган эдилар. Андижонлик Мирза-Аҳмад Қўшбегиевнинг ёзишига қараганда, «Тараққийпарварлар» фирқасининг бош ғояси ёш турклар тараққиётига таҳлид этишдир. Уларнинг режаси халққа сиёсий эркинлик бериш, рус ва маҳаллий маъмурият зулмидан халос этишга қаратилган озодликка чиқиш сиёсатни олиб борувчилар қилиб кўрсатишга интилишади»[1]. «Тараққийпарварлар» фирқаси, - деб ёзган эди андижонлик савдогар Хомидбек Лутфулла Қосимов махфий полицияга юборган маълумотномасида, – 1902-1903 йилларда «Падаркуш» номи остида маълум эди. Унда асосан ёшлар аъзо бўлиб, буларга Асадулла Хўжаев, Қўчқор Алибоев, Эргашхўжа ва Акбар Бойтурсуновлар раҳбарлик қилишган. Кейинчалик Мирали Умарбоев, Файзулло Шомирзинов, Шапиро, Чайкин кабилар фаол бўлди»[2]. Демак, жадидлар Туркистон ўлкаси марказий шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижонда сиёсий-маданий ташкилотлар тузиб, гуруҳлар, тўгараклар ташкил этиб, ёшларни ўз атрофларида бирлаштириб ҳаракат қилдилар. Тошкентда ёшларнинг фикрлари, ғоялари ва мақсадларини амалга ошириш, бир-бирлари билан фикр алмашиш борасида кечалари яширинча бирортасининг уйларида йиғилиб, суҳбатлар, мунозаралар ўтказиб турганлар. 1917 йилги Февраль инқилобига қадар бу йиғилишлар, архив ҳужжатлари маълумотларида ёзилишича, «Гап» номи билан ўлкада маълум эди. Тошкент шаҳрида кўплаб бўлиб турадиган бу «Гап»ларда сиёсий-маданий мавзуларда суҳбатлар, газета ва журналлардаги мақолалар муҳокама қилинар, очилаётган янги усул мактабларда битта умумий дастурни амалга ошириш ва даврнинг бошқа асосий муаммолари ҳал этиларди[3]. Тошкентда буларнинг раҳбари Мунавварқори Абдурашидхонов бўлиб, ўз атрофига маҳаллий зиёли ёшлардан Абдулла Авлоний, Асқаров, Шокиржон Раҳимов,

---

[1] ЎзР МДА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1968-иш, 13-варақ.
[2] Содиков Х. Туркистон уч инқилоб даврида. // Фан ва турмуш. 1990. № 2. Б. 19.
[3] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 2144-иш, 57-варақ.

Убайдулла Хўжаев ва ўша даврнинг бошқа тараққийпарварларини бирлаштирган эди. Жадидлар томонидан тузилган яширин ташкилотлар ва «Гап» номи билан бўладиган учрашувлар чор маъмурлари махфий хизматлари томонидан аниқланиб, таъқиб остига олинган эди. Чор ҳукумати бундай ташкилотлар ва учрашувлар ёшларга таъсир кўрсатишидан, натижада маҳаллий халк орасида норозилик ғояларн кучайиб, сиёсий ҳаракатларга айланиб кетишидан хавотирга тушган. Чунки, Туркистон ёшлари ичидан ажралиб чиққан тараққийпарвар-зиёлилар маърифатдан, маданий-сиёсий ғояларни тарғиб этишга ўтган эдилар. 1927 йилда Тошкент округ маданиятчилар курултойида Мунавварқори Абдурашидхонов ёшлар борасидаги жадидларнинг фаолиятига баҳо бериб, шундай деган эди: «Биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда дўконда ўлтуруб насия ёзадурғон ходимлар етказсак. Шу ишга ақлли одам шу баҳони беришдан у ёқ, бу ёқни мулоҳаза килсин. Жадид мактаби очишимизға сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганига таассуф билдира олмай ўта олмайман. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтдаги жадид мактабини битириб чиққон баъзи йигитларимиз ҳозир масъул ўринларда туради. Жадидлар чор ҳукуматини йиқитиб, Туркияга ёки Польшага ўхшаш бойлар ҳукумати ташкил қилади, деган назариялар ҳам йўқ эмас эди»[1]. Туркистон ёш зиёли-тараққийпарварларининг сиёсий-маданий ғояларини пайқаган чор маъмурлари буларнинг олдини олишга киришдилар. Натижада, Тошкентдаги «Гап» номли учрашув ва суҳбатлар фаолияти тўхтатилган[2]. Лекин шундай бўлса-да, қийинчиликлар ва оғир шароитларга қарамасдан, жадидлар ёшларни бирлаштиришга, ўз ғоя, мақсад ва вазифаларини ошириш учун ҳаракатларини кучайтирдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек: «Агар биз маданият ва иқтисод соҳаларида бошқа миллатларга қарам бўлишни истамасак, биз миллий судьялар, адвокатлар, ўқитувчилар, давлат арбоблари, инженер, саводли тижоратчиларни тайёрлашимиз зарур.

---

[1] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарк. 2001. Б. 74.
[2] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 2144-иш, 89-варак.

Улар савдо идоралари ва банкларда бизларга ёрдам беришлари, бизни манфаатларимиз, динимиз ҳимоячилари бўлмоқлари зарур. Бусиз бизни кунимиз саноқлангандир. Масала шундай экан, сиз ҳурматли ватандошлар, ўз фарзандларингизни дин ва миллатга хизмат қилмоқлари учун замонавий билимга ўргатишга ҳаракат қилишингиз зарур, миллат ва динга фақат билим ва маблағ билан хизмат қилиш мумкин»[1]. Чор маъмурлари жадидларнинг яширин ташкилотларини ёпиб, фаолиятларини тўхтатганлари сари, улар ўзларининг янги жамиятларини тузиб, ҳаракатларини давом эттирганлар. Чунончи, биринчи рус инқилобидан кейин Туркистонда ҳар хил сиёсий, маданий ташкилотлар ва жамиятлар кўплаб тузилиб, Туркистон ёшларини ўз атрофига бирлаштирган эди. Тошкентда ёш зиёли – тараққийпарварлар ўзларининг «Умид» номли жамиятини тузадилар. Бу жамиятга Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллахўжаев, Абдулла Авлонийлар бошчилик қилдилар. Бу жамият ўзининг китоб савдо дўконига эга бўлиб, ундан тушган маблағларни Тошкентда янги усул мактабларига ёрдам тарикасида беришар эди. Ҳатто бу жамият, Маҳмудхўжа Бехбудий бошчилигида чиқарилган «Самарқанд» газетаси ҳисобига ўз аъзоларидан 500 сўм (рубль – Д.Р.) йиғиб, Мунавварқори орқали Самарқандга жўнатганлар[2]. Шундай жамиятлардан яна бири 1910 йилда Тошкентда Саид Карим Саид Азимбоев бошчилигидаги «Ёрдам» номи билан тузилади[3]. Бу жамият ҳам Туркистондаги янги усул мактаблари, ёрдамга муҳтож болаларга кўмаклашиш, маҳаллий ёшларнинг маданий-маънавий жихатдан камол топиши, равнақ этиши, дунёвий билимлар эгаллашларини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Жадидлар вояга етган ёшлар Туркистон келажаги, равнақи учун курашчи бўлиб етишиши кераклигини уқтирдилар, ёшларни турли хил ёмон иллатлардан қайтаргиб, уларнинг оқибатлари соғлик ва ҳаёт учун ҳавфли бўлиши мумкин эканлиги хақида хабардор қилганлар[4], ҳар хил

---

[1] Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. / М.Хайруллаев таҳрири остида. - Т.: Ўзбекистон. 1995. Б. 225.
[2] Ўша жойда.
[3] ЎзР МҚА. 36-И-фонд, 1-рўйхат, 4982-иш, 89-варак.
[4] Қаранг: Ойна. 1913. № 52. Б. 1241-1243.

иллатлардан халос бўлишларини таъкидлаганлар[1]. Соғлом фарзандларни тарбиялаш учун ўқиб-ўрганиб илмли, маърифатли, энг асосийси ота-оналар ўз вақтида фарзандларининг замонавий фанларни эгаллашига ёрдам беришлари зарурлигини таъкидлаганлар. Мунавваркори Абдурашидхонов боланинг таълим ва тарбия олишида ота-онанинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритиб, ўз фарзандининг маърифатли бўлиши учун қўлларидан келгунча ҳаракат қиладиган зотлар мавжудлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, «Ҳар бир миллат авлодини тарбият ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидин келганича таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар»[2].

Жадидлар ота-оналар ўз фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиб, уларни мактаб ва мадрасаларга тайёрлаб беришларини таъкидлаганлар. Ёшлар мактаб ва мадрасаларда ўқиб, уларни тугатиб, ривожланган давлатларнинг ўқув юртларида билимларини ошириб, замонавий илмларни эгаллашлари кераклигини уқтирганлар. Бу ёшлар Туркистон равнақига, ривожига хизмат қилувчилар бўлиб, тарбияланиши учун жадидлар ғоявий кураш олиб борганлар. Архив ҳужжатларида ёзилишича, ёшлар фақатгина маълумот олиш билан чекланмасдан, аксинча, у ердаги кутубхоналар, китоб бойликларидан фойдаланиб, Туркистон миллий мактаблари учун дарсликлар тузиш, уларни мукаммаллаштириш ишлари билан ҳам шуғулланишлари шарт бўлган[3].

Адабиётларда ёзилишича, М. Беҳбудий Байрут олий ўқув юртлари ва дорилфунунида фаранг, олмон ва инглиз тилларида ўқитилиши, европалик олимларнинг у ерда дарс бериши, кимё лабораторияларининг борлиги, тиббиёт олий ўқув юртларида жарроҳлик хоналарининг борлигига ҳавас ва эътиқод қилган бўлиб, она-Туркистоннинг тараққиётдан нақадар орқада қолганини афсуслар билан ёзади[4]. Туркистондаги маориф тизимини ислоҳ

---

[1] Қаранг: Сидқий-Ажзий С. Жувонбозлик тараққийда. // Ойна. 1914. № 38. Б. 916-917.
[2] Тараққий. 1906. 14 июнь.
[3] ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 735-иш, 329-330-варақлар.
[4] Қаранг: Беҳбудий М. Саёҳат хотиралари. // Ойна. 1914. № 48. Б. 1145-1146.

қилишни асосий мақсад қилиб олган жадидлар ёшларнинг миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамликдан чиқиш муаммолари билан шуғулланадиган, замонавий билимларга эга кадрлар бўлиши кераклигини англаганлар. Шунинг учун ҳам улар дунёвий билимлар берадиган янги усул мактаблари оча бошлагандилар. Жадид мактабларида болаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилиши келажак авлодни саводли, билимли бўлиб тарбияланишига ижобий таъсир кўрсатарди. Демак, жадидчилик ҳаракатининг асосини маърифатпарварлик ғоялари ташкил этган. Улар маърифатпарварлик билан бир қаторда сиёсий ғояларни ҳам ёшлар орасида тарғиб этишга киришганлар. Ватан истиқлоли, мустақиллиги, озодлиги учун кураш ғояларини халққа сингдиришга интилиб, Туркистон халқларини бирлашишга чақирганлар. Шу мақсадда мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фикрича, ёшлар ва кекса авлод вакилларининг бирлашуви даркор бўлган. Ёш авлод ўзидаги шошқолоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларга суяниб иш кўриши ва мустаҳкам ирода намоён этиши керак эди. «Афсуски, - деб тан олади М. Беҳбудий, - ўзим тез ва шошилинч чора-тадбирлар кўриш тарафдори эдим, лекин ҳаммаси режа асосида амалга оширилиши ва кекса авлод ёшларни миллат равнақи йўлида меҳнат қилиб курашиш имкониятларидан маҳрум қилмаслиги керак»[1].

Жадидлар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисоблаганлар. «Улар биринчи навбатда халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида билимини оширишга киришдилар. Улар ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юборишни талаб этдилар»[2]. Жадидлар ўзлари етиштирган миллий кадрлар ёки комил инсон шаклланиши тимсолини ўз асар ва мақолаларида акс эттирдилар.

---

[1] Улуғ Туркистон. 1917. 12 июнь.
[2] Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. - Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. Б. 218-219.

Чўлпоннинг 1914 йили ёзган «Дўхтир Муҳаммадёр» хикоясидаги Муҳаммадёр тимсоли бунга мисолдир. У ўқишга жазм қилганидан озарбайжонлик қавмларнинг хайрия жамиятига мурожаат қилади ва унинг ёрдамида ўрта маълумот олади, кейин Петербургдаги тиббиёт дорилфунунини тугатади, Швейцарияда амалиёт ўтказади, Кавказда шифокор сифатида бир оз ишлаб, Ватани - Туркистонга юқори малакали, юксак маданиятли, айни пайтда, миллати, юрти учун қайғурадиган мутахассис бўлиб қайтади. Топган маблағларининг катта қисмини мактаблар учун, ёшларнинг маърифати учун ҳадя қилади. Ёшларнинг чет элда ўқиб келиб, ўз юртига фойдаси тегиши лозимлиги ҳақида Маҳмудхўжа Беҳбудий қуйидагича ёзган: «Тўю маъракаға сарф қилинатурғон оқча ила Кафказ, Қирим, Ўрунбурғ ва Қозонға усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур»[1]. Бу ғоя М. Беҳбудийнинг деярли ҳамма мақолаларида асосий бўлиб хизмат қилади. Маълумки, Мунавварқори Абдурашидхонов ҳам бу йўлда жонбозлик кўрсатган. Профессор Иброҳим Ёркин хотирлашича, у ўзининг «Жамияти хайрия» номли ёрдам ташкилоти «илк мактабларни битиргандан сўнгра Туркия, Ўринбурғ, Уфа ва Озарбайжонга яширин юборилган талабаларга ёрдам ишларини бошқарар эди. Мунавварқори талабаларга Туркия ва ёҳуд Идил-Урол ва Озарбайжоннинг янада юқори даражали таълим бериш имконини берадиган таълим муассасаларига кетиб, юқори маълумот олишларини ҳар фурсатда ташвиқ килар ва хорижда ўқишлари учун йўл кўрсатар ва айни замонда моддий имконлар яратишга ҳаракат қилар эди»[2].

Жадидлар яхши тарбия олган болаларни мактабда илмли ва одобли қилиб тарбиялаш ва ҳунарларга ўргатиш янада осонроқ кечишини таъкидлаганлар. Улар илм ва одобни кўпроқ дунёвий фанлар орқали ўрганишни уқтирганлар. «Ҳозирда биз туркистонликлар мундоғ олий таҳсил кўрган зиёликларға ўт ила сувға қандоғ эҳтиёжимиз бўлса, мазкурларға ҳам

[1] Беҳбудий М. Аъмолимиз ёхуд муродимиз. // Ойна. 1913. № 7. Б. 154.
[2] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарқ. 2001. Б. 108-109.

эҳтиёжимиз шундай зиёдадур. Хусусан, тижорат илмини ўқуб чиққанларға»[1], - деб жадидлар кўп ҳаракат қилганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий билимли ёшларнинг порлоқ келажаги ва шу билан боғлиқ Ватан тараққиёти ҳақида қайғуради. «Ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, бонка ва корхоналарға» мусулмон ёшлардан кўпроқ вакил ишлаши учун «ҳозирги замон ёшлариға хоҳ тижорат ва ҳукумат ва санъатхоналарга бўлсун, кириб вазифа олмоқға ва иш қилмоқға илми замоний деган нимарса лозим экан ва хар ким бақадар билгуси вазифа олур экан»[2]. Чунки ўсиб келаётган ёш, билимли, ҳунарли авлод Туркистоннинг мустақил ва озод бўлиши учун курашиши керак эди. Ҳаттоки, М. Беҳбудий порлоқ келажакни кўзлаб, аниқроғи, жамиятда туркистонликлар ўзи бошқарув лавозимларни эгаллаб, фаолият кўрсатиши учун, «Биз туркистонликларга она тилида ҳам, рус тилида ҳам, эркин сўзлай оладиган ва таҳрир қиладиган, шариатни биладиган ва жаҳон сиёсий шароитини тушунадиган кишилар дарҳол керак. Бундай хусусиятларга эга бўлмаган киши ҳеч қандай фойда келтирмайди»[3]. Бунинг учун ота-оналар ўз фарзандларини ўқишга қўйишлари, яхши тарбиялашлари кераклигини жадидлар уқтирганлар. Шу ўринда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қуйидаги сўзларини келтириш жоиздир: «Сиз, мухтарам жамоа, болаларингизни дин ва миллатға хизмат қилишлари учун замонавий билимларни ўргатишга ҳаракат қилишингиз керак, дин ва миллатга хизмат қилиш эса фақат билим ва пул билан бўлиши мумкин»[4].

Жадидлар маҳаллий аҳолини, айниқса ёшларни билимли, маърифатли бўлишлари учун ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан курашганлар. Жадидлар Тошкентда «Туркистон», «Мактаб» номи билан китоб дўконлари ва қироатхоналар очиб, уларда маҳаллий халқларнинг маданий-маънавий равнақи, ёшларнинг бирлашишлари юзасида чиқарилган китобларни, янги усулдаги мактаблар учун дарсликларни ўқув ўрганишга ва сотувга

---

[1] Садои Фарғона. 1915. 20 март.
[2] Беҳбудий М. Ёшларга мурожаат. // Ойна. 1914. № 21. Б. 391.
[3] Беҳбудий М. Марказий Шўромизда. // Ҳуррият. 1917. 3 июль.
[4] Беҳбудий М. Бизга ислоҳ керак. // Нажот. 1917. 17 апр.

қўйганлар[1]. Шу билан биргаликда дўкон ичида қироатхона-кутубхоналар ҳам ташкил этганлар. Мисол учун, 1908 йилда Самарқандда ташкил этилган кутубхона-қироатхона «Исмоил» номи билан аталган[2]. Шу каби кутубхона, қироатхоналар «мусулмонларнинг чойхоналардаги бекор ўтириш ва фойдасиз сафсаталари ўрнига бўш вақтларини газет ва журналларни ўқишга сарфлашга хизмат» қилар эди[3].

Туркистон ёшларини ўзида бирлаштирган жамиятлардан бирини миллий зиёлилар - жадидлар Қўқонда «Ғайрат» номи билан тузадилар[4]. Бу жамият ўз фаолиятида Қўқонда китоб дўконлари, қироатхоналар очиш, янги усулдаги мактабларга ёрдам кўрсатиш билан бирга миллий матбуот саҳифаларида чиқарилган мақола ва шеърларни маҳаллий аҳолига етказиш, унинг таъсирида маҳаллий ёшларни мустақиллик, истиқлол ғоялари остида кураш йўлида бирлаштиришга чақирганлар. Улар ўз ҳаракатларида маҳаллий халқнинг ижтимоий-маданий равнақига, ривожланишига сидқидилдан интилдилар ва кураш олиб бордилар. Жадидлар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Россия қонунлари имкон берган даражада Туркистон мусулмонларининг шаъну шарафини ҳимоя қилдилар, инқилоб йилларида эса мустақиллик байроғини баланд кўтардилар[5]. Жадидлар Бухорода «Маърифат» жамияти тузиб, Бухоро ёшларини ўзида бирлаштириб, маҳаллий халқларни маданий-маънавий қолоқликдан олиб чиқиш ва уларнинг ижтимоий равнақи учун ҳаракат қилдилар[6]. Бу жамиятнинг бошқарувчилари Абдурауф Фитрат, Мирза Абдул-Воҳид Қоровул-Беги ва Низомиддин Собировлар эди.

Жадидлар томонидан ташкил этилган ва бошқарилган шу каби жамиятларнинг вазифаси ва аҳамиятини Маҳмудхўжа Беҳбудий аниқ

---

[1] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 2144-иш, 50-варақ.
[2] Ўша жойда, 51-варақ.
[3] ЎзР МДА, 1-И-фонд, 4-рўйхат, 1316-иш, 42-орқа варақ.
[4] Ўша жойда, 1764-иш, 80-варақ.
[5] Қосимов Б. Беҳбудийнинг қабри қаерда. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994, 30 сент.
[6] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 1919-иш, 28-варақ.

ифодалаб берди: «Бу жамиятлар халқдан оқча жамлаб миллат болаларини ўқутиш ва миллатни оянда си учун керак бўлатурғон қози, яъни судья, закунчи, яъни ҳуқуқшунос, инженер, яъни муҳандис, муаллим, яъни замона мактабдорлари, миллатни ҳомийси ва ходими, яъни Давлат Думасиға депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳ ва иҳё эттувчи, яъни техник, тижоратхона ва бонкаларда бизга ёрдам бергувчи, яъни тижорат илмини ўқуғон коммирсант, шаҳар думахоналариға бизни тарафдан кириб ва сайланиб, биз учун.., фуқаро учун ишлайдурғон одамларни етушдурмоқ керакдур»[1].

Жадидлар вақтли матбуот саҳифаларида ҳам маҳаллий ёшларни бирлашишга, халқнинг маданий-маънавий равнақи учун курашишга ўз мақолалари, шеърлари билан чиқишлар қиладилар. «Шуҳрат» газетасининг 1908 йил 16 январ 6-сонида Мунавварқори Абдурашидхонов «Тошкент 16 январда. Ҳозирги даврнинг ўзгаришига қараш» номли мақоласида мусулмонларни маданиятга, маънавиятга чорлаб, ҳозирги вақтда бу соҳада бошқа халқлардан орқада қолаётганлигимизни уқтирган эди[2]. «Бу ишлар жаҳолатдан, ғафлатдан, илмсизликдан», - деб давом эттиради унинг фикрини Ҳамза[3]. Мустақилликка, озодликка, истиқлолга эришиш учун ёшларнинг билимли бўлишлари, замонавий илмларни эгаллашлари ва умуман, халқ маданияти, маънавияти равнаки учун курашиши кераклигини билдиради.

Жадидлар матбуотга, ҳар хилдаги ижтимоий-маданий жамиятларга, хайрия жамиятларига, театр гуруҳларига элни ғафлат уйқусидан уйғотувчи, ёшларни келажакка чорловчи буюк кучлар, маданият ва маърифатга чорловчи қудратли восита, ҳақиқат кўзгуси деб қарадилар. Улар жамият ишларига халқни, асосан ёшларнинг меҳрини уйғотиб, унинг тараққиётига халақит берган иллатларни, зарарли урф-одатларни рўйи-рост очиб ташладилар.

---

[1] Беҳбудий М. Аъмолимиз ёинки муродимиз. // Ойна. 1913. № 7. Б. 155.
[2] ЎзР МДА, I-фонд, 4-рўйхат, 1216-иш, 6-варақ.
[3] Ҳамза Ҳ.Н. Тўла асарлар тўплами Т.III. - Т., 1989. Б. 27.

Жадидлар миллий маданиятни ривожлантириш йўлида XX аср бошида ҳам астойдил ҳаракат қилдилар. Ғарб типидаги ўзбек миллий театрининг тузилиши учун қилинган ҳаракатларда жадидларнинг роли катта бўлди. «Туркистон вилоятининг газетаси»да ёзилишича, «...тез фурсатда Тошкент шаҳрида театр, яъни мақлид ўйинини ўйнайдурғон мусулмон жамияти очилур эмиш. Ул мусулмон забонида биринчи маротиба ўйнайдурғон театрларида эгаси ва ҳам хизматкори деган номлик мақлидни ўйнар экан... Мусулмонлар театр жамияти келадурғон вақтларда тараққий қилиб ривож топса, ажаб эмас»[1]. Миллий театр ғояси 10-йилларнинг ўрталарига келиб, бутун Туркистон шаҳарларидаги зиёли-ёшларнинг фикри-ёдини қамраб олди. Миллатнинг нажотини маърифатда кўрган жадид тараққийпарварлари ўз қарашларининг кенг миқёс касб этишида, халқ ўртасида оммалашиб, уларнинг «басират кўзлари» очилишида театрнинг беназир аҳамиятини тобора чуқурроқ ҳис этмоқда эдилар[2]. Демак, жадидларнинг XX аср бошларидаги маданий ривожланишда театр группалари тузиш ҳақидаги орзулари аста-секинлик билан реал воқеликка айлана борганини билишимиз мумкин.

Туркистонда биринчи марта ўзбек ҳаваскорлари драматик труппаси Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан тузилганлиги маълум. Труппа унинг «Падаркуш» пьесасини саҳналаштирди[3]. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу пьесани 1911 йилда ёзади ва уни Бухорода чиқиб турган жадидларнинг «Турон» газетасида эълон қилади[4].

Бу асар уч пардали, тўрт кўринишли фожеа бўлиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий унда Туркистондаги қолоқ урф-одатлар, эски мадраса таълими, хурофот ва жаҳолатни, маҳаллий бойларнинг саводсизлигини ва ёшларнинг ўқимаганлигини танқид қилади. «Падаркуш» пьесаси 1914 йил 25 январда Самарқандда ҳаваскорлар томонидан саҳнага қўйилади. Унинг томошасига

---

[1] Туркистон вилоятининг газетаси. 1910. 28 янв.
[2] Ризаев Ш. Жадид драмаси. / Масъул муҳаррир Н. Каримов. - Т.: Шарқ. 1997. Б. 84.
[3] Самарқандда театр. // Ойна. 1913. № 10. Б. 234.
[4] Қаранг: Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчи Б. Қосимов. - Т.: Маънавият. 1997. 232 б.; Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ, 1997. 320 б.

кўплаб одамлар келган. 1913 йилда китоб ҳолида чоп этилган бу пьеса бутун Туркистон бўйлаб тарқалган эди. Бу асар таъсирида театрчиликка асос солинди. Архив ҳужжатларида маълумот берилишича, «Падаркуш» пьесаси Тошкентда биринчи марта 1914 йил 27 февралда Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев бошчилигида тузилган ҳаваскорлар группаси томонидан саҳнага қўйилди[1]. Натижада бу асар Туркистон ўлкаси шаҳарларида ҳам театр группалари ташкил топишига, миллий ўзбек театри шаклланиб ва ривож топишига ижобий таъсир кўрсатди.

Тошкентда 1913 йили Абдулла Авлоний бошчилигида «Турон»[2] номи билан труппа ўз фаолиятини бошлаган. Унинг асосий вазифаси пьесаларни саҳналаштириш, халққа томошалар кўрсатиш билан халқда миллий онгни шакллантириб, маърифатни кучайтиришдан иборат эди. Бу гуруҳ фаолияти натижасида тушган маблағларнинг бир қисмини Тошкентдаги янги усул мактаблари учун ажратар эди. Бу гуруҳ таркибида Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллахўжаев, Муҳаммад Пошшохўжаев, Тўлаган Хўжамеров (Тавалло) ва бошқа кўпгина янги усул мактаблари ўқитувчилари иштирок этганлар.

Жадидлар ривожланган давлат қуриш борасидаги ўз ғояларини амалга оширишда мутаассиблик, лоқайдлик, қолоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Улар вазифаларни амалга оширишда тараққийпарвар, билимли ёшларга таянганлар[3]. Демак, ўсиб келаётган ёшлар асосий куч ҳисобланган. Уларнинг оиладаги тарбияси эса алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Жадидлар болаларнинг одобсиз бўлишлари асосан, ота-онанинг бола тарбиясига эътиборсизлик билан қарашлари, айрим холларда, ота-оналарнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишларини кўрсатиб ўтганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасидаги воқеалар бунга яққол мисол бўла олади.

---

[1] ЎзР МДА, 461-И-фонд, 1-рўйхат, 2144-иш, 137-варақ.
[2] Ўша жойда. 137-138-варақлар.
[3] Алимова Д. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т.: 1999. Б. 51-52.

Туркистон ёшларини ўқитиш ва уларнинг оиладаги тарбиясини янада мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг фарзандларига бўлган эътиборларини янада кучайтириш жадидчилик намояндаларининг диққат марказида турган. Жадид намояндалари ёшларга мурожаат ҳам этиб, уларни олдинга интилишга, замонавий билимларни эгаллашга ва умуман, равнақ этишга чорлаганлар. Шу ўринда жадидларнинг ёшларга мурожаатига эътибор қилайлик: «Эй, ғайратлик ёшлар! Бир-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, миллат йўлида хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан ҳурмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва ғурур эмас... Муҳтарам ёшлар! Замон сизникидур. Сиз киромда бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. Балки бутун шаҳрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз. Бизнинг ҳаракатсизлигимиз биздан ҳурриятни кеткуриб, яна бошқаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз»[1].

Одобсиз ва ўқимаган болалар нафақат ота-она, балким жамият учун ҳам зарарли эканлигини улар алоҳида таъкидлаганлар. Шу ўринда «Падаркуш» пьесасидаги зиёлининг сўзларини келтириш ўринлидир: «Илм ва тарбиясиз болаларни(нг) оқибати шулдир. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидур. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлари беилмликдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ёмон ходисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо фармо бўлса керак. Бу ишларнинг йўқ бўлмоғига ўқумоқ ва ўқутмокдан бошқа илож йўқдур»[2].

«Падаркуш» пьесасининг саҳналаштирилиши ва қўйилиши муносабати билан қуйидагилар ёзилган: «Русия ҳукуматига тобе бўлганига

---

[1] Беҳбудий М. Муҳтарам самаркандийларга ходисона арз. // Ҳуррият. 1917. 13 май.
[2] Беҳбудий.М. Падаркуш ёхуд ўқумаган боланинг ҳоли. // Танланган асарлар. / Нашрга тайёрловчи: Б. Қосимов. - Т.: Маънавият. 1999. Б. 49-50.

300 йилдан кўпроқ бўлган татарлардин неча даража ортиқ деганда муболаға бўлмас. Бул тариқа тараққийға қадам қўйиб мақлид ўйунининг ниҳоятда ўхшатганликлари тараққийпарвар Мунавварқори ва Солижон Қори ва шуларга ўхшаш ёшларни саъи-тараддуд ва ҳаракатлари бирлан вужудга келганлиги кўринди. Ул мақлид ўйунида сартиялар ва татарлар шул даражада кўп бўлдики, кейин келган одамларга билет етмай қолиб, театр ичида ва тепаларида одамлар мурмокдек (чумоли - Д.Р.) қайнаб гурдилар. Сартиялар ҳам бул тариқа кўп бўлганликлари ва театрга ишқлари ва тараққийларин аломатин бўлиб, бул театр соат бирга қадар давом этди. Бу театрдин тушган акча Тошкент шаҳридаги жамияти имдодия (хайрия - Д.Р.) фойдасига берилар экан»[1].

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси жамоатчиликка, адабиётга кириб келаётган ёшларга ижобий таъсир кўрсатди, уларни келажакка илҳомлантирди. Бу асар таъсирида адабиётда Ҳожи Муйиннинг «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Қўкнори», Абдулла Бадрийнинг «Жувонмарг», «Бойвачча», «Аҳмоқ», Абдулла Авлонийнинг «Пинак», «Адвокатлик осонми», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» асарлари пайдо бўлган. Бу асарнинг таъсири шунчалик бўлдики, «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборғонимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», – деб қайд этади Абдулла Қодирий ўз таржимаи холида[2]. Жадид адабиёти равнақи натижасида 1910-1917 йилларда яратилган ўзбек драмаларининг сони 40 дан ошади.

1914-1915 йилларда Фарғона шаҳарлари бўйлаб гастролга чиққан «Турон» труппасининг мақсади, биринчи навбатда, маблағ топиб, моддий кийинчилик туфайли ёпилиб қолиши мумкин бўлган «Садои Туркистон» газетасини сақлаб қолиш бўлса, иккинчидан, водий ёшларига маърифий-маданий хизмат кўрсатиб, уларни ҳам театр ишларига, маданий равнақ этишга даъват килиш эди. Театр труппасининг гастроллари ҳақида

[1] Туркистон вилоятининг газетаси. 1914. 6 март.
[2] Қодирий А. Таржимаи хол. / «Кичик асарлар». - Т.: Бадиий адабиёт. 1969. Б. 206.

мунтазам хабарлар босиб турган «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарининг маълумот беришича, бу спектакларга ерли зиёлиларнинг якиндан ёрдам бераётганлари, Андижон, Қўқон, Хўжанд каби шаҳарларда айрим ёшлар кичикроқ ролларга ҳам жалб этилганлиги баён қилинади. Ўзбек маърифатпарварлари оврўпоча театр санъатидан баҳраманд бўлдилар ва уни маҳаллий халқ ҳамда келажак авлод учун ғоят керакли тарбия ўчоғи деб қарадилар. Демак, М. Беҳбудий, А. Авлоний, А. Қодирий, Х. Муйин, А. Бадрий, Ҳамза, А. Чўлпон, А. Фитрат, С. Ажзий, Тавалло каби театр, маданият ва маънавият арбоблари етилган ва ижод қилганлигини билишимиз мумкин. Халқ фидоийлари мустақиллик, истиклол, миллатнинг равнақи, ривожланишини, ёшларнинг бирлашиб, илм олиб, келажакка интилишларини ўз асарлари, мақолалари, шеърлари ва театрлари орқали халққа етказдилар ва маҳаллий ёшларнинг онгида янги замонавий фикрларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйнадилар.

Театрдан бирламчи мақсад янги, ғоят таъсирчан санъат тури билан миллатнинг маърифий-маданий савиясини кўтариш, илм ва ўқимоққа даъват этиш бўлса, иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, театр томошалари воситасида муайян маблағ топиб, янги усул мактаблари, бошқа хил ўқув юртлари, хайрия жамиятлари, матбуот ва бошқа маданий ишларга моддий ёрдам кўрсатиш эди. Ўша давр газета ва журнали саҳифаларида жадид зиёлилар ташкил этган қайси бир театр ёки кечалар ҳақида босилган хабарларнинг барчасида бу тадбирлар маърифий-маданий муассасалар очиш ёки бўлмаса, уларнинг моддий таълимотини яхшилашга қаратилганини англаш мумкин.

Каттақўрғонда маҳаллий ёшлар «Падаркуш»ни бир неча марта саҳнага қўйдилар. Улар тўпланган маблағни қироатхона ташкил қилишда ишлатиш ниятида эдилар. Бухоро шаҳрида эса қўйилган спектаклдан тушадиган фойдани фақир «устудентлар»га тарқатиш назарда тутилган эди.

Театр томошаси ёш зиёлилар наздида фақат маблағ топиш воситаси бўлмай, биринчи навбатда, миллат маданияти ва санъатининг тараққиёти учун, халқнинг умуммаърифий савияси юксалмоғи, ижтимоий онги ривож

топмоғи учун буюк аҳамиятга лойиқ эди. А. Авлоний ўз «Таржимаи ҳоли»да «бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди», деб бежиз айтмаган[1].

Маҳмудхўжа Беҳбудий театрни миллат истиқболи йўлида энг таъсирли, оммавий қуроллардан бири деб тушунди, «Тараққий қилмоқни энг биринчи сабаб ва боислардан бири театрлардур», деб давом эттиради у. Унинг маънавий аҳамиятидан ташқари, моддий манфаатини таъкидлаб, бу манфаат миллат, халқ манфаатларига хизмат қилмоғи кераклигини уқтирди[2]. Франция ёки Италиядек давлатларда 65-66 минг аҳолига биттадан театр тўғри келиб, жами 596 ва 544 саҳна жамоалари бўлгани ҳолда, Туркистонда миллионлаб аҳолига икки-уч миллий театрнинг мавжудлиги ва улар ҳам янги-янги миллий асарлар билан тўлақонли изга тушиб кета олмаётганлиги ҳақида» ёзади[3].

Жадидларнинг Октябрь тўнтаришига қадар яратган асарлари ҳаётнинг муҳим, асосий муаммоларини ўз ичига қамраб олган эди. Жадид драмалари мазмун жиҳатидан чуқур, бадиий жиҳатдан ғоят мустаҳкам яратилар эди. Жадид адабиёти ҳаёт ҳақиқатларини очиқ-ойдин кўрсатиб, ҳаётий ҳодисаларни чуқур очар, жамият ҳодисалари моҳиятини кўрсатар эди. Жадидлар ўз асарларида «замонавий, маиший-маърифий муаммолардан то ижтимоий-сиёсий масалаларигача қамраб олдилар. Шу маънода миллий драматургиямизнинг 10-йиллар сўнгидаги улкан воқеаларга қадар кечган шаклланиш жараёнларини кузатиш, тадқиқ этиш давр ижтимоий-маданий ва адабий ҳаёти манзараларини тўлароқ тасаввур этиш учун имкон беради»[4].

Туркистон ўлкаси 1913 йилдан бошлаб, 3-4 йил оралиғида оврўпоча театр маданияти шаклланиб тараққий топа бошлаган илғор Шарқ мамлакатларидан бирига айланиб бормоқда эди. Бу жараён миллий жадид

---

[1] Авлоний А. Таржимаи ҳолим. // Танланган асарлар. Т.2. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 289.
[2] Беҳбудий М. Театр ҳадур. // Ойна. 1914. № 29. Б. 550.
[3] Қаранг: Беҳбудий М. Турли мамлакатларда театрлар. // Ойна. 1914. № 23. Б. 256.
[4] Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ,1997. Б. 99-100.

зиёлиларининг саъй-ҳаракатлари натижаси бўлиб, халқимизнинг маърифий савияси юксалиб борганидан далолатдир.

Туркистон жадидчилигининг маданий-маънавий ҳаётидаги энг муҳим самараларидан бири Туркистон янги адабиётининг майдонга келиши бўлди. Унинг ғоялари XIX асрнинг охирларидан бошланган, XX асрнинг бошларида шиддат билан юксакликка кўтарилган. 20-йилларда кенг оммани ҳаёт-мамот курашига бошлаб кирган миллий уйғонишнинг, миллий озодлик ҳаракатларининг мафкураси бўлиб хизмат килди»[1]. Унинг шаклланишида жадидларнинг дунёга чиқишлари, хусусан, ислом дунёси билан алоқаларнинг йўлга қўйилиши, биринчи навбатда, Россия мусулмонларининг ўзаро ҳамкорликка, бирликка интилишлари, ниҳоят, матбуотнинг майдонга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жадидлар ўз адабиётида маданий-маънавий ва маърифатпарварлик ғояларини Туркистон халқларига етказишда ҳар хил дарсликлар, ҳикоялар, тўпламлар, шеърлардан фойдаландилан. Чунки жадидлар ёшларнинг ва умуман, аҳолининг ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий воқеаларда иштирок этишлари, ўз хизматлари билан қатнашишлари учун тинимсиз курашдилар. Махмудхўжа Беҳбудий билан бир қаторда Туркистоннинг бошқа жадидлари ўзларининг фаолиятларида мусулмонларни, умуман, ёшларни олдинга интилишлари, ривожланишлари, миллий онгининг ўсиши учун тинимсиз кураш олиб борганлар.

Драматургия билан бирга публицистик, реалистик проза, шеърият майдонга келиб равнақ топган. Ёшлар масаласи Туркистон жадидчилигининг диққат марказида эди. Ўша давр матбуотида ёшлар тарбияси масаласига алоҳида аҳамият берилар эди. Газеталар ўз саҳифаларида болалар тарбиясига, уларнинг одобли, ахлоқли, илмли, маданиятли бўлиб

---

[1] Қосимов Б. Жадидчилик ва янги ўзбек адабиёти. // «Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухторият чилик, истиклолчилик)». - Т., 2001. Б. 66.

етишишларига бағишланган шеърларни, публицистик мақолаларни, бадиий лавҳаларни, ҳикоя ва қиссаларни узлуксиз чоп этиб борди[1].

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатида асосий эътибор ёшларни билимли, маърифатли ва ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш асосий ўринда турган. Болани яхши фазилатларга эга қилиб етиштириш ҳам, унинг ёмон феъл-атворли бўлиши ҳам кўп жиҳатдан оила тарбиясига боғлиқлигини таъкидлаш зарурдир. Чунки «ҳар кимсанинг келаси кунги умиди ёш боласига боғлиқ бўлганидек, бутун халқнинг умиди ҳам ёш болаларга боғликдир»[2], - деб аниқлайди масалани С.Айний. Миллатимизнинг етук намояндалари таржимаи ҳолларига назар ташлаб, тадқиқотчи Н. Мустафоева уларнинг кўплари, масалан, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий онаси Ойшабибидан, Мунаввар қори Абдурашидхонов онаси Бибижондан, Исҳоқхон Ибрат онаси Ҳурибибидан биринчи тарбияни, илк илм-сабоқ сирларини ўрганиб, келгусида миллати, юрти учун жонкуяр инсонлар бўлиб етишганлар, - деб хулоса чиқаради[3].

Жадидларнинг фикрича, ёшлар кишиларга меҳру муҳаббат қўйиш, иззат, ҳурмат билан муомала қилиши керак. Ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш даставвал болаларнинг ота-онасига бўлган табиий муҳаббат тўйғуларини ҳар томонлама ривожлантиришдан бошланиши керак. Жадидлар болаларни ўз ота-онасига меҳрибон бўлиш, уларни қадрлаш ва самимий ҳурмат қилишга чақирганлар. Умуман, улар болалар томонидан ота-онани ҳурмат қилишни оддий насиҳат йўли билан эмас, балки болаларнинг туйғу ва ҳаяжонларига таъсир йўли билан тарбиялашни таъкидлайдилар. Шу билан бирга боланинг ақлий ривожи, ирода, характер

---

[1] Беҳбудий М. Таҳсил ойи. // Самарқанд. 1913. 3 сент.; Ёшларга мурожаат. // Ойна. 1914. № 2; Бизга ислоҳ керак. // Нажот. 1917. 13 июль; Самаркандда миллий ишлар ҳақида. // Ҳуррият. 1917. 23 июль; Авлоний А. Шоир ила тўти. // Садои Туркистон. 1917. № 4; Эй, дўст. // Ўша жойда. № 7; Жоҳил тилинчак. // Ўша жойда. № 50; Сўфизода М. Ўкувчилар, оналар. // Ўша жойда. № 10; Тавалло. Тараққий. // Ўша жойда. № 34; Ҳамза. Аҳволимиз. // Ўша жойда. № 9; Туркистоний М. Жаҳолат меваси. Ўша жойда. № 30; Чўлпон А. Дўхтур Муҳаммадёр. // Ўша жойда; Музаффарзода Р. Онг умидлари. // Ўша жойда. № 57.

[2] С. Айний ҳаёти ва ижоди (тузувчи - муаллиф М. Ҳасаний). - Т.:Ўқитувчи. 1994. Б. 21.

[3] Мустафоева Н. Туркистон миллий зиёлиларининг қарашларида аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни масалалари. // Узбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва Гендер муаммолари мавзусидаги илмий амалий конф. маърузалари тўплами. - Т., 1999. Б. 42.

ва умуман маънавий фазилатлари тарбия орқали шаклланишини уқтирганлар. А. Фитрат бу тарбияни ахлоқий тарбия деб атайди. Унинг фикрича, «Ахлоқий тарбия – одам ахлоқини камолга етказиш демакдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин. Бошқача айтганда, одамнинг феълу хўйи ва ҳаракатида яхши фазилатларни тарбиялаш демакдир»[1].

Ёш авлоднинг мактабдаги тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан қараш керак, деган ғояга ҳам жадидлар алоҳида эътибор берганлар. Чунки, жадидлар ёш авлодни озодлик, истиқлол, мустақиллик учун курашчилар, Ватаннинг келажаги, равнақи деб қарайдилар. Шунинг учун ҳам улар болалар ва Ватан тақдири масаласига алоҳида эътибор берадилар. Шуни таъкидлаш керакки, жадидлар ўз мактаблари орқали ёш авлодга фақат миллий руҳнигина эмас, балки умуминсоний қадрият, байналминаллик, Ватан равнақи, гўзаллигини ҳам сингдиришга ҳаракат қилганлар. Улар болалар, ёшлар тарбияси учун биргина мактаб эмас, балки уларнинг ўзлари мустақил равишда замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётдан огоҳ бўлмоқ кераклигини тадбиқ этганлар. Чунки Туркистон мустамлака тузуми остида мустақиллик, истиқлол, озодлик учун нажот кутиб турган. Бунда Мунавваркори Абдурашидхоновнинг ёшларга қарата айтган сўзларини келтириш ўринлидир:

Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб, сендан иш кутадир.
Сендан кўргач ишсизликни ҳасрат чекиб қон ютадир.
Тур ўрнингдан, оч кўзингни
Айт ёвингга сўнг сўзингни[2].

Жадидлар Ватаннинг келажаги бўлмиш болаларнинг, ёшларнинг аввалambор, мактабгача оиладаги тарбиясига алоҳида эътибор берилиши кераклигини уқтирганлар. Мактабларда ҳам болалар ва ёшлар тарбияси

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. / Масъул муҳаррир Д.А.Алимова; Тарж. Ш. Воҳидов. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 83-84.
[2] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Ялқовлик ёвимиздир. // Хотираларимдан. - Т.: Шарқ. 2001. Б. 97-98.

билан жиддий шуғулланишга алоҳида эътибор берганлар. Абдурауф Фитрат ёзганидек, ақлий ва ахлоқий тарбиянинг энг муҳим ва энг мушкул вазифалари мактаб ва муаллимлар зиммаларига тушади[1]. Ҳар бир жадид намояндаси Туркистон фарзандларининг таълим-тарбияси, ахлоқий тарбияси учун қайғурган. Вақтли матбуот саҳифаларида мақола ва шеърларини эълон қилиб турганлар. Болалар ва ёшларнинг таълим-тарбияси бутун Туркистон халқлари муаммоси эканлигини уқтирганлар. Мунаввар Қори болалар қалбини маънавият ва нафосат ҳамда гўзал ҳис-туйғу, меҳр-оқибат билан тўлғизиш йўлида катта ишларни амалга оширади, ижодий меҳнат қилади. Унинг «Куз» ва «Қиш» номли шеърлари бу ўринда диққатга сазовордир[2].

Жадидлар чор ҳукумати мустамлакачилиги даврида болалар, ёшлар учун зарарли бўлган иллатларни танқид остига олганлар. Мисол учун, Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқандда руслар томонидан очилган пиво дўконларини қаттиқ танқид остига олади. Унинг фикрича, бундай дўконлар масжид ва мадрасаларнинг яқинида бўлиб, болаларга салбий таъсир кўрсатишини таъкидлайди. М. Бехбудий барчани келажак авлодни соғлом ўстиришга чорлайди. Соғлом, ақлли, билимли фарзандларимиз ўсиб, улғайиб, ўқиб, илм эгаллаб, Туркистонга хизмат қилувчи шифокор, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа замонавий мутахассислар бўлиб етишиб чиқишини орзу қилади[3].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жадидчилик Туркистон ёшларининг миллий, маданий, ижтимоий уйғонишида ва равнақида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жадидлар ўз мақола ва асарларида Замоннинг долзарб масалаларини, ҳаётнинг муаммоларини ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий йўл билан ечиш йўлларини кўрсатганлар, ёшларни ўқишга, билим олиш ва ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, маданий-маънавий савиясини юксалтиришга чорлайдилар, жаҳон тараққиёти ютуқларини Туркистонга олиб келиш истагида улардан Ватан учун хизмат қиладиган

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 92.
[2] Қаранг: Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Куз. Қиш. // Хотираларимдан. - Т., 2001. Б. 95-96.
[3] Қаранг: Беҳбудий. М. Эҳтиёжи милат. // Самарқанд.1913. 12 июль.

етук олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, улар юртни обод, фаровон этишларига ишонганлар. Чунки жадидларнинг ўзлари ҳам ёш бўлганликлари учун маҳаллий ёшларнинг муаммолари, фикр-ғоялари турли воқеаларга муносабати уларга жуда яқин ва тушунарли эди. Шунинг учун барча маҳаллий ёшларни бирлаштириш учун жадидлар турли хайрия ва ёрдам уюшмалари, сиёсий ташкилотларни уюштирдилар, театр труппаларини ташкил қилдилар. Жадидлар фаолиятида маданиятга, маърифатпарварликка, янгиликка, тараққиётга интилиш, ёшларни, бутун халқ оммасини шунга даъват этиш ғоялари уларнинг умрлари охиригача етакчи фикр бўлиб қолди. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам улар ўз қарашларини ўзгартирмадилар. Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий фаолиятларини таҳлил қилиб ва уларнинг аср бошидаги ғоявий қарашларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз ўринлики, жадидлар Туркистон халқларини саводсизлик, қуллик, қашшоқликдан, чор ҳукумати мустамлакачилигидан қутқаришга бел боғлаганлар ва шу йўлда ёшлар асосий куч бўлганлигини тушуниб, уларнинг онг-савиясини ошириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилганлар.

II - БОБ. ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ҒОЯВИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ

2. 1. Жадидларнинг ўлка иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида оиланинг ўрни ҳақидаги қарашлари

Оила, хотин-қизлар муаммоси умуминсоний қадриятлар, Шарқда жамиятнинг барча босқичларида ҳам уларнинг кишилар, эллар ва халқлар осойишталиги билан боғлиқлиги файласуфлар, адиблар ва бошқа олимлар томонидан қайд қилинган. «Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларни саклайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи»[1] деган фикрга асосан, чор Россияси мустамлакачилиги салбий оқибатлари ва эски тартиботларидан қутқариш йўлларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, гўзалликка доир, бадиий қарашларнинг ягона тизими сифатида юзага келган жадидчилик ҳаракати, шубҳасиз, аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил килган хотин-қизларга ўрта асрчилик муносабатларини ўзгартириш, уларни маърифатга ва илму-фанга жалб этиш, оила асосини тўғри қурмаслан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини замонавий тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмаслиги, охир-оқибатда миллат тақдири унинг хотин-қизларига, оилаларига боғлиқ эканлиги каби ғояларни илгари сурмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун, «Таржумон» газетасининг назарий мақолалари ёрдамида оврупоча билимлар ва оврўпоча фикрлаш тарзини тезроқ ва яхшироқ ўзлаштириб олган Туркистон жадидлари ўлкада ҳукм сурган турғунликнинг ва барча соҳалардаги қолоқликнинг бош сабабларидан бири жамиятдаги тенгсизликни деб

---

[1] Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон. 1998. Б. 400.

билдилар. Энг асосийси эса хотин-қизларнинг ачинарли аҳволи, ночор оила жамиятнинг асосий пойдевори бўлганлигини биринчилар қаторида сездилар ва унга бўлган салбий муносабатни ўзгартиришнинг амалий чора-тадбирларини қидириб топишга киришдилар. Оила, хотин-қизлар муаммосига ўлка жадидлари ёндашувининг ўзига хос ва фарқли томони шундаки, улар масалани халқларнинг аянчли аҳволи, уларнинг умумжаҳон жараёнларидан орқада қолиб кетганлиги, маҳаллий халқларнинг эрки, озодлиги, мустақиллиги, ҳурриятга интилиши иқтисодиёт ва маънавий ҳаётдаги турғунлик ва депсиниш ҳолатлари билан боғлади.

Оиланинг асоси бўлган аёлларнинг ҳуқуқини эрлар билан тенглаштириш, уларнинг маънавий-маърифий қиёфасини ўзгартиришни ўта зарурий вазифалар деб тушундилар.

Жумладан, XIX аср охири - XX аср бошларида яшаган ва ўзининг адолатпарварлик ғоялари билан машҳур бўлган Анбар Отин ўз ижодида аёлларнинг аҳволи, яшаш шароити, оила ва жамиятдаги ўрнини акс эттиришга ҳаракат қилган. Чунки ўрганилаётган даврда манбаларда ёзилишича, «бизда хотин-қизлар масаласи энг аянчлик бир масаладир. Ҳатто машруғ бўлган ҳуррият ва маориф ҳали булар орасиға кира олмасдан турадир; кирса ҳам жуда тор доирадагинадир. Бунга сабаб: умуман мусулмон дунёсини неча асрлар бўйича ўраб олган ҳурофат ва диниётга таассубдир, нодонликдир, онгсизликдир»[1]. Анбар Отиннинг шеърларида эса хотин-қизларнинг Ўз аёллик ҳуқуқини талаб қилишда, тиклашга интилишда, уни маънавий тубан кимсалардан ҳимоя қилишга уринишлари яққол кўринади. Маълумки, ўзининг инсонлик ҳақини таниган, тан олдирган кишигина ўзгалар ҳуқуқи учун курашишга қодир. Бу кураш «Аёллар сочи узун, ақли қисқа», «хотунлар мол каби сотилур» каби қолоқ фикрларни рад этиб ташлашда намоён бўлади. Анбар Отин аёллар учун ҳам яхши кунлар келишига ва уларнинг тақдири тўла ўзгаришига қаттиқ ишонарди. «Ул замонда барча халқ соҳибжамол бўлур. Ул вақтда қизлар илми дунёвий таҳсилига муссар бўлиб, урфон тахтида қарор топиб, эллар

[1] Саъдий А. Хотин-қизлар маорифи. // Туркистон. 1922. 7 окт.

ва улуғлар сафига доҳил бўлурлар, алар ғайрат ва меҳнатда эрларга ҳамфо ва ёвар бўлуб, обрў топиб, ҳурмат ва икромға сазовор бўлурлар», - деб ёзган[1]. А. Фитрат ҳам ўзининг «Мунозара» асарида бу ҳақда фикр юритиб, мударриснинг Туркистон аёллари таҳсил олиши «беҳуда ва аёлларнинг яратилишидаги ҳикмат таволуд ва таносул (туғиш ва насл қолдириш)дир» деган фикрига фарангининг унга карши фикр-мулоҳазаларини келтиради[2].

Ҳамза ҳам мударриснинг фикрларига ўхшаган миллатдаги иллатларни бирма-бир санаб, уларни шафқатсиз равишда танқид қилади: бу жаҳолат, диний таассубга берилиш, саводсизлик, ялқовлик, гиёҳвандлик, кайф-сафога берилиш, кўпхотинлик, аёлларни оёқ ости қилиш, тарқоқлик-бирлашмаслик, мутеълик ва ҳоказолар. Булар, унинг фикрича, «миллатни масхаралик бир ҳолга қўятурғон иллатлардир. Аёллар ҳам «маънавий кўзлари кўр. Бидъат балчиқларидан чиқа олмаслик даражада бўғизларигача ботган»[3], - дейди. Демак, бу масала миллат даражасигача кўтарилган бў либ, жадидлар бу борада ўз фикрларини билдирганлар. Буни манбалар ҳам тасдиқлайди. Уларнинг бирида аёл кишининг иши ҳаттоки халқ судида кўриб чиқилмаганлиги, чунки «у бу ишда умуман иштирок этмаган шахс» деб таъкидланади, наинки, у айнан ўзининг инсоний ҳуқукларини ҳимоя қилишда суддан мадад кутганлиги ҳақида маълумот берилган. «Барча эшонлар эр томонида эди. Уни (аёлни – Д.Р.) шариат ҳам, одат ҳам, халқ суди ҳам инсон сифатида қабул қилмади. Ҳаттоки, шу орқали маҳаллий аҳолининг аёлга нисбатан хайвондан ҳеч қандай фарқи бўлмаган ҳуқуқсиз зот сифатида карашлари келиб чиқади. Аёлда инсоний фазилатларни тан олмаслик – туземец (маҳаллий аҳоли – Д.Р.)ларнинг энг хунук шароитларидан бирини ташкил этади»[4]. Туркистон халқларининг маънавий ҳаётини ўрганган Иоганн Гаури ҳам буни тасдикламоқчи бўлиб, «Хотин билан ажрашиш жуда ҳам осон кечар эди. Бунинг учун эри фақатгина

---

[1] Раҳим Гулшан Мухиддин қизи. Абдурауф Фитрат ва жадид адабиёти (XX асрнинг 20-йилларга қадар). Филол. фанлари номзоди дис. - Т., 1999. Б. 53.
[2] Фитрат А. Хиндистонда бир фаранги ила бухоролик мударрисининг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. // Шарқ юлдузи. 1997. № 1. Б. 130.
[3] Ҳамза Ҳ.Н. Ийди қурбон. / Тўла асарлар тўплами: 5 томлик. Т. 4. - Т.: Фан. 1989. Б. 252.
[4] ЎзР МДА, 13-фонд, 13-рўйхат, 773-иш, 10-12-варақлар.

битта сўзни (талоқ - Д.Р.) айтса, бас. Хотинлар мерос ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдилар; улар хаттоки ўзлари ҳам марҳумнинг қариндошларига мерос сифатида бирор нарса каби олинар эдилар... Мусулмон аёлларининг ўзлари бу камситишларни унчалик сезмайдилар, улар ўзлари учун ҳеч қандай яхшилик кутмайдилар ва христиан аёлининг эркин ҳаёти улар учун юқори даражали ҳаёсиз деб кўринар эди»[1], - деб ёзади. «Туркестанские ведомости» газетасида «Мусулмон аёлининг аҳволи» номи билан босилган мақолада «Маҳаллий туземецлар қўлида мусулмон аёли олди-сотди ва айирбошлаш буюми сифатида хизмат килади» ва шунга асосли фактлар келтиради[2]. Архив ҳужжатларида ҳам шундай маълумотлар сақланган. Масалан, «Аёллар шаҳарликларнинг кирини ювиш билан шуғулланадилар»[3]. Шунга ўхшаш маълумотларни яна кўп учратиш мумкин[4]. «1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш Низоми» бўйича Туркистон хотин-қизлари адолат топиш имкониятидан маҳрум эдилар ва уларнинг тақдири айнан саводсиз, қўпол ва сотқин қози ва бийларнинг ихтиёри билан ҳал қилинар эди»[5], - деб ҳисоблайди М. Аюбжонова.

А. Фитрат ўзи яшаган даврдаги аёлларнинг турмуш тарзи, эр-хотинларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг аҳвол-руҳияти ҳақида куюпиб, қуйидагиларни ёзади: «Мамлакатимиздаги хотинлар ҳар дақиқада қанчадан-қанча таҳқир ва жафоларга дучор бЎлиб яшамоқдалар. Биз туркистонликлар ўз хотинларимизни одамият доирасидан ташқарида деб ўйлаймиз ва у бечораларга одамга килгандек муомала қилмаймиз. Хотинларимизни марҳаматга сазовор, инсофга лойиқ ва шафқатга ҳақли деб билмаймиз. Бизда хотинларни сўкиш фахр ва ғурур саналади, уриб майиб қилишни эса эркакчиликнинг фазилати деб биламиз. Гўё, Аллоҳ уларга ҳуқуқ, эътибор ва фикрлаш фазилатини бермагандек. Ҳатто бечора

---

[1] Гаури И. Ислам и его влияние на жизнь его последователей. / Пер. с нем. П. И. Хомутова. - Т., 1893. С. 192, 233.
[2] Наблюдатель. Положение мусульманки. // Турк. ведомости. 1911. 27 февр.
[3] ЎзР МДА, 1-фонд, 8-рўйхат, 157-иш, 26-варак.
[4] Қаранг: ЎзР МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 2152-иш, 2-3-варақлар, 2452, 2453-ишлар.
[5] Аюбджанова М. Женский вопрос в дореволюционном Туркестане. // Науч. тр. Ташк. ун-та. 1964. Вып. 254. С. 209.

хотинларимиз бахт ва саодатларидан батамом ноумид бўлиб, шундай хулосаларга келганларки, Аллоҳ одамзотнинг ҳамма фазилатларини эркакларга бериб, аёлларни уларнинг жабру зулмларига асир ва гирифтор қилган»[1].

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бу масалани четлаб ўтмаган ва ўзининг «Саёҳат хотиралари» асарида қуйидаги кузатишларни келтиради: «Парохудда бизнинг аёлларни(нг) аҳволи ниҳоятда қаттиқ таассуфликдир. Бу паранжи ила аёлларни судрамоқ ва аларни оёқлари остида ва парохуднинг энг ёмон жойларида сақламоқ, «думлари»га ўраттириб, парохуд нарвонидан йиқитмоқ гуноҳдир ҳамда аларни боиси кулфат ва азият касалликлари бўлур. Бу бечора оналаримизни бу ҳолат ила келтурмаса яхшидир»[2].

Ҳамза эса хотин-қизларнинг оғир қисматини тасвирлар экан, уларнинг зулмга, қафасга норозилигининг турли шаклларда намоён бўлишини кўрсатиб беради. «Заҳарли ҳаёт»даги Марям эшонга олтинчи хотин бўлишга қаршилик қилибгина қолмайди, балки эрк учун, миллат бахт-саодати учун ўлимга тайёр эканлигини амалда кўрсатади. «Орзу-ҳавас ўлса ўлсун, миллият, инсоният ўлмасун», дейди ва ўша заҳарли ҳаётдан қутулиш учун оғу ичади[3]. Бу ўша даврдаги ўзбек аёлларининг ҳуқуқсизликка қарши исёнининг бир кўриниши эди. Ҳамза Холисхоннинг оғир тақдири, севгисига етишиш йЎлидаги азоб-уқубатлари ва алданишларини кўрсатиш орқали ҳам унинг инсонлик ҳуқукини топтаган ўша мухитни - миллий турмушдаги типик иллатни фош қилади. «Майсаранинг иши»даги Майсара Марям, Холисхон, Жамилалар каби зулм, адолатсизликка қарши нофаол йўлни танламайди, аксинча, тадбирлар билан эзгулик душманларини шафқатсиз равишда жазолайди, уларни эл олдида шарманда қилади[4]. Демак, ўша даврда дастлабки вазифа шундан

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 2000. Б. 33.
[2] Беҳбудий М. Саёҳат хотиралари. // Ойна. 1914. № 48.
[3] Ҳамза Ҳ.Н. Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ курбонлари. // Мукаммал асарлар тўплами: 4 т. Т. 2. - Т.: Фан. 1980. Б. 167.
[4] Ҳамза Ҳ.Н. Майсаранинг иши. // Тўла асарлар тўплами: 5 т. Т. 4. - Т., 1988. Б. 10-318.

иборат эдики, Абдурахмон Саъдийнинг ёзиб қолдиришича, «Хотин-қизларимизга ҳеч бўлмаса энди машруғ ҳуқуқларини тамоман ўзларига қайтариб бермоқ масаласи, ошиғич ишланмоғи керак»[1] бўлиб қолди ва жадидларнинг ғояларида аёлларнинг оилада тутган ўрнини кўрсатиб, шу туфайли уларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаш каби масалалари илгари сурилди.

Жадидлар, фарзандлар тарбияси аёллар қўлида эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Мисол учун, бу ҳақда манбалардан қуйидагиларни билишимиз мумкин: «Агарда хотун киши тарбият топган, илмлик бўлса, фарзандини ҳам тарбият килиб тараккийлик одами киладур»[2]. Улар бу мураккаб шароит ва даврда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, муҳаббат билан оила қуриши каби умуминсоний муаммоларни кўтардилар. Исмоилбек Гаспринский ўзининг «Дору-р-роҳат» асарида оилада аёлларнинг очиқ юзлилик билан суҳбатга аралашгани, умуман, бу жойда аёллар билан эркаклар ўртасида Оврўпадагидек демократик муносабатларнинг ҳукм суришини ёзади. Чунки бу ерда никоҳ Туркистондагидек мажбурий эмас, балки муҳаббат асосида қурилади. Никоҳ низомининг ўзи ҳам одилона инсоний ҳуқуқлардан келиб чиқиб тузилган, - деб ҳисоблайди тадқиқотчи Г.Раҳимова[3]. «Туркистон вилоятининг газети» сонларидан бирида бу борада жадидларнинг фикрига ҳамоҳанг қуйидагича муносабат билдирилган: «Оллоҳ таборак ва таолонинг иродаси бўйинча қиз болалар балоғатга етиб қўлидин иш келадурган бўлгандин сўнгра эрга тегиб бир эркакнинг заифаси бўладур. То эрга теккунча ул қизлар ота-онасининг ва ёки бир бошқа тарбиятгирнинг тарбиясида бўлиб парвариш топадур. Мазкур тарбиятгирлар қиз балоғатга еткунча яхши тарбият қилиб ўзига таълук ишларни таълим бериб, андин сўнгра муносиб жой топилса ул қизни ризолиғи билан бериб, унинг умрининг борича тинч ва роҳатда бўлмоғига

---

[1] Саъдий А. Хотин-кизлар маорифи. // Туркистон. 1922. 7 окт.
[2] Айни С. Мусулмонлар ҳаёти. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1906. 16, 19 июль.
[3] Раҳимова Г. Жадидлар ва аёллар масаласи. // Адабий мерос. 1992. № 2 (59).

сабаб бўлсалар керак ва ҳеч бир зўрлик ва ҳам масхарадек қилмоқ лозим эмас»[1].

Муҳаббат ва садоқат, тенглик ва ҳурматга асосланган оила қуриш масаласи Иброҳим Давроннинг «Севиб хотун олмоқ мақсудимиз тақводин»[2] ёки Таваллонинг қуйидаги шеъри мисраларида ҳам ўз аксини топган:

«Ўқитгон сўнгра вергонда куёв тенгдошимиз улсун,

Иков ҳам илмлик: ёшликда бирдек ёшимиз улсун»[3].

Аммо айрим оилаларда шундай ҳам бўлар эдики, «ул расм шаръиятнинг қоидаларига ва ҳам мамлакатнинг низомларига мувофиқ эмас. Чунончи, қизларини ҳеч кўрмаган, билмаган ва танимаган одамга номзод қиладур ва ёки бешик керти деган расми бордурким, бешикда ётган норасида болалар учун қалин мол беришиб олишиб хаттоки берадурган ясовларини ҳам сўзлашиб қўядур. Қачонки болалар балоғатга етган вақтда аларнинг оталари сўзлашиб, куёв заифасига бориб келсин дейишади...», - деб вазиятни кўрсатади «Туркистон вилоятининг газети»[4]. Бу каби урф-одатларнинг зарарли томонини А. Фитрат кўрсатиб, улар яхши натижа бермаслигини айтади[5]. Абдулла Бадрий ҳам ўзи хоҳламаган одамга мажбуран эрга берилган қизнинг фожеали қисматини кўрсатиш орқали хотин-қизларнинг жамиятдаги ҳуқуқсизлиги муаммосини кўтарган. Ҳамза[6] ва Қодирий[7] ҳам мажбурий никох ва кўпхотинлик ҳодисаларини қоралаган эдилар.

Жадидларнинг матбуот органи бўлмиш «Садои Туркистон» газетасининг саҳифаларида шу муаммога муносабат билдирилган. Никоҳдан ўтаётган қиз ва йигитларнинг қўлларида уларнинг саломатликлари ва юқумли касалликлардан холи эканликларига доир шаҳодатномалари

---

[1] Туркистон вилоятининг газетаси. 1900. 24 март.
[2] Раҳимова Г. Иброҳим Давроннинг «Ашъори нисвон» тўплами ҳақида баъзи мулоҳазалар. // Адабий мерос. 1989. № 4. Б. 5-11.
[3] Тавалло. Қариндош ва ҳамшираларимиз-мазлума қизлар тилидан. // Равнақул ал-Ислом. Шеърлар мажмуаси. - Т., 1916. Б. 21.
[4] Туркистон вилоятининг газетаси. 1900. 24 март.
[5] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 2000. Б. 21.
[6] Ҳамза Ҳ.Н. Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари. // Мукаммал асарлар тўплами: 4 т. Т. 2. - Т.: Фан. 1980. Б. 163-164.
[7] Қодирий А. Бахтсиз куёв. // Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарк. 1997. Б. 173-194

бўлиши ва булар никоҳдан 15 кун аввал доктордан олинган бўлиши шарт. Агарда уйланаётган йигит ва қизнинг қўлларида ана шундай шаҳодатнома бўлмаса, имомнинг никоҳ ўқишга ҳақ-ҳуқуқи бўлмаслиги керак. Никоҳ фақат қиз ва йигитнинг розилиги ва иштирокида ўтиши, «никоҳга оид ҳар бир вазифа масжидларда халққа она тили ила имомлар ва воизлар тарафинда сўзланиши»[1], балоғатга етмаган қиз болаларга никоҳ ўқиган имомлар, бунга розилик берган ота-оналар жавобгарликка тортилиши лозимлиги ҳақида тўғри ва қимматли фикрлар билдирилади.

Туркистон жадидлари орасида оила масаласи билан шуғулланганлардан Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Ўзининг «Ҳифз-и сиҳат-и оила» («Оила соғлиғининг ҳимояси») мақоласида оиланинг аҳволи ва ёш авлоднинг келажаги кўпинча инсоннинг ўз соғлигига нисбатан муносабатига боғлиқдур, деб ҳисоблаган[2]. XX аср бошида М. Беҳбудий ўзининг кичик-кичик мақолаларида қайта-қайта оила, хотин-қизлар мавзусига мурожаат қилган[3].

XX аср Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндаси бухоролик жадид Абдурауф Фитрат оила масаласига алоҳида эътибор берган. Унинг 1915 йилда чоп қилинган «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» номли асарида тадқиқот қилинаётган масалада ўша давр учун мукаммал йўриқнома юзага келтирилди. Диний ва дунёвий илмлар билимдони бўлган Фитрат асар ёзиш орқали ўзини ҳуқуқшунос, социолог, педагог ва табиб сифатида намоён қилиб, оила қуриш заруратидан тортиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳатто гўдакларни тарбиялаш ва унда ёш оналарнинг ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги масалаларгача чуқур ёритиб берган. Ижтимоий омил сифатида оиланинг жамиятдаги, болаларнинг ижтимоий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор қилинган. Шу билан бирга

---

[1] Ёқубова С., Мақсудова М. Никоҳ ҳақида. // Садои Туркистон. 1914. 20 май.
[2] Беҳбудий М. Ҳифз-и сиҳат-и оила. // Ойна. 1914. №№ 47-52; 1915. № 1.
[3] Қаранг: Ойна. 1914. № 16. Б. 270-273; № 10. Б. 256-258; 1915. №16. Б. 463 ва б.

соғлом, комил инсоннинг шу халқ, миллат ва ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожининг муҳим омили эканлиги таъкидланган.

Абдурауф Фитрат фикрига кўра, жамиятнинг, давлатнинг нуфузи, шон-шуҳрати кўп жиҳатдан оиладаги ота-оналарнинг ўз фарзандларини вақтида уйлантириши, янги оилани юзага келтириши ва ёш авлоднинг тарбияси билан боғлиқ. А. Фитрат бу борада қуйидагиларни ёзади: «Қайси миллатнинг умумий саъй-ҳаракати ва амали кўп бўлса, куч-қудрати ва иззати ҳам шунча салмоқли ва буюк бўлади... Шундан келиб чиқиб, Оврўпо ҳукмдорлари ўз миллатларининг сонини кўпайтиришга ҳаракат киладилар. Оврўпо олими ўз халқининг нуфузига путур етса: «Эй! Мамлакатимиз шарафи ва эътибори қолмаяпти. Миллатимиз нест-нобуд бўлади. Шарафимизни, ватан ва миллатимизни ҳимоя қилиш учун арзанда фарзанд етиштиринглар», - дея дод солади[1]. Бу чақирик айнан ўша давр Туркистони учун долзарб эди.

А. Фитрат келажак авлодларнинг онгсиз, иродасиз, тарбиясиз, нодон ва жоҳил бўлмасликлари учун хотин-қизлар ўқимишли, соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясидан хабардор бўлишлари кераклигини зарур деб билади. У тарбияни жуда муҳим ижтимоий ҳодиса, жараён деб билади ва унда «Оиладаги мушкул вазифа гўдак таваллудидан сўнгги эр-хотин бўйнига тушадиган фарзанд тарбиясидир», деб уқтиради[2]. Умуман олганда, жадидларнинг оила масаласидаги қарашларида Фитратнинг «Биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади»[3] деган фикри асосий бўлиб хизмат қилади.

А. Фитратнинг оилада эр-хотиннинг қандай яшамоқлари хусусидаги фикр ва мулоҳазаларига назар ташлайдиган бўлсак, у онани оила тарбиясининг асосчиси, ҳаётга тадбиқ этувчиси, виждонли ва ахлоқли бўлишликнинг, яхши орзу-умидлар шаклланишининг ихтирочиси қилиб

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 2000. Б.13.
[2] Ўша жойда. Б.55.
[3] Ўша жойда. Б.34.

кўрсатиш билан бирга, эр билан хотин ўртасидаги муносабатнинг муҳаббат ва меҳрибонлик асосида бўлишлигига эришишни таклиф қилади, «эрнинг хотинига нисбатан қандай ҳуқуқи бўлса, хотиннинг ҳам эрига нисбатан шундай ҳуқуқи бор» дейиш орқали оила масаласида ўзининг оврўпоча илғор тафаккурга эга эканлигини кўрсаттан эди.

Умуман, ёшларни билимли, кенг дунёқарашли этиб тарбиялашда, жадидларнинг фикрича, оиланинг асосини тўғри қуришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам ёш авлодни тўлақонли, тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг равнақ этиш йўлларига тушириш мумкин эмасдир. Ватан, миллат тақдири охир-оқибатда оиланинг ҳолатига боғликдир. Мисол учун, А. Фитратнинг фикрича, «ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади»[1]. Шу билан бирга «агар роҳат орзуси ва ҳаёт кечириш фикрида бўлсак, агар «маданий ва бахтли миллатлар бизни одам қаторида билсин», - дея хохласак ва бизлар билан умумбашарий қоидалар асосида муомала қилишларини истасак, агар мусулмонларни хорликдан ва исломни эътиборсизликдан қутқармоқчи бўлсак.., энг аввало ислоҳ ва адолат билан тартибга солиниши лозим бўлган қоида, бу эр-хотиннинг муомалалари саналади»[2].

А. Фитратнинг тушунишича, болани тўлақонли камол топтириш учун унга жисмоний, ахлоқий ва маърифий тарбияларни ўз ичига олган кўп қиррали таълим-тарбия мажмуини сингдириш муҳимдир[3]. Фитрат боланинг руҳияти, ота-она ва фарзанд руҳиятларининг нисбати ва ўзаро боғланиши масалаларини билимдон руҳшунос-педагог олим сифатида тахлил қилади. «Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳини тарбиялаш лозим», - деб ёзади[4]. Болаларни ўзига ишонган, кучли,

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 8.
[2] Ўша жойда. Б.34.
[3] Ўша жойда. Б. 55-95.
[4] Ўша жойда. Б. 85.

топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз қадр қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқни, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак... Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмасликлари, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва хурсанд бўлишини қўллаб-қувватлаши керак», - дейди[1]. Тарбиянинг ҳар бир қисмини номлаган А.Фитрат меҳнатсеварлик ва билим олиш тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашади ва «...бу ишда уларга (болаларга - Д.Р.) чидам, ғайрат ва журьат этилишини, эртага бахтга эришгандан сўнг, бу бахт кечаги заҳмат натижасида юзага келганлигини тушунтиришлари лозим, шунда болалар бахт сиридан хабардор бўладилар», - деб ишонтиради[2].

Оилада эр-хотин фарзандларининг туғилган кунидан бошлаб ҳар томонлама тарбия беришни бирма-бир кўрсатиб ўтади. Чақалоқнинг туғилган кунидан бошлаб она сутининг берилишидан то мактаб вақтидаги тарбияларига алоҳида тўхталади. «Болаларингизни сузиш ва ўқ отишга ўргатинглар. Қиз фарзандларингиз тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланган яхши», дейилган ҳадисларда. Ўғил ва қиз болалар ўртасидаги тарбияда ҳам тафовут бор. Юқоридаги ҳадисдан хулоса ҳам шуки, ўғил фарзанднинг тарбиясига нисбатан киз фарзанднинг тарбияси бир мунча оғир ва мураккабдир. Зеро, «Аёл бир қўлида бешикни тебратса, бир қўлила дунёни тебратади». Жадидлар дунё ва бешикни оқиллик билан тебратувчи аёлни тарбиялаш эса ота-оналарнинг мураккаб бурчидир, деб ҳисоблаганлар. Ҳаттоки зардуштийликда ҳам қиз боланинг тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Зардушт таълимотича, ота-оналар ўз қизларини балоғат (15 ёш)га етгунча замонасининг барча ҳунарларини, мол боқишу рўзғор тутишни мукаммал ўргатиши, эътиқодда ботамкин, ахлоқда покиза қилиб тарбиялаши зарур. «Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга киришсинлар. Зероки улар ота-она манзилида бўлган

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 1998. Б.86.
[2] Ўша жойда. Б.87.

вақтларида ота хонадонини тартибга солиб, зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, болалар тарбияси билан, келажак насли таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади». Бу борада Гаспринскийнинг «Дору р-роҳат мусулмонлари» асарида мактабда қизларга уй-рўзғор идораси ҳамда оналик деган курслар очиш каби таклифларини эслаш жоиздир[1].

А. Фитратнинг «Оила» асарида оила қуриш заруратидан тортиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари каби кўплаб долзарб масалаларни атрофлича ёритган. Оиланинг жамиятдаги ўрни, болаларнинг ижтимоий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясига алоҳида аҳамият берилган. Унда ўртага қўйилган кўпгина оилавий масалалар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Жадидларнинг «оврўполашган» машҳур намояндаларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ чоризм маъмурларига ва уларнинг ўлкадаги сиёсатига нисбатан нафратли муносабатда бўлган, у ўзининг жуда узоқ давр жаҳолатга қарши, хотин-қизлар озодлиги, оилани ислоҳ қилиш учун кураш олиб борганлиги хусусида қуйидагича фикрда эди: «...Мен кўп вақтдан бери аёлларни анча тезроқ озод қилиш... йўлида турли хил усулларни қўллаш билан ишлаб келмоқдаман»[2]. Ўша давр газета ва журналларида Мунавварқорининг оила тўғрисидаги диний қадриятларни поймол қиладиган бидъат ва хурофотларни танқид қиладиган кўплаб мақолалари ҳам эълон қилинган[3]. У тариқатчиликни оилавий маърифат манбаи сифатида қарайдиган ислоҳотчи эди. Шу боис Мунавварқори маслакдошларини ҳам бидъатга қарши курашга чақирди, диннинг ижобий томонларини тарғиб қилишга ундади.

Маърифатпарвар жадидлар ўша даврнинг ўзига хос бир хислати - кўпхотинликка қарши чиқиб, бу муаммога ўз муносабатларини

---

[1] Раҳимова Г. Жадидлар ва аёллар масаласи. // Адабий мерос. 1992. № 2 (59).
[2] Мунавварқори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарқ. 2001. Б. 62.
[3] Мунавварқори Абдурашидхонов. Никоҳ тўғрисида. // Тараққий. 1906. 3 февр.; Бизни жаҳолат - жаҳл мураккаб. // Тараққий. 1906. 14 июнь ва б.

билдирганлар. Ваҳоланки, кўриб чиқилаётган даврда руҳонийларнинг сиёсий бирлашмаси сифатида юзага келган «Шўрои уламо» жамияти ғояларини тарғиб этувчи «Ал-изоҳ» журналининг бир мақоласида кўпхотинликни ёклаб, худо пайғамбарга кўпхотинликка рухсат берган, оддий мусулмонга тўртта хотин олишга рухсат этилган, бироқ улар ўртасида адолат ҳукмрон бўлиши лозим, деб ёзилган[1]. Исмоилбек Гаспринский каби айнан шу иллатни Мунавваркори жамият тараққиётига халакит бераётган нуқталардан бири деб билади ва уни умуммиллий муаммо даражасигача кўтаради. «...Бу замондан юз йилдан зиёдроқ мукаддам замондан бошлаб оҳиста-оҳиста миллат деворларининг ҳар тарафига раҳна пайдо бўлди. Мунга сабаб ...подшоҳ ва хонларимиз бўлса, миллатга қилган хизматлари танҳо хотин олмоқ... бўлди. Миллат нима ва шариат нима билмадилар. Шунинг учун миллат деворини(нг) раҳналари тобора зиёда бўлди»[2] деган Мунавваркорининг фикрига Ҳамза қўшилади ва

Эшонлар тўплаб олтун, олур йилда бир хотун,
Маишатда туну кун, йиғла, миллат, йиғлайлик, - деб ёзади[3].

Бу масалани «Туркистон вилоятининг газети» ҳам четлаб ўтмаган ва «...бул вактда бизнинг эрларимиз бизларга озодлик бермай маҳбус каторида тўрт девор ичида бизларни сақлайдурлар ва хоҳлаган вақтларида яхши кўрган хотунларни оладурлар ва неча мартаба никоҳ қиладурлар ва лекин бизларга доимо зулм кўрсатиб, бизлар аксар сил касалга мубтало бўлуб бе вакт умримиз тамом бўладур», - деб ёзади хотин-қизлар номидан[4]. Абдурауф Фитрат ҳам ўз замонасидаги кўпхотинликдан норози эканликларини билдириб, бир марта уйланиш етарли бўлади[5] ва «...кўпхотинлик, яъни иккита хотинга уйланиш бевафолик, адоват, вайроналик, фасоду зулм ва инсоф-сизликка олиб келиши маълум»[6], - деб

---

[1] Қаранг: Ал-Изоҳ. 1917. № 4.
[2] Ахмад С. Мунавваркори. // Шарқ юлдузи. 1992. № 5. Б.110.
[3] Ҳамза Ҳ.Н. Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси. Тўла асарлар тўплами. 5 т. Т. 2. - Т., 1988. Б. 19.
[4] Туркистон вилоятининг газетаси. 1908. 30 март.
[5] Фитрат А. Онла ёки онла бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 2000. Б. 20.
[6] Ўша жойда. Б.17.

ҳисоблайди. Бу ғоя аёл, оила, жамият масаласида жадид мафкураси олға сурган муҳим муаммолардан бири эди.

Жадидлар фарзандлар тарбияси аёллар қўлида эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Садриддин Айний бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирган эди: «Агарда хотун киши тарбият топган, илмлик бўлса, фарзандини ҳам тарбият қилиб тараққийлик олами қиладур»[1].

Бу тарбияда айниқса, болалар билан кўпроқ шуғулланадиган она ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда онанинг бола тарбиясига эътиборсизлик билан қараши фожеали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Ҳамза ҳам ўз ижодида кўрсатади:

«Кимнинг ўғли ёмон, йўқ ажаб,
Бўлгай анга ота-аноси сабаб»[2].

Келажак авлодни, фарзандларни тарбиялашда онага юклатиладиган масъулиятнинг нақадар юксаклиги, бу борада аёлнинг, онанинг тутган ўрни қай даражада муҳим эканлиги азал-азалдан тан олиниб, муносиб баҳо бериб келинган. Халқ мақолларидан бирида айтилишича: «Агар оилада ота тарбиясиз бўлса, фарзандларнинг бири, агар оилада она тарбиясиз бўлса, фарзандларнинг бари тарбиясиз бўлади». Шунинг ўзиданоқ, бола тарбиясида, яъни келажак авлодни шакллантиришда аёлнинг ўрни қай даражада катта аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди[3].

Жадидлар оила ва жамиятда ўқимишли аёлнинг ўрни ва мавқеи ўзгача эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда манбалардан қуйидагиларни билиш мумкин: «...хотунларни ўқитмоқ ва аларнинг оқилларин жило бермак ва эрлари бирла яхши муомалалар қилмоқ ва болаларини тарбият қилмоқ ва зиндакорчиликни яхши билмаклари хусусида таълим албатта зарурдир...»[4]. Умуман, жадидлар хотин-қизларнинг таълим олиши масалаларини ҳар томонлама тарғиб этдилар. Бу йўлда

---

[1] Айни С. Мусулмонлар хаёти. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1906. 16, 19 июль.
[2] Хамза Х.Н. Ўқиш китоби. Тўла асарлар тўплами: 5 т. Т.2. - Т.: Фан. 1988. Б. 357.
[3] Абдуллаева Д. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда аёлнинг роли. // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва Гендер муаммолари. Илмий амалий конф. маърузалари тўплами. - Т.: Фан. 1999. Б. 73.
[4] Бир мусулмон. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1912. 20 сент.

уларга нисбатан қилинган тўсқинликлар ҳам жадидларни тўхтата олмади. Маърифатпарварлар хаттоки чор Россияси манфаатларини ҳимоя киладиган вақтли матбуот сахифаларида ҳам ўлкадаги бу муаммо тўғрисида кўплаб чиқишлар килдилдар. Мисол учун, Садриддин Айний «...биз заифаларнинг умр гузаронлигимиз бебахийликдадур... ва яна бизларга илм ўкитмайдурлар ва бизларга мактаб йўкдур. Ота-оналаримиз ўйламайдурларки хар бир халқнинг саломатлиги хотунлар қўлидадур. Агарда хотун киши тарбият топган, илмлик бўлса, фарзандини ҳам тарбият қилиб тараққийлик одами киладур»[1], - деган фикрни билдиради.

1907-1914 йилларда «Туркистон вилояти газети»да миллатпарварлар ёки тараққийпарварлар номидан эълон қилинган қатор мақолаларда («Мусулмонлар ҳаёти», «Туркистон хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида», «Мусулмонларнинг ҳуқуқлик тўғрисида мактуб», «Хотунлар эрлар билан баробар эмас», «Хотун қози бўла оладими?», «Қозоқ қизи-келиннинг аҳволи», «Қозоклар ҳолиндан» ва бошқалар) оила ва унинг аъзоларига бўлган диний муносабатлар, эр-хотин билан фарзандлар ўртасидаги алоқалар, дунёнинг Олмония, Англия, АҚШ каби мамлакатларидаги оилаларнинг мазмуни кабилар таҳлил қилинадиким, оиланинг жамиятни ислоҳ қилишда роли, шу мақсадда хотин-қизларга таълим бериш, уларни илм-санъатга жалб этиш, ҳаттоки тижорат ишлари билан банд қилиш, жамоатчилик тадбирларида фаол иштирок эттириш ҳақидаги ғоялар илгари сурилди. Жумладан, «Туркистон вилояти газетаси» ерли аҳоли оилалари хусусида чоп этилган мақоласида тараққийпарварларнинг Америка ва Европа аҳолисига таъсиб қилиб, ёш туркдардан ибрат олиб, ўлка оилалари эр-хотинларни тенглаштирмоқ, уларнинг муомалаларини яхшиламоқ, болаларни замон талаби даражасида тарбияламоқ, уй ишларини яхшироқ бажармоклари учун «таълим албатта зарурдир», деб қайд қилинганди[2].

Бухоро жадид зиёлиларининг жамиятни ислоҳ қилиш борасидаги кураши ўта қийинчиликлар билан амалга оширилган. Чунки уларнинг

---

[1] Айний С. Мусулмонлар ҳаёти. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1906. 16, 19 июль.
[2] Туркистон вилоятининг газетаси. 1912. 20 сент.

фаолияти икки томонлама: ҳам чоризм маъмурияти, ҳам Бухоро амирлиги томонидан таъқиб қилинган. Бухоро жадидлари намояндалари ўз фикрларини билдиришда ва ҳаракатларида ўта эҳтиётқор эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз қарашларини Қуръон оятлари ва ҳадисларидан далиллар келтириб тушунтирганлар. Лекин улар орасида Зуҳириддин Фатҳиддинзода маслакдошларидан фарқ қиларди. У жаҳон уруши бошланишининг дастлабки йиллариданоқ чоризм бошқарувига, маъмурларига нафратли муносабатда бўлганлигини очиқчасига билдириб, шундай ёзади: «...миллатимизнинг ҳалокат ва жаҳолат ҳолидан соҳил ҳолига чиқмоғи матлуб даражада тараққий ва томдан кетмоғи учун бир восила бор, ул ҳам хотин-қизларимиз ила яхши муомалада бўлмоқ ва аларнинг ҳуқуқ мунаввараси ни бермоқдир. Вало бизам инқироз асири бўлмоғимиз ноҳақдир ва бадиҳидир»[1]. Лекин унинг оиладаги муносабатларни ўзгартириш тўғрисидаги бу фикрларини чоризм маъмурлари амалга оширишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар.

«Садои Туркистон», «Садои Фарғона» ва бошқа ўша давр тараққийпарвар газеталарида ерли аҳоли оилалари ва хотин-қизлари озодлиги ҳақида чоп этилган жадидларнинг мақолаларида 1917 йил февраль инқилоби таъсирида қизиқиш доираси маърифий ва маънавий майдондан иқтисодий ва сиёсий жабҳаларга кўчганлигини сезиш мумкин. Уларда февраль инқилоби вақтида Туркистон ўқитувчиларининг биринчи қурултойи чақирилиб, унинг делегатлари таркибига мусулмон аёллари ҳам киритилганлиги, қурултойда ўқитувчилар семинариясини очиш тўғрисидаги масала муҳокамасида зиёлилар ва диндорлар ўртасида кураш авж олганлиги хабар қилинади. Мана шундан кейин зиёлилар шаҳар думаси ва таъсис мажлисига аёллардан делегатлар юбориш масаласида ҳам диндорлар билан кураш олиб борган эдилар. Маълумот берилишича, марказда чақирилган умуммусулмон қурултойида жадид Убайдулла Хўжаев Туркистон аёлларини озод қилиш масаласини кўтариб чиқди. Бу далиллар шундан далолат

[1] Фатхиддинзода З. Ҳуқуки нисвон. // Садои Туркистон. 1914. 12 ноябрь, 10 дек.

берадики, 1917 йил февралидан кейинги даврда аёллар ва оила масалалари соҳасида ўлка жадидларининг ҳаракатлари сиёсий характер ола бошлаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Туркистон жадидлари ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий қарашларида оила масалаларига алоҳида эътибор берганликлари жадидчилик ҳаракатининг Туркистонни равнақ эттириш йўлидаги, халқ маънавияти ва маданиятини ривожлантиришдаги интилишларини яққол кўрсатиб берди. Бу интилишлар жадидларнинг қуйидаги ғояларининг ҳаётга тадбиқ этилиши билан намоён бўлган:

- оилада аёлларнинг ўрнини белгилаш орқали, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш;

- хотин-қизлар ўқимишли, соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясидан хабардор бўлишлари кераклиги;

- эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- муҳаббат ва садоқат, тенглик ва ҳурматга асосланган оила қуриш;

- маърифатли оиланинг ёш авлоднинг ижтимоий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясидаги ўрнини кўрсатиш;

- оилада фарзандлар ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатларида бурч ва ҳуқукларини белгилаш;

- аёлларга салбий муносабатни ўзгартириш, хусусан, никоҳ, кўпхотинлик, меросхўрлик ва шунга ўхшаш масалаларга янгича ёндашиш ва ҳоказо.

Инсоният тарихида аёлнинг ўрни беқиёс ва оила жамиятнинг асосий пойдевори эканлигини жадидлар ўз асар ва мақолаларида асослаб берганлар. Бу масалани улар умуминсоний, умуммиллий даражагача кўтариб, соғлом, маърифатли оила ва у вояга етказадиган ҳар томонлама етук авлоднинг, комил инсоннинг шу халқ, миллатнинг ривожи учун муҳим омил бўлганлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар. Жадидлар томонидан тадқиқ қилинган айрим оилавий масалалар ҳозирда ҳам долзарблигича қолмокда.

2. 2. Жадидларнинг хотин-қизлар маданий ва маърифий онгини ривожлантириш борасидаги қарашлари

Туркистон жадидлари маданий ва маърифий фаолиятларида янги усул мактаблари очиш, ёшларга қисман диний ва дунёвий билимлар бериш билан чекланмадилар. Мустақиллик ва истиқлол учун кураш ғояларини ҳам илгари сурганлар. Шу йўлда жадидлар хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб, дунёвий ишларни бажаришда хотин-қизлар ҳам эркаклар қаторида тенг бўлишлари кераклигини таъкидлаганлар. Улар ўртасида фарқ бўлмаслиги, тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари кераклигини ўқтирганлар. «Бутун инсоният оламининг тирикчилиги ёлғиз хотунлар соясидагинадир деб айтсак шояд хато қилмаган бўлурмиз. Хотунлар бутун олам инсониятининг онасидирлар: пайғамбарлар, расуллар, подшоҳлар, олимлар, адиблар ва шоирлар ҳаммаси шул муҳтарам волидаларнинг болаларидирлар. Бинои алиа хотунлар иззату ва муҳтарамдурлар. Шунинг учунки ислом дини хотунларин эски замонларда ҳуқуқсиз ва эрлар қўлида хор бўлиб турмакларидин халос этуб, аларга кенг ҳуқуклар беribдур»[1], - деб ёзилган эди жадидларнинг матбуот органи бўлмиш «Садои Туркистон» газетасида. Шу ўринда ҳикматлардан қуйидагиларни келтириш ўринлидир: «Хотунлар илмли бўлмоқлари лозим. Илмли бўлмаган киши тарбия усулидан албатта маҳрум бўлади. Болалар тарбияси хотинларга махсус бир вазифа бўлгани учун тарбия килувчиларнинг билим даражалари юқори бўлмоғи тақозо этилади». Шуни таъкидлаш керакки, Исмоилбек Гаспринский 1884 йил «усули жадид» мактабини очиб, маориф тизимини ислоҳ этиш борасидаги ғояларини «Таржимон» газетасида эълон қилиб, маориф тизими олдида ҳал этиш керак бўлиб турган вазифалардан бири - қизлар маорифига ҳам алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган[2].

---

[1] Фатҳиддинзода З. Ҳуқуқи нисвон. // Садои Туркистон. 1914. 10 дек.
[2] Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. - Т.: Ўқитувчи, 2002. Б. 31.

Жадидчилик ҳаракатининг намояндаси Абдурауф Фитрат эса, келажак авлодларимизнинг онгсиз, иродасиз, тарбиясиз, нодон ва жоҳил бўлмасликлари учун хотин-қизлар ўқимишли, соғликни сақлаш ва болалар тарбиясидан хабардор бўлишлари кераклигини зарур деб билади. У тарбияни жуда мухим ижтимоий ходиса, жараён деб билади ва унда «оиладаги мушкул вазифа гўдак таваллудидан сўнгги эр-хотин бўйнига тушадиган фарзанд тарбиясидир», – деб таъкидлайди[1]. Чунки авлод тарбияси - миллат тарбияси деб, Фитрат «миллат онаси» деган ғояни ўртага ташлайди ва бунда миллат келажагини кўради.

Умуман бола тарбиясида она асосий ролни ўйнайди. Бу ҳақда манбалар шундай гувохлик беради: «Тарбия ахлоқиялари мактабдан кўра мухтарама оналар қучоғида ахтарилмоғи лозимдур. Болаларимизни матлуб даражада адаблик ва тарбиятлик қилмоқ хохишимда бўлсак, ишда оналаримизни «илми тарбия ал-атфол»дан баҳрадор этмоғимиз тўғриси болаларимиз инсон болалари каби бЎлсинлар десак, энг аввал бошлаб, оналаримизни тарбия ва таълим эта олинг. Йўқса болалардан, мактаблардан момил бўлган фойда ҳусула келмас»[2]. Чунки оиладаги ишларни, юмушларни бажариб, она болалари билан бирга бўлади. Демак, жадидлар тарбия билан шугулланувчи аёллар ҳам ўқиб, билим олишлари керак, деб ҳисоблаганлар. Фитрат ҳам бу хусусда фикр юритади.

«Фаранги: Бухорода аёллар ҳам таҳсил олади ёки йўқ?

Мударрис: Йўқ, аёллар таҳсил кўрмайдилар.

Фаранги: ...нега уларни таҳсил олишдан бебаҳра қолдирганлар. Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эркакдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳакимлардан бири айтадики, «биз Америка ва Франсиё аёлларининг ихтиролари мушоҳадасини кейин билдикки, аёлнинг тушуниш даражаси эркакникидан кам эмасдир». Ва Сизларнинг Пайғамбарингиз ҳам буюрдики, «...Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир». Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб, ...яхши амалларга эга бўлишлик вожибдир.

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 2000. Б. 5.
[2] Яна тўй масаласи. // Садои Фаргона. 1914. 8 июнь.

Негаки яхши амаллар, яхши ахлоқсиз мумкин бўлмайдир... Бирор кимса ҳам тарбиясиз яхши ахлоқ соҳиби бўлмайди. Юртнинг бахтсизлиги, заминнинг саодатсизлиғидирки, аёллар у ерни таълим ва тарбия тарафидан маҳрум қиладилар»[1]. Шунинг учун «хотунларни ўқитмоқ ва аларнинг акилларин жило бермак ва эрлари бирла яхши муомилалар қилмоқ ва болаларини тарбият қилмоқ ва динда корчиликни яхши билмоқлари хусусида таълим албатта зарурдир...», - деган истак газеталар саҳифаларида учрайди[2].

Фитрат хотин-қизлар қадр-қиммати ва тенгҳуқуқлигининг кучли тарафдори эди, - деб хотирлайди шоира Махбуба акаси Абдурауф Фитрат тўғрисида. - Мени бирор жойда ўқишимни хохлар эди. Тошкент шаҳрининг Ватан кўчасида жойлашган Машриқ Афанди (Элбек) ўқитувчилик қилаётган мактабга киришга ёрдам берди. А. Фитрат: «Ҳамма шаҳарликлар ва деҳқонларни ўз болаларини ўқишга юборишига чорлайман. Менинг синглим ҳам мактабда ўқишини давом этиши керак», - деб ҳисоблаган»[3]. Чунки «Инсон ўғлини ҳақиқатдан чин инсон этатурган, инсон ўғлини инсонликдан чиқаратурган хотинлардир», – деб таъкидлаган И.Ҳаққий[4]. Бу фикрни Садриддин Айний қуйидагича давом эттиради: «Инсон ҳар нарсадан азиз. Инсон ақлу заковатидан устунроқ, куч-қувватидан қудратлироқ нарса йўқ оламда. Инсон бўлиб туғилгандан кейин инсондек яшамоқ керак»[5].

А. Фитрат илм диний ва дунёвий ишларни бажариш учун зарур эканлигини, қизлар аввал савод ва ҳисобни, кейин диний илмларни ўрганишларини таъкидлаган. «Улар бирор касбни эгаллашлари учун албатта олий илмлардан бирини, яъни табобат, ҳикмат, ҳандаса, тарбия, зироат, ҳуқуқ каби илмларни эгаллашлари зарур»[6], деб айтган. Шуни асос

---

[1] Фитрат А. Хиндистонда бир фаранги ила бухороли мударрисниг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. // Шарқ юлдузи. 1997. № 1. Б. 130.
[2] Бир мусулмон. Хотунлар эрлар билан баробар эмас. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1912. 20 сент.
[3] Лунин Б. К биографии Абдурауфа Фитрата (по неопубликованным данным воспоминаний о нём). // Ўзбекистон тарихи. 1999. № 4. С. 73.
[4] Иштрокиун. 1919. 4 июнь.
[5] С. Айнийнинг ҳаёти ва ижоди. / Тузувчи муаллиф М.Ҳасаний. - Т.: Ўқитувчи. 1994. Б.7.
[6] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият. 2000. Б. 96.

сифатида қабул қилиб, қизларнинг ўқишлари учун жадидлар мактаблар очиб, уларнинг сонини кўпайтириш кераклигини тарғиб этадилар. Бу йўлда улар эски турмуш, эски ахлоқ нормалари, қизларни зўрлаб эрга беришга қарши чиқадилар. Абдулла Авлоний бу ҳақда шундай айтган: «Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушиб-талашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар. Оталаримиз болаларига ўқутмак ва таҳлим бермак ўрнига... ҳаммоллик қилдиришни яхши кўрурлар»[1]. Манбаларда ёзилишича, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ўз мақола ва чиқишларида мусулмон хотин-қизларининг асоратда қолишига қарши фикрларни илгари суради. Хотин-қизларнинг ҳуқуқига, хурофот ва жаҳолат, мутлақ ҳокимият эгалари, патриархал хонлик, амирлик ва мустамлакачиликнинг тазйиқ ва таъқибларига ўзининг кескин қарашларини билдирган[2].

XIX аср охири - XX аср бошларида оммалашган отинчилик қизлар учун бошланғич таълим вазифасини адо этди[3]. Уларга бибихалифа ёки бибиотинлар дарс берганлар[4]. Мактаб йилларида қизлар ўз бибиотинлари бошчилигида асосан, «Ҳафтияк»ни, Қуръоннинг 2-3 сурасини ўқиб ўрганганлар. Қуръоннинг бошқа сураларини эса уйларида ўргатишган. «Қизлар учун илм мутлақо ортиқча. Қизларни тикиш, бичиш ва тўқишга ўргатинглар, ўқиш ва ёзишни четга суриб қўйинглар, - деган жамоатчилик фикрининг мавжудлиги адабиётларда келтирилади. - Тарихий билимлар эса асосан пайғамбар ва авлиёлар ҳақидаги афсоналарни ўз ичига оладилар. Камдан-кам қизлар ўқишга ўргатилади, ундан ҳам кам ҳодисаларда - ёзишга; улардан кўпчилиги асосан кундузги ибодат, намоз ўқиш билан банд», - деб, шу давр мактаб-маорифига баҳо берилади[5]. Туркистондаги мактабларда қизлар кўпрок форс ва турк шеъриятини ўрганиб, ёзувга кам эътибор берганлар[6]. Мактабларни тугатишлари билан қизларнинг ўқишлари

---

[1] Авлоний А. Ким инмани яхши кўрар. Танланган асарлар. Т. 2. - Т., 1998. Б. 227.
[2] М.Ф. Махмудходжа Бегбуди. // Наука и просвещение. 1922. № 1. С. 24.
[3] Аъзаналар, дин ва ёлларнинг ижтимоий мақоми. // Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида маъруза. Т.: Гендер ва ривожланиш, RBEC - Undp, unopc, 1999. Б. 24.
[4] Сарты. // Турк. сб. СПб. 1880. - Т. 249. С. 365.
[5] Гиури И. Ислам и его влияние на жизнь его последователей. / Пер. с нем. П.И.Хомутова. - Т., 1893. С. 307-308.
[6] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 16-орқа варак.

ҳам тугаган. Уларга умуман дунёвий фанлар ўтилмаган ва дунёвий ишларга аралашиш мумкин бўлмаган. Баъзи жойларда қизлар мактаби бўлсада, ота-оналар бир йилдан кейинок қизларининг ўқишини тўхтатиб қўяр, одатда уларни жуда ёш эрга бериб юборардилар.

Жадидлар янги усул мактабларини очиб, уларда ўғил ва қиз болаларнинг бирга ўқишларини ташкил эта бошлайдилар. Чунки, Абдулла Авлоний ҳисоблаганидек:

«Ўғул-қиз ўқуса бўлур олим,
Жоҳил одамлар бўладур золим.
Бахту иқбол илма боғлиқдур,
Илм ўқутмоқ ахсан аъмолим»[1].

Шундай мактаблардан бирида Абдулқодир Шакурий Самарқандда ўғил ва қиз болаларни бирга ўқита бошлайди. Қизларга унинг хотини дарс беришга кўмаклашган[2]. Абдулқодир Шакурийнинг бундай иши маҳаллий бойлар, рўхонийларнинг норозилигига сабаб бўлган. Шундай бўлса-да, бундай мактаблар Туркистоннинг бошка шаҳарларида ҳам очила бошлаган. Архив ҳужжатларида ёзилишича, Тошкентдаги Эшонхўжа Хонхўжаев янги усул мактабида 3 та қиз, Собиржон Раҳимовнинг мактабида 15 та қиз ўқиган[3]. Хўқанд шаҳрининг Ғалчасой маҳалласида Муҳаммаджон Холиқий 1913 йилда дастлаб «усули жадид», кейин эса қизлар мактабини ҳам ташкил қилган. Унда синглиси Солияхон Абдухолиқ қизи ўқувчиларга сабоқ берган[4]. Абдулла Авлоний мактабида ҳам қизлар ўғил болалар билан ёнма-ён ўтириб, таҳсил олган. Остроумов берган маълумотга кўра, «имтиҳон берганлар саволларга кўп яхши жавоблар бериб, имтиҳонга боргучиларни диққатини жалб этиб, мазкур шогирдлар ҳақига кўп дуолар қилдилар ва хусусан, бир ёш қиз-шогирдга истеҳсон қилдилар»[5]. Юқорида кўрсатилган Собиржон Раҳимовнинг «Раҳимия» мактабида ўтказилган қиз-

---

[1] Авлоний А. Окила мунозараси. Танланган асарлар. Т.2. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 135.
[2] ЎзР МДА, 1-И-фонд, 31-рЎйхат, 943-иш, 23-варак.
[3] ЎзР МДА, 47-И-фонд, 1-рўйхат, 1148-иш, 149-орқа варак.
[4] Тожибоев Р. Маърифат фидойиси. // Соғлом авлод учун. 1999. № 4-5. Б. 46.
[5] Туркистон вилоятининг газетаси. 1910. 23 май.

болалар имтиҳонидан сўнг «Тошканд хабарлари»нинг муаллифи «қиз мактабларимизнинг ададларини кўпайтирмоқни» сўрайди[1].

Бухоро жадидлари йўлбошчиларидан бири Садриддин Айний ҳам дастлабки ўқиш йилларини қизлар мактабида ўтказган. «Мактаб ёшига етганимда ўзи ўқитишга вақти бўлмаган отам мени қишлоғимиз - Соктаре масжиди қарамоғидаги мактабга берди. У мактабда бирор нарса ўргана олмадим, шундан кейин отам мени бу мактабдан олиб, қишлоқ имоми хотинига қарашли қизлар мактабига берди. Бу мактаб ўғил болалар мактабига қараганда бирмунча дуруст эди»[2]. Маълумотларга кўра, қизлар 7 ёшдан ўқишни бошлаб 13 ёшга тўлганда тугатганлар[3].

Таваллонинг «Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан» шеърида қизлар улардан «ҳалокатдан», «маломатдан» қутқаришни - ўқитишни, эрк ва ҳурлик беришни сўрайдилар. Ҳаттоки, келажак оила, тенг ва саодатли, муҳаббатли ва садоқатли турмуш масаласини ўртага қўядилар[4]. Холбуки, «худди шу йилларда ўлканинг энг эътиборли журналлардан бири - «Ойна» «хотин олами вужудга фидойи ўлмак узра келмиш бир махлуқи латифдур» деб ёзган бўлса энг обрўли шоирлардан бири эса «Қайси хотунким, очиқ юздур, бал фохишадур» дейишгача борганди. Ва бу ҳукмрон нуқтаи назар эди», - деб ёзади жадидлар фаолиятининг тадқиқотчиси Б. Қосимов[5]. Жадидлар шундай оғир шароитдан хотин-қизларни олиб чиқиш учун интилдилар. Улар учун мактаблар очдилар, кутубхоналар ташкил этдилар. Бу ҳаракатларни маблағ билан таъминлаш учун йўллар қидирдилар. Шундай йўллардан бири – театр орқали эди. Масалан, 1914 йилнинг 6 июнида Андижонда қўйилган «Падаркуш» спектаклидан тушган маблағ 1500 сўмни ташкил этиб, шундан

---

[1] Садои Туркистон. 1914. 30 май.
[2] Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. - Т. 1960. Б. 4.
[3] Арендаренко Г. Статические сведения по нагорным тюменям Зерафшанского округа за 1877 год. // Турк. сб. СПб. 1883. Т. 339. С. 375.
[4] Таваллo. Қариндош ва ҳамшираларимиз-мазлума қизлар тилидан. // Равнақ ул-Ислом. Шеърлар мажмуаси.- Т., 1916. 21 б.
[5] Қосимов Б. Ҳақ сўзини ишоир қилиб. Таваллo. // Ёшлик. 1984. № 11. Б. 65.

20 фоизи Андижонда қурилаётган «қизлар гимназияси» фойдасига берилган, деб хабар беради «Садои Туркистон» газетаси[1].

Маърифатпарварлар Туркистон хотин-қизларининг дунёвий ишларда қатнашишларини ёқлаб чиқа бошладилар. Миён Бузрук Солиҳов «Ўзбек театр тарихи учун материаллар» (Т., 1935) китобида келтирилган суратда 4 рақамда Маъсумахоним қайд этилган. Маълум бўлишича, бу аёл кейинчалик ўзбек саҳна санъатининг машҳур намояндаларидан бўлган Ўзбекистон халқ артисти Маъсума Қориева экан. У «Турон» труппасидаги илк актрисалардан эди. Демак, Тошкент театри жамоаси сахнага аёл актрисани олиб чиқишда ҳам биринчи бўлиб ташаббус кўрсатган[2]. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, «Турон» труппаси мунтазам ишловчи, профессионал жамоа сифатида ижодий ўсиш, янгиликлар излашга ҳаракат қилди. Халқнинг маданий-маърифий савиясини кўтариш йўлида янги шакллар топишга уринди, ташаббусларга дадил журъат қила олди.

Жадидларнинг қарашларида жамият ривожланишини тўхтатаётган хотин-қизлар ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ иллатлар: маърифат қолоқлиги, қайғу-кулфат, уруғчилик ва ўрта асрдан сақланиб қолган муносабатлардан қутулиш йўл-йўриклари ўз аксини топгандир. Жадидлар фикрича, хотин-қизлар ўз аёллик ҳуқуқини англаши, талаб қилиши, тиклашга интилиши, уни тубан кимсалардан ҳимоялаши жамиятнинг тенг ҳуқукли аъзоси бўлиши учун диний ва дунёвий билим имкониятларидан фойдаланиш шароитлари яратилиши зарур. Маърифатсиз жамиятда ўзбошимчалик, жабр-зулм, адолатсизлик, жоҳиллик, зўравонлик ҳукмронлик қилади. Жамиятдаги бу тубанлик биринчи галда аёллар ҳаётида тезроқ ва тўлароқ ўз аксини топади.

Жадидлар дунёқарашида аёл ёр, она, меҳрибон дўст, ижтимоий зулмга узоқ вақт бардош берган, унга қарши курашини тўхтатмаган ва ундан ғолиб чиққан, диннинг уни таҳқирловчи таълимотини журъат билан

---

[1] Зоҳирий А. Андижонда мусулмонча театр. // Садои Туркистон. 1914. 20 июнь.
[2] Ризаев Ш. Жадид драмаси. / Масъул муҳаррир Н. Каримов. - Т.: Шарқ, 1997. Б. 68.

парчалаб ташлаган қаҳрамон инсон сифатида намоён бўлади. Туркистондаги аёллар қисмати деярли барча жадид маърифатпарварларининг тафаккурида ўз ифодасини топган. Бу ғоялар Туркистон халқларининг миллий уйғониши, миллий тараққиёт йўлида тўғаноқ бўлган ўтмиш саркитларидан халос бўлиб, маърифат манзилларини эгаллаши билан боғлиқ ғоялардир. Ҳожи Муйин жамиятнинг маънавий равнақи, қисмати асосан аёлларнинг баркамоллигига боғлиқ эканлигини кўрсатса[1], Садриддин Айний эса ўтмишда хотин-қизларнинг оғир ҳаёти, жаҳолат остида азоб чекиши, уларнинг нодонлик ва ҳақсизликка қарши ҳаракатларни аёллар образлари орқали кўрсатган[2]. Абдулла Авлоний ҳам аёллар қисматини маориф ва маданият, эски урф-одатлар билан боғлиқ ҳолда изоҳлайди[3]. «Биз ва Сиз» асарида эса анъанавий муҳаббат фожиаси илм-маърифатсиз кишиларнинг бидъат урф-одатлари натижаси сифатида кўрсатилади. Асар қаҳрамони Камол образида жадидларнинг хотин-қизлар масаласи борасидаги фикр, орзу-умидлари ифодаланган. Улар Камол образи орқали хотин-қизларга нисбатан юксак маданият билан муносабатда бўлишларини билдирганлар, уларни хатто эркаклардан ҳам юқори қўядилар. «Эрдан хотуннинг мартабаси улуғ. Бутун бир оиланинг тарбияси, ёзмуш саодати уй бошлиғи бўлғон хотун қўлида бўладур», деб Абдулла Авлоний Камол образи орқали, биринчидан, европача таълим олган, иккинчидан, оила ва муҳаббат масалаларига янгича муносабатда бўлаётган, учинчидан, йигит ва қиз муносабатларини илм ва маърифат белгилашини асосий мезон қилиб олган зиёлини кўрсатади[4]. Жадидлар шундай ёш кишилар орқали Туркистон элида етилаётган янги инсон - зиёли, маърифатпарвар, маданиятли ва миллатпарвар шахсларни намуна қилиб кўрсатадилар.

А. Фитрат аёлларнинг тутган ўрнига жуда катта баҳо беради ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаганликларига алоҳида

---

[1] Муйин Ҳ. Мазлума хотин. // Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ. 1997. Б. 281-316.
[2] Қаранг: Айний С. Дохунда. Асарлар. Т. 2. - Т., 1964. 453 б.
[3] Қаранг: Авлоний А. Тошкент тонги. - Т., 1979.
[4] Авлоний А. Биз ва Сиз. // Танланган асарлар. Т. 2. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 159.

аҳамият беради. Аёлларнинг эркин ҳаракат қилиши, ҳар бир ишда фаол иштирок этиши, аммо уларни ёмон кўздан асраш лозимлигини ҳам унутмайди. «Хотин - кишилик боқчасининг гулидир. Ҳайвон тумшуғи тегмасин деб чечакни оғилга тиқманг. Хотунлар қамалсалар тарбиясиз қоларлар. Тарбиясиз хотунлар улуснинг ўлими учун йўл очарлар. Гулни ҳайвондан сақламақ тегиш. Бирок, унинг учун гулни ерга кўммак эмас, ҳайвонни боғлаб қўярга керак»[1]. Ўз қарашларида акс эттирилган муҳаббат мавзусининг бир-бирига ўхшаш томонлари шундаки, чин севги эгалари қилиб саводли ва янги фикрдаги ёшлар олинади. Уларга тескари холда эскилик ва бидъат урф-одатлар тимсоли бўлиб ота-оналар орзуси ва эл олдидаги обрўлари учун кураш акидаси гавдаланади; севмаган ва севилмаган саводсиз қизлар рўдапо, жоҳила ва хунуклик тимсоли этиб кўрсатилади; йигитларнинг хотин-қизларга бўлган муносабатларида қизларнинг саводли ва илмли бўлишлари, уларнинг хусни ва латофати бўлиб жилоланади, севишганлар ўртасида эркин муносабат, хат оркали бир-бирининг руҳиятидан бохабар бўлиши ва таскин топиши улуғланади; хотин-қизларнинг мол каби сотилиши ва сотиб олиниши қораланиб, бир-бирини таниб, билиб ва сўзлашиб, муҳаббат қўйишлари янги замон, янги турмуш белгилари сифатида таърифланиб, булар маърифатпарварларнинг хотин-қизлар борасидаги дунёқарашнинг асосий йўналишлари деб ҳисобланади. Чўлпон хотин-қизларнинг хорлик ва зорликдан иборат аянчли тақдирларига жамият эътиборини қаратади ва шу ҳаётий масалада инкилоб бўлишини истаб, даврнинг энг долзарб мавзусига эътибор тортмоқчи бўлди. Ваҳолангки, А. Чўлпон ҳар бир маданий жамиятнинг биринчи белгиси - ундаги хотин-қизларнинг турмуш даражаси билан белгиланишини ҳам биларди. Ўзбек хотин-қизларини ўқитиш, жамоат ишларига тортиш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ишга солиш сингари хайрли ишлар жадидлар эътиборини тортмаслиги мумкин эмас эди. Жадидлар ўз фикр-ғояларини янада таъсирли қилиб кўрсатиш учун ўз

---

[1] Фитрат А. Чин севиш: Шеърлар, драмалар, мақолалар. / Масъул муҳаррирлар Б. Қосимов, С. Эркинов. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1996. Б. 80.

асарларининг бош қаҳрамонини хотин-қизлардан топадилар ва ҳаттоки Чўлпон «тотли ва бой тили билан эртак айтиб бериб, шу асарни ёзилишига сабаб бўлган кампир онага» бағишлаган[1]. У кўпгина муаммолар қаторида, энг каттаси, Ўзбек аёлининг (Зебинисо қиёфасида) мустамлакачилик давридаги ғоят оғир кулфатларини, фожиасини кўрсатишни кўзда тутган[2]. Маърифатпарвар шоир ўзбек хотин-қизларининг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мустамлакачилик давридаги ғоят кулфатли ҳаёти, халқлар озодлиги учун олиб борган кураши, турли миллат оналари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш йўл-йўриқларини ифода этиб берган[3].

XIX аср охири - XX аср бошларида хотин-қизлар масаласининг кўтарилиши қонуний ҳол эди. Уларни ҳал этиш йўлларини Сора Музаффария баён этган ва хотин-қизлардаги истеъдод ва қобилиятни юзага чиқаришга қўймасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ҳисоблайди. «Ман қилувчилар бўлса, қиёматда жазоларин кўрурлар. Динимиз ва пайғамбаримиз бизга ҳам илмни фарз қилди. Халқимиз шул йўлга ишлатмоқ учун бизга ҳам зеҳн ва ақл берди. Ҳақиқат ҳол шундан иборат бўлгандан кейин, энди сукут қилиб туришни динимиз ҳам дунёмиз бизга рухсат бермайдур. Бу ҳақиқатларни тушуниб туриб яна сукут этсак албатта (айб ўзимизда) деб этмоқ жуда тўғри келадур», - деб хотин-қизларни курашга чорлайди[4]. О.С.Лебедева «Ҳозирги даврда (XX асрнинг бошлари кўзда тутилган - Д.Р.) мусулмон аёлини қуллик исканжасидан қутқариш вақти келди, - деб бутун жаҳонга мурожаат қилади. – Ҳаттоки, Қуръон аёлларга ҳам, эркакларга ҳам баравар ҳуқуқлар белгилаган... Ислом ҳеч қачон аёлларнинг эркаклар сингари маълумот олиш ёки бир хил ҳуқуқларга эга бўлишига қаршилик билдирмаган, - деб турли даврлар ва мамлакатлар хотин-қизларининг ҳаёти, ҳуқуқларини солиштиради ва Шаркни асрий уйқудан уйғотайлик»[5], - деб чақиради.

---

[1] Чўлпон А. Яна олтин созимни. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1991. Б. 275.
[2] Қаранг: Чўлпон А. Гўзал Туркистон. Шеърлар. - Т.: Маънавият. 1997.
[3] Қаранг: Чўлпон А. Яна олдим созимни. - Т. Адабиёт ва санъат. 1991. Б. 21-272.
[4] Сора Музаффария. Айб ўзимизда. // Садои Туркистон. 1914. 23 авг.
[5] Лебедева О.С. Об эмансипации мусульманской женщины. СПб. 1900.

Дастлаб эркка, ижтимоий фаолликка интилиш шоираларнинг асарларида яққол кўзга ташланса (Анбар Отин), кейинчалик И. Гаспринский ўз фаолияти, асар ва мақолаларида аёлларнинг ҳуқуқи, маърифат масалаларига алоҳида эътибор беради. Хотин-қизларнинг маърифати масаласининг ечимини Фитрат «Мунозара», «Раҳбари нажот», «Оила» каби асар ва рисолаларида топишга ҳаракат қилган. Абдулла Авлоний ҳам ўлкани қолоқликдан, тубанликдан ва жаҳолатдан қутқариш йўлини қидирар экан, хотин-қизларни илму-фан, маърифатдан баҳраманд қилиш зарурлиги тўғрисида қайғуриб, «...бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, бошқа миллатларнинг ўғуллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, қиш демай, илм йўлида жонларини фидо қилуб, қувушиб, югурушиб, қўзларимизни қамашдируб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, ғафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз»[1], - деб афсус чекади. Ваҳолангки, шу вақтда Туркияда ўқитиш жараёни 4 йилга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги фанларни қамраб олар эди: ўғил болалар учун: турк имлоси, араб ва форс тиллари, геометрия, тарих, жуғрофия, расм чизиш; қиз болалар учун эса - диншунослик, турк имлоси, араб ва форс имлосининг бошланғич асослари, адабиёт, тарих, жуғрофия. Риёзиёт, рўзғор тутиш ва мусиқанинг бошланғич асослари эди[2].

Эски схоластик тузумга, жаҳолатга, хурофотга қарши чиққан жадидлар томонидан XX аср бошида аёллар масаласининг кўтарилиши табиий бир ҳол эди. Жамият тараққиётида, Ватан мустақиллиги ва истиқлоли, озодлиги учун курашчи ёшларнинг тарбиясида асосий роль ўйновчилар ҳам аёллар эди. Шунинг учун ҳам жадидлар бу муаммони дадил илгари сурадилар. Улар ўз матбуотларида ҳам бу ҳақда кўплаб чиқишлар қила бошладилар. «Садои Туркистон» ўзбек хотин-қизларининг ўқимишли, илмли, маданиятли ўз жамияти учун зарур ва фойдали инсонлар бўлиб етишишлари учун катта саъй-ҳаракатни бошлаб юборади. Муаллифларнинг

---

[1] Авлоний А. Танланган асарлар. Т. 2. - Т.: Маънавият. 1998. Б. 144.
[2] Гаури И. Ислам и его влияние на жизнь его последователей. / Пер. с нем. П. И. Хомутова. - Т., 1893. С. 310.

фикрича, «Инсонга инсонлик берадирган илмларни таҳсил ва ўқитмоқ тўғрисида мусулмон хотунларни қисмаслик лозим»[1].

Бу вақтли матбуот ҳайъати Туркистон хотин-қизларини илмга, ўз ҳақ-ҳуқуқларини топиб олишга даъват этган публицистик мақолаларни, шеър ва бадиий асарларни кўпроқ чоп этишга ҳаракат қилди[2]. Даврнинг илғор зиёлиларидан Зуҳриддин Фатхиддинзода, Рауф Музаффарзода, Абдулла Авлоний, Тавалло, Чўлпон, Убайдулло, Ҳамза, Мирмулла ва Мирмуҳсин Шермуҳаммедовлар, Нозимахоним, Лайлихоним кабилар газетанинг мурожаатини тезда қабул қилиб, ўзбек хотин-қизлари маиший ҳаётини, кундалик турмушини, уларнинг илм-фанга, ҳунарга, жамиятга, тузумга бўлган муносабатларини ёритиб беришга бағишланган бир туркум публицистик мақолалар ёзиб чоп эттирдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқи тарихида биринчи маърифатпарвар аёл сифатида танилган, матбуотда қатнашган биринчи ўзбек аёли, ғоят муҳим ва ўткир сиёсий, ижтимоий мавзуларда асар ёзган, жамиятдаги тенгсизлик ва адолатсизликка қарши овоз берган Нозимахоним ижодида хотин-қизлар озодлиги, уларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши мавзуси катта ўрин тутади. Ҳақиқатан ҳам, жамиятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизлар асоратда, зулмат пардаси остида қоларкан, жамиятнинг тенглиги ҳақида даъво пуч бўлиб қолади. Шунинг учун Нозимахоним хотин-қизлар озодлиги, уларнинг билимли ва маърифатли бЎлишларига алоҳида эътибор беради. Опа-сингилларини, дугоналарини ўқишга, билимли, маърифатли бўлишга, «бидъат уйқусидан» уйғонишга ундайди, уларни «илму-урфон сари қўзголинг», деб даъват қилади. Мана шу жиҳатдан шоиранинг «Аё, маҳкумалар» шеъри ғоят характерлидир». Шоир ва илғор маорифчи Муҳаммадшариф Сўфизода «она бўлғувчи қобила кизлар»нинг аҳволига ачинади, уларнинг илм-фан эгалари бўлишларини орзу қилади:

---

[1] Шоҳ Камол Солиев. Инсоннинг ҳуқуқ исломиясина бир назар. // Садои Туркистон. 1914. 16 сент.
[2] Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. - Т.: Фан. 1993. Б. 101.

Бечора она бўлғувчи қобила қизлар,
Нозик қўлига олмай, ўтар хона ва дафтар.
Ибрат кўзимиз кўр, ҳақиқат қулоғимиз кар,
Сўз тўғриси шул, бизда бор авра ва на астар[1].

Вақтли матбуот саҳифаларида жадидлар Оврўпа халкларининг бу қадар тараққий қилишларининг сабаби, Уларда мактаб маориф ишлари эркак ва аёллар учун бир хилда яхши йўлга қўйилганлигини ёзиб чиқдилар. Маълумот олган қизлар қанчалик фойда келтиришларини, келажак авлодни, фарзандларни тарбиялашда онага юклатилган масъулиятнинг нақадар юксаклиги, бу борада аёлнинг, онанинг тутган ўрни муҳим эканлигини таъкидлаганлар. Аёлларнинг бола тарбиялашига алоҳида эътибор билан қараб, уларни юксакликка чақириб, «фарзандларимиз имонли, фидокор, ғайратли бўлиб, улғайиб жамиятни ҳалокат ва харобалик жарлигидан қутқарсинлар»[2], - деб ёзганлар. Чунки, бу даврда Туркистонда ўсиб келаётган ёшлар, айниқса, янгича яшаш тарзини қўллаб-қувватловчи аёллар масалаларини кўтариб чиқиш долзарб масалага айланди: «...фақатгина мусулмонларнинг янги ёш авлоди Оврўпа маданиятига яқинлашиб бориб, ўз овозини баланд кўтариб, оналари ва сингилларини ҳимоя қилишлари мумкин»[3].

Ўзларининг кўпроқ вақтларини болалар – фарзанд тарбиясига бағишлайдиган аёллар–оналарнинг маърифий, маданий савияси боланинг қай тарзда камол топишига ўз таъсирини кўрсатади. «...Эр болаларимизни қанча яхши тарбия қилсак ҳам, келажак асрда она бўладурғон қизларимиз тарбия қилинғонда, биз ҳамон ярим жоҳиликдан, мағлубчиликдан нажот топа олмасмиз. Чунки хотун демак, навъи башарнинг ярми демак бўлғонлиги учун хотунлар, қизлар тарбия қилинмаса, ярим миллат тарбиясиз қолади демак»[4]. Ҳаттоки мустамлакачилар манфаатларини ҳимоя қиладиган вақтли матбуот саҳифаларида ҳам бу борада фикр билдирилган:

---

[1] Туркистон вилоятининг газетаси. 1907. 6 сент.
[2] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тамойиллари. - Т.: Маънавият. 2000. Б. 97-98.
[3] Юлин Г. Женщина. // Турк. ведомости. 1911. 27 июль.
[4] Яна тўй масаласи. // Садои Фарғона. 1914. 8 июнь.

«Бизларни тарбият қилингизлар, андин кейин бизлардин ўз миллатига ихлослик фарзанд вужудини умид қилинглар... Бизларни ўқитинглар, мактаб очиб беринглар, бизларға тарахум қилиб, бизларни ҳам одам қаторига ҳисоб қилинглар» деб хотин-қизлар мурожаат этадилар[1]. Ўртага ташланган бу муаммо – аёллар масаласи Туркистонда канчалик долзарб ва шунинг баробарида жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутиши жадидлар эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди, чунки «ривожланган жамият маърифатли аёлларсиз бўлиши мумкин эмас. Оналар кўксида халклар донолари, ватанпарварлари ёки бошқача қилиб айтганда, инсоният тараққиётининг фаол давомчилари тарбия топади»[2], деган ҳақиқат асрлар давомида ҳукмрон бўлиб турган ва турмокда.

Демак, жадидлар тарбиямизнинг аввали оналаримиз томонидандир, деб уқтирганлар. Агарда уларнинг ўзлари таълим тарбия олган бўлмасалар, бунинг натижасида биз хам бир умр тарбиясиз бўлиб қоламиз, деб мураккаб бир шароитда ва даврда аёлларнинг тенг ҳуқуқли, дунёвий ишларда аралашишлари лозимлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурадилар. Файзулла Хўжаев ҳам хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлашга муҳим эътибор берар эди. Унинг фикрича, аёллар фақатгина ҳуқуқий ҳолатда эркаклар билан тенг ҳуқуқли деб эътироф этилиши хотин-қизларнинг амалда тенг эканлигини англатмайди. Аёлларнинг эркаклар билан амалда тенг ҳуқуқлилигига эришиш учун меҳнатни муҳофаза қилиш, таълим олиш, фабрика ва заводларда аёллар малакасини оширишда бир қатор имтиёзлар берилиши, халқ таълими бўйича пул ажратмаларини жорий этиш, она ва болалар уйлари курилиши лозим, дейди[3].

Жадидлар тенгликка эришиш учун қизларимиз илм олсин, маърифатли бўлсин деб уқтиргавлар. Аёллар илм олишда эркаклар билан баробар бўлсин, деган фикрни илгари сурар экан, Абдулла Авлоний мутлақо ҳар икки жинс вакиллари оғиру енгил меҳнатда тенг ишласинлар,

---

[1] Бир мусулмон. Мусулмонинг тенг ҳуқуқлик тЎғрисидаги мактуб. // Туркистон вилоятининг газетаси. 1913. 28 ноябр.
[2] Авлоний А. Биз ва Сиз. // Танланган асарлар. Т.2. - Т.: Маънавият. 1998. Б.159.
[3] Азизов Н. Давлат арбобининг ҳуқуқий қарашлари. // Ҳаёт ва қонун. 1996. № 6. Б. 4.

демайди, аксинча, азалий шарқона анъаналардан келиб чиқиб, ҳар ким ўз вазифасини пухта билиши, адо этиши керак деб ҳисоблайди, хотин-қизларни ҳаёли ва иффатли бўлишга чақиради. Айнан ана шу мақсадни кўзлаб, ўз асарларида Ҳазрати Алининг «Иффат хотунларнинг энг зийнатли либоси», Ҳазрати Луқмоннинг «Иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғи», Афлотуннинг «Хотун иффати адаб ва помусини сақловдур... Иффатсиз инсон яланғоч жасад кабидур», Сукротнинг «Хотунларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидур»[1], деган сўзларини келтирган эди.

Жадидлар қарашларида жамият ривожланишини тўхтатаётган хотин-қизлар ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ҳолатлар: маърифат қолоқлиги, қайғу, кулфат, уруғчилик ва ўрта асрчилик муносабатларидан қутулиш йўл-йўриқлари ўз аксини топганди. Бу борада Абдулла Авлоний «Оҳ, золим маданият, бизим туркистонликларнинг орасига келуб қачон томир ёясан? Қачон бизим бу жаҳолат зиндонидан халос қиласан?! Бизда уй тарбияси бошлануб, хотин-қизларимиз илму маориф ила нурланмагунча... Мана бу хотун бечорани эрга бергон вақтларида ўз хоҳиши билан, ўзининг ризолиги билан, ўзи кўруб хоҳлаган эрига бермасдан ҳайвон каби кучлаб, қўлидан тутиб, бир золимнинг қўлига берганлар. Бу муштипар маъсуманинг бутун умри азоб, меҳнатда қайғу ва кулфатда ўтуб дунёга келгонига-да минг маротаба пушмон еб, ғам зиндонида яшағон. Мана бизнинг орамиздаги шундай кўнгилсиз ҳолларни йўқ қилмоқ учун бутун куч-қувватимизни хотун-қизларимизни ўқутмоқ, маориф ва маданият ила ошно қилмоқ йўлинда сарф қилмоғимиз лозимдур. Шундогина бизлар ҳам бошқа қавмлар орасинда ўртокчасига яшамоғимиз мумкиндур»[2], деган фикрни ёқлайди.

Ҳ.Муйин, А.Чўлпон, А.Қодирий аёлларнинг илмга бениҳоя чанкоқлиги ва аёлларнинг халққа хизмат кўрсатиш умидларини ифодалаб, уларнинг диний асоратда сақланаётганликлари, ўқишлари учун мактабларнинг йўқлиги ва умуман айтганда, мустамлакачилик давридаги аёлларнинг ғоят оғир кулфатли ҳаётини кўрсатганлар. Ҳамзанинг «Заҳарли

[1] Авлоний А. Танланган асарлар. Т. 2. - Т.: Маънавият, 1998. Б. 58.
[2] Ўша жойда. Б. 140.

ҳаёт» драмасида Марямхон бир мунча саводли бўлиб, ўз билимлари орқали халққа хизмат қилишни, саводсиз ёшларни ўқитишни орзу қилади. Лекин замон унинг бу умидларини рўёбга чиқармайди. Унинг фикрлари - аёлларни ўқитиш масаласида - жадидлар дунёқарашини ифода этади десак, муболаға бўлмас: «...Сиз-да эрларимизнинг ҳолидан, мен мазлума оилаларимизнинг ҳолидан газеталарда ёзишиб, бир-бирларимизни огоҳлантирайлик. Гарчи, сиз тижоратда бўлсангизда, чин мақсудингиз бўлган қизлар мактаби очайлик, мен маънавий, сиз моддий хизматда бўлинг, қадрсиз ҳамшираларимизни илм нақди билан кўтаришайлик, чин яшайлик...»[1].

«Туркистон вилоятининг газети»нинг биргина 1908 йилдаги бир неча сонларида эълон қилинган хўқандлик муаллим ва шоир Иброҳим Давроннинг «Ҳақ сўз» (37-сон), Мирза Тошпўлат Алимбой ўғлининг «Заифаларга эрлар баробарида ҳуқуқ берилсин деган зотларга очиқ хат» (81-сон), «Бир мусулмон имзоси» остида босилган «Эски ҳаммом, эски тос» (82-сон), Имомали Бўроновнинг «Тилсиз хотин» (83-сон), Мулла Сайфи Мажидовнинг «О необходимости просвещения» (87-сон), Файзуллоҳнинг «Хотинларга илм лозимми?» (1909, 62-сон), «Хотинлар эркаклар билан баробар эмас» (1912, 72-сон), «Хотун киши қози бўла оладими?» (1912, 54-сон), «Бир мусулмоннинг тенг ҳуқуқлик тўғрисида ёзгани» (1913, 91-93-сонлари), «Мусулмонлар овози (хотин-қизларга тенг ҳуқуқ берилиши тўғрисида)» (1914, 4-сон) каби публицистик мақолаларда Туркистон ижтимоий-маиший ҳаётининг асосий муаммоларидан бўлган маҳаллий хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва маорифи масаласи ҳақида баҳслар юритилади. Бир қатор мисоллар воситасида ўзбек хотин-қизларининг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши кераклиги кўрсатиб берилади. Илм эркаклар билан бир қаторда хотин-қизларга ҳам ниҳоятда зарурлиги таъкидланади. «Мукаддас ўқув эркакларимиз учун мажбурий

[1] Ҳамза Ҳ.Н. Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари. // Мукаммал асарлар тўплами: 4 т. Т. 2. - Т.: Фан. 1980. Б. 167.

экан, шекилли, оналаргада мажбурий этайлук. Эр болаларимизни дуруст тарбия этарга маориф нури билан нурландирувчи таъсибон жоҳилликдан бошларин қутқариб қаҳрамон, миллатпарвар соф бир бола этарга буюк сабабчи бўлган хонимларни ўзларин бу кундан бошлаб тарбия этмокка тиришайлук! Келажакда мутараққий миллатлар оёғи остида эзилмайлук, улар билан баробар рақобат эта оларлик даражада бўлайлук десак мутлакан бу кундан бошлаб қизлар мактаби очмакка ҳаракат этайлук»[1]. Бу масалада Мунавварқори ўз муносабатини билдириб, «мен кўп вақтдан бери аёлларни анча тезрок озод қилиш, мактабларда эркаклар билан тенглик асосида ўқитиш ва ишга жалб этиш. Уларнинг ҳуқуқларини эркакларга тенглаштириш тарафдориман», - деб ўзининг «шахсий фикри»ни билдирган[2].

Ўғил болаларга нисбатан қизларга илму ҳунар кўпрок зарурдир, деган фикрни илгари суриб: «Биз бечораларни шу ҳолларга қолғонимизга биринчи сабаб илмсизлигимиз, дунёдан хабарсизлигимиздур. Эй, оталар, ушбу ҳолимизни кўз олдига келтуриб бизларни оқартурурга, илм-маориф нуридин баҳравор қилурга ҳаракат қилингиз. Ўғил болалардин кўра қиз болаларга илм, ҳунар лозим эканлигини хотирингиздан чиқармасдан тездин ибтидоий мактаблар очмакка, маъсума қизларингизни дунёда бахтли ва саодат ила яшатурга ошиғингиз»[3], деган муносабатни жадидлар ўзларининг газеталарида чоп этганлар. Чунки «қиз бола юртнинг боғи ва бутун элу улуснинг чироғидир», деб давом эттиради бу чақирикни Садриддин Айний[4]. Жадидлар умуман, бу йўлда хотин-қизларнинг эски иллатлардан холи бўлиши ва янгича дунёвий яшаш тарзини бошлаши кераклиги ғоясини илгари сурдилар. Улар яратган асарларда буни яққол кўриш мумкиндир. Мисол учун, С. Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида» деган ҳикоясида жоҳил, худбин Холида мактабдаги ва оиладаги таълим-тарбия ишларини тўғри

---

[1] Тожи А. Биз Туркистонликларга қизлар мактаби керакми? // Турон. 1917. 5 май.
[2] Мунаввар Кори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарк, 2001. Б. 63.
[3] Тошкандлик бир муаллима. Ня учун ибрат олмаймиз? // Садои Туркистон. 1914. 20 май.
[4] Айний С. Қиз бола ёки Ҳолида. / Нашр Абдулвоҳид Мунзим. Берлин, 1924. Б. 1.

йўлга қўйиш натижасида бутунлай ўзгариб, унинг асосий мақсади «ўқимишли хотин бўлиб, халққа наф етказмоқ бўлди»[1]. Бу китоб хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши тўғрисидаги сиёсатни тарғиб қилишда ва хотин-қизлардан маълумотли кадрлар тайёрлашда муҳим рол ўйнади[2]. М.Сўфизода ҳам А.Чўлпон[3] каби хотин-қизларни паранжидан озод қилиш, саводини чиқариш тўғрисида қайғуриб, уларнинг ўз тилидан бу аҳволдан қутулиш истагини баён этди:

На ерда қизлар учун мактаб этдингиз таъсис,
На ердадур у китобларки, сиз ўкиб ёзолим.
Деюрсиз ўқуюнг, керак эскиларда деюр,
Усули савтия мактабларин йиқиб ёқолим[4].

Абдулла Қодирий хотин-қизларнинг инсоний фазилатларини кўрсатиш билан бирга, уларнинг муҳитидаги инсонга хос бўлмаган ярамас нуқсонларни, дағаллик, ҳақсизлик, хуллас, ҳаётда тез-тез учраб турадиган салбий ҳодисаларни хотин-қизлар йўлидан олиб ташлашни тавсия қилганди. Аёлларни ижтимоий ҳаётдан ажратиш мумкин эмас, жамиятда яшаган кишининг ҳаётдан узилиб қолиши табиат қонунига зид, шахс - аёллар ҳамиша ўз муҳити, эл-юрти тақдири билангина эмас, шу билан бирга жаҳон, бутун инсоният жамияти тақдири билан ҳам боғланиши зарур, деган хулоса чиқади. А. Қодирий фикрича, аёллар маърифатга, жамият ишида фаол иштирок этишга, гўзалликка, маданиятга, одобли ва юқори ахлоқли бўлишга интилишлари кераклигини таъкидлайди[5].

Туркистон хотин-қизларининг илм олишлари, дунёвий равнақ этиш йўлидан интилишларини Абдурауф Фитрат ҳам қўйидагича ифодалаб берган: «...хотинларимиз ва қизларимиз, миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда аёлларимиз эркаклардан хам кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз

---

[1] Айний С. Қиз бола ёки Ҳолида. / Нашр Абдулвоҳид Мунзим. Берлин, 1924. Б. 1.
[2] Ғаниев А. Садриддин Айнийнинг педагогик фаолияти ва таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари. - Т., 1965. Б. 19.
[3] Узбекский театр (Новейшие узбекские драматурги). // Наука и просвещение. 1922. № 1. С. 36.
[4] Шўро. 1911. № 13. Б. 410.
[5] Қаранг: Қодирий А. Ўтган кунлар. - Т., 1958. 371 б.

бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар»[1]. Хотин-қизлар илм олишлари учун шароитлар яратиш ва улардан фойдаланиш керакдир. Жадидлар шу мақсад йўлида олдинга интилиш зарурлигини уқтирганлар. «Хотинларга йўл очингиз ва ўқитингиз деган товуш, хусусан, бизнинг мусулмон оламида қаттиқ акс садо берсин. Бу ҳол хотинларнинг инсон бўлувлари ёғидан эмас, балки Руссиядаги мусулмонларнинг маърифатлари буни талаб қилади... Бугундан бошлаб мусулмон хотин-қизлари фаоллана бир суратда турмушнинг оқимина қатнашиб кетишлари керак. Мусулмон хотин-қизлари иш бошига!»[2]. Чунки «Аёлларнинг қуллик занжирларига боғланиши нафақат уларнинг ўзларини камситади, балки мусулмон дунёсининг маданий ривожланишига фожиали таъсир кўрсатиши мумкин, тараққиётга интилиш ҳаракатини анчагина сусайтиради», - деб баҳо берилган манбаларда[3].

Жадид намояндалари илмли, билимли хотин-қизлар жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, дунёвий ва умуман сиёсий ишларни эркаклар билан бир қаторда бажариши кераклигини таъкидлаганлар. Кўпгина ёш тараққийпарварларни бирлаштириб, уларнинг фикр-ғояларини мужассамлаштириб турган «Садои Туркистон» газетасини варақлаганда, бу муаммога бағишланган бир неча мақолаларни учратиш мумкин. Уларнинг бирида «Шариъат исломия, ақл ва идрок фазилат берилган ҳамма кишиларни дуруст эътиқод ва ҳақиқий маданият йўлига чақирмоқ учун нозил бўлган бир дин умумийдир. Баъзи бир жузъий ва арзимайдурган ҳукмларни чиқариб ташлагандан кейин эрлар ила хотин-қизларни ҳамма ҳукмларда баробар қилмиш. Илм ва маърифат каби энг улуғ фазилатларни, товҳид ва тонзия каби эътиқодларни, намоз ва эҳсон каби ибодатларни эркак ва хотун мусулмонларнинг ҳар бириға фарз қилиб олиш, сотиш ва ширкатлик ишлар каби муомилаларни ҳам одам боласининг ҳар бирига айирмасдан лашру қилмиш»[4]. Ёки Сора

---

[1] Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият, 1998. Б. 98.
[2] Нажот. 1917. 23 апр.
[3] Турк. ведомости. 1911. 27 июль.
[4] Шоҳ Камол Солиев. Никоннинг ҳуқуқ исломиясина бир назар. // Садои Туркистон. 1914. 16 сент.

Музаффариянинг «Айб ўзимизда» мақоласида ёзилишича, «бизда истеъдод ҳам бор, қобилият ҳам бор. Бир уй ичигина эмас, баъзи эрлар ҳам ўрнига келтира олмайдиган мамлакатлар идора қилатурғон қувват ҳам бор». Бу билан Шарқ аёлининг Оврўпа аёлларидек эркаклар билан тенг ҳуқуқли ҳаёт кечириши мумкинлиги ҳақида мушоҳада юритар экан, муаллиф ўзбек хотин-қизларларини бирлашишга, эскича ҳаёт тарзини ислоҳ қилишга чақиради: «Эй турк хотини! Халқимиз бизга саломат ақл ва фикрий бўлган истеъдод ва қобилият берганку! Они дунёга чиқаришдан манъ қилмоққа кимнинг ҳаққи бор»[1]. Бу фикрлар хотин-қизларимизни фақат илм олиш билан чекланмасдан, Туркистон жамиятининг маданий, маърифий ва сиёсий жабҳаларида фаол иштирок этишларига ундаган. Чунки жадидлар хотин-қизларни жамоат ишларида, сиёсий жараёнларда иштирок қилишлари зарурлигини ўз эътиборларидан четда қолдирмаганлар. Аёллар озодлиги, тенглиги ва сиёсий жараёнларда иштироки Шамс Нажмийнинг «Сайлов муносабати ила хотунлар масаласи»[2] номли мақоласида яққол кўзга ташланади.

1917 йилги Русияда ва асосан Туркистонда бўлаётган сиёсий воқеалар юқорида таъкидланган масалаларда асосий роль ўйнади. Чунки, Думага бўлаётган сайловларда хотин-қизларнинг иштироки ҳам асосий роль ўйнашини жадидлар ёқлаб чиққанлар. 1917 йил 20 августда Марғилон шаҳрида маҳаллий «Шўрои Ислом» ташкилоти фаоллари йиғилиши федералистлар фирқаси шўъбаси тузиш муносабати билан қабул қилинган маромномасининг 4 бандида қуйидагилар ёзилганди: «Миллатнинг йигирма ёшга етуб, аҳлият пайдо қилғон ҳар бир фарди: эр бўлсун, хотун бўлсун, - синф, дин ва мазҳаб айримасига боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур»[3].

1917 йилги феврал воқеаларидан кейин Туркистон жадидларининг хотин–қизлар муаммоси борасидаги фаолиятлари анча кенгайди. Чунки

---

[1] Музаффария С. Айб ўзимизда. // Садои Туркистон. 1914. № 36.
[2] Шамс Нажмий. Сайлов муносабати ила хотунлар масаласи. // Хуррият. 1917. 25 июль.
[3] Турк адамы марказияти (федералист) фирқасининг маромномаси. // Фан ва турмуш. 1990. № 7. Б. 6-7.

муваққат ҳукумат дастурига кўра мамлакат миллий ўлкаларида, хусусан, Туркистонда ҳам барча аҳолига илк бор сайлаш, шаҳар Думасига сайланиш имконияти берилган эди. Шунинг учун ҳам Туркистон жадидлари вақтли матбуот саҳифаларида ўз мақола ва чиқишларида хотин-қизларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этиши, сиёсий мустақиллик ва демократияни жорий этиш билан боғлиқ ишлар, кўп партиявийликнинг ва кенг жамоатчилик фаоллигининг ўта зарурлиги, улар ўртасидаги келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар салбий оқибатларини тарғиб этдилар. «Хўжабақо марбут бўлгани сабабли Туркистонда мусулмон хотинларининг сайлов ишларида иштироклари жуда оғир. Ҳолбуки, хотинларнинг сайловга иштироклари Туркистон мусулмони учун ҳаёт-мамот масаласидир», - дейди Заки Валидий. У хотин-қизларнинг сайловда овоз беришлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди ва М. Беҳбудий, А. Фитрат ва Ҳ. Муйинлар қатори бу вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Шунингдек, мусулмон хотин-қизларнинг сайловда қатнашишларининг аҳамиятини М. Беҳбудий қуйидагича ёзади: «Тошкент шаҳрида 48 минг руслар ва аскарлар бор. Бунга нисбатан 44 минг мусулмон эркаклар ва 39 минг мусулмон аёллар яшайди. Агар сайловда аёллар иштирок қилишмаса, албатта, руслар сайловда муваффақиятга эришишлари мумкин»[1]. Шунинг учун М. Беҳбудий «Уламо» жамияти аъзоларини бу масалага жиддийроқ муносабатда бўлишларини қайта-қайта такрорлайди. Чунки уламочилар сайловда мусулмон хотин-қизларнинг иштирок этишларига қарши чиқиб, ҳатто, аёлларни эркакларга қўшилмаган ҳолда алоҳида сайлов участкаларининг тузилиши хусусида ҳам бир фикрга келмаган эдилар. Мақолада М. Беҳбудий шўродаги зиёлилар «Уламо» жамиятига бир кеча-кундуз муҳлат бериб, аёлларни шариат асосида сайловда қатнашишларига қатъий жавоб беришларини талаб қилгани, лекин ҳозир жавоб олинмаганлиги ҳақида ҳам ўз фикрларини ёзган[2]. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат қуйидагиларни ёзган эди: «Мана энди эски ҳукумат

---

[1] Беҳбудий М. Марказий Шўромизда. // Ҳуррият. 1917. 3 июль.
[2] Ўша жойда.

битди, эски адолатсизликлар кўтарилди. Янги ҳукуматимиз халқ ҳукуматидир. Халқ истакларини бажо қилдирадиган ҳукуматдир. Шаҳар ишларини ўз қўлимизга топширмоқчи бўлди, шаҳар Думасига вакиллар таъсис қилмоқ учун сайлов берди. Ёш, қари, бой, қашшоқ, эр, хотун, 20 ёшдан юқори бўлган бутун одамлар бу сайловга келиб товуш берсинлар деди. Шаҳар Думасига русдан, мусулмондан, жуҳуддан (ҳар миллатдан) ўз саноғига қараб вакиллар олурлар. Қайси миллатларнинг вакиллари кўпроқ бўлса, шаҳар Думаси шу миллат фойдасигага қараб иш қилур... Шаҳар думасининг аҳамиятини билсак ўз шаҳримизнинг ихтиёрини ўз қўлимизга олмоқчи бўлсак, бошқа ишларимизни қўйиб сайлов куни, сайлов ерига келурмиз, шаҳар Думасига ўз вакилларимизни кўпроқ киргизурмиз»[1].

А. Фитрат сўзларидан билиш мумкинки, жадидлар ўзбек халқига хос, миллий хусусият бўлган тинч йўл билан жамоатчилик мурожаати орқали, Думадаги баҳслар йўлидан бориб, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қиламиз деган ният билан ҳаракат қилганлар. Чунки хотин-қизлар жамиятининг ҳар бир соҳаларида фаолият кўрсатишлари тенг ҳуқуқли бўлишлари керакдир. Жадидларнинг ғояларига кўра ўлка хотин-қизларини жамиятнинг тенг ва ҳақиқий аъзосига айлантиришнинг бирдан-бир йўли уларнинг маънавий ва маърифий равнақ этишидадир, табиат ато қилган имкониятлардан унумли фойдаланишдадир. Шу билан биргаликда, улар янада мухим шартлар сифатида миллий матбуотдан бошқа миллатлар тажрибасидан унумли фойдаланишни, мактаблар, жамиятлар, кутубхоналар ва қироатхоналар жорий этишни тавсия этганлар. Шуни қайд этиш жоизки, мусулмон хотин-қизларнинг шаҳар Думасига бўладиган сайловларда қатнаши масаласига бўлган муносабат миллий демократиянинг ўзида ҳам хилма-хиллигича қолган эди. Мисол учун, Заки Валидий «Сайловда мусулмон хотин-қизларнинг иштироки» номли мақоласида Туркистон хотин-қизларнинг сайловда овоз беришлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди[2]. Тошкентдаги «Шўрои Ислом»нинг 1917 йил 19 июнда бўлиб ўтган

---

[1] Фитрат А. Сайлов якинлашди. // Хуррият. 1917. 11 авг.
[2] Валидий Заки. Сайловда мусулмон хотин-қизларнинг иштироки. // Кенгаш. 1917. 25 июнь.

йиғилишида мусулмон аёлларининг Дума сайловларида қатнашиши тўғрисидаги фикрларда, агарда дума сайловларида «мусулмонларнинг русларга мағлуб бўлишлари собит бўладурғон бўлсалар, аёлларнинг ҳозири керакдир», - деган хулосалар қилинган, шу билан бирга Тошкент уламочиларидан «аёлларни паранжи ила ва алоҳида аёл комиссиялари хузурида эркакларга қўшилмасдан бормоқ»ларига иштироки масаласини жадидлар вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилиб турдилар ҳамда уларнинг жавоблари рус ва мусулмон матбуотида эълон қилиниши сўралади. Лекин бу хилдаги мурожаатга, Махмудхўжа Бехбудий маълумотига кўра, ўн марта қайтарилишига қарамасдан, уламочилар томонидан жавоб олинмаган[1].

«Уламо»чиларнинг бундай ҳаракатлари 1917 йил 21 июнда Андижонда бўлиб ўтган «Шўрои Ислом»нинг умумий мажлисида қаттиқ танқид остига олинади. Бу ҳақда андижонлик тараққийпарвар Шамс Нажмий: «Ажабо асрлардан бери тўй, аза, маърака, сир, зиёфат, мозорларга чиқиб юрган хотинларни ихтисоб этмаган зотлар, эмди ўз дини ва миллий ҳуқукларимизни қўлга келтирмоқ учун аёлларнинг мундай одоб ва ҳижоб доирасида сайловга қатнашмокларига не қаршилик кўрсатурлар», - деб ҳисоблайди[2]. Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларига жалб этиш нафақат сиёсий, балки ижтимоий, маънавий аҳамиятга эга эканлигини ҳикматларда ҳам тасдиқлайди. «Яна бир нарсани унутманкки, юртни идора қилиш илмини билиб, шунинг амалиёти билан машғул бўлиш хотунлар кўнглини поклайди, болалари қошида мартабасини орттиради»[3]. Хотин-кизларнинг қозилик вазифасини бажаришлари ҳақидаги масала ўша даврда шунчалик долзарб эдики, ҳаттоки мустамлакачилар манфаатларини ифода этадиган матбуот органларининг саҳифаларида бунга муносабат билдирилган. Ҳаттоки Исмоилбек Гаспринский ҳам «Дору р-роҳат» асарида ҳам амирнинг рафиқаси Ҳадича бонунинг давлатни бошқариш

---

[1] Бехбудий М. Марказий Шўромизда. // Ҳуррият. 1917. 3 июль.
[2] Шамс Нажмий. Сайлов муносабати ила хотунлар масаласи. // Ҳуррият. 1917. 25 июль.
[3] Ҳикматлар. // Мулокот. 1998. № 2.

ишларига аралашиши, аёллар қози (судья) каби турли вазифаларда ишлаши ғўғрисида ёзар экан, бу билан хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятда эркаклардан кам иш бажармаслигини кўрсатади»[1], - деб ёзади тадқиқотчи Г.Раҳимова. «Хотун киши қози бўла оладими?» деган саволга бунга қарши муносабатда бўлган кишилар «Хотун кишини қозилиги мутлақо дуруст эмас, негаким ақли қисқа бўлган учун ҳукумат мажлисларида эркакларга муомила қилмокни уддасидан чиқмаса керак», деб жавоб берадилар. Лекин баъзи тараққийлик мусулмониялар айтадурларким, мусулмония хотунлари хусусида эркакларга баробар бўлиб қозилик мансабига таъин бўлсалар ҳам бўладур» деган фикр ҳам бор эди»[2].

Бу интилишлардан кўринадики, Туркистон жадидлари мавжуд тузумнинг салбий томонларини, равнақ этиш учун ғов бўлаётган нодонлик, хурофий турмуш саркитларини очиқ–ойдин кўрсатиб берганлар. Улар Туркистондаги вақтли матбуот орқали маърифат, илм-фан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётга эришиш йўлларини асрий шарқона анъаналарга, ислом ақидаларини замон ва халқ манфаатига мослаб ислох қилишга чақирган. Шунинг учун ҳам жадидлар мусулмон хотин-қизларни озодликка чиқаришга, тенг ҳуқуқли қилишга, шу билан тараққиёт йўлига, илм-фан, маърифатга, дунёвий ишларни ўрганишга чақирганлиги, ундаганлиги уларнинг хизматлари беқиёслигини кўрсатарди. Энг асосийси, эркаклар билан тенг ҳуқуқда жамоат ишларида қатнашишлари, сайловларда иштирок этишлари учун қилган саъй–ҳаракатлари Туркистон маърифатпарварларининг шарқ мамлакатларида биринчилардан бўлиб интилганлигини кўрсатарди. Шу ўринда бухоролик Зуҳриддин Фатҳиддинзоданинг қуйидаги фикрларни келтириш ўринлидир: «Эй, Туркистонлик Ватандошларим! Биз шунча хотин-қизларимизга ёмон кўз билан қараймиз. Биз шунча хотунлар ҳаққига шафқат ва марҳаматсизлик қиламиз. Етар энди, бу бечораларни асорат занжирида тутмоқ, етар жаҳолат чукурига иткитмоқ. Агарда бизлар хотин-қизларимизни бу ҳолда

---

[1] Раҳимова Г. Жадидлар ва аёллар масаласи. // Адабий мерос. 1992. № 2 (59).
[2] Хотун киши қози бўла оладими? // Туркистон вилоятининг газетаси. 1912. 15 июль.

илм ва тарбиядан махрум қилаверсак, ўзимизга зўр зарарлар келтурамиз. Келажак замонларда булардан вужудга келадурғон ва буларнинг қучоғида ўсадуроғон аждодларимизнинг жоҳил ва нодон колишига ўзимиз сабаб бўлурмиз. Келинг, энди ғафлат кўрпасини уйимиздан иргитиб, бирлик ва иттифоқ ила бир миллат анъаналарини жаҳолат панжасидан қутқарайлик, адолат ва инсоният юзасидан бу Ватан оналарига тартиблик мактаблар очиб берайлик. Мана келажагимиз. Саодат ва бахтиёрлигимиз шул хотин-қизлар тарбиясига келиб тириладур»[1]. Бу фикр аёлларнинг ўзлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланган эди: «Эркаклардан кўпроқ қизлар учун латта-путталар учун исроф қиладурғон сўмларингизни дин ва дунё учун керакли бўлган тарбия ва таълим йўлига сарф қилмоқлигингизни ва бу биргина бўлсун бизлар учун тартиблик мактаб очиб бермоғингизни таманно қилурмиз»[2], деб улар оталаридан сўраганлар. Оренбург шаҳридаги хотин-қизлар эса «Туркистон вилоятининг газети» орқали Давлат Думасига юборган аризаларида «Биз мусулмония заифалари учун тамомий одамизод ҳуқуқларини талаб қилгайсизлар!» - деб депутатларга мурожаат қилганлар[3].

Лекин кўриб чиқилаётган даврда Туркистон хотин-кизларининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, муносабат билдиришлари табиий ҳол бўлган эди деб, айтиб бўлмайди. Чунки хотин-қизларга нисбатан бўлган ғоявий муносабатда жадидлар кўп қаршиликка учраганлар. Ҳаттоки, «зиёлилар (жадидлар – Д.Р.) Шаҳар думаси ва таъсис мажлисига аёллардан делегатлар юбориш масаласида диндорлар билан кураш олиб боради. Марказда чақирилган умуммусулмон Курултойида Убайдулла Хўжаев Туркистон аёлларини озод қилиш масаласини кўтаради, - деб, маълумот беради Мунаввар Қори ва давом этиб, - маҳаллий зиёлилар аёлларни озод қилиш учун курашган», - жадидларнинг бу масалада асосий йўналишини ифодалаб берган[4].

---

[1] Фатхиддинзода З. Хукуки нисвон. // Садои Туркистон. 1914. 10 дек.
[2] Подшоххоним Жалилова. Идорага мактублар. // Садои Туркистон. 1914. 24 дек.
[3] Туркистон вилоятининг газетаси. 1908. 30 март.
[4] Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарк, 2001. Б.62.

XX аср бошида жадидлар Туркистонда маърифат, илм-фан, маданият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда кураш олиб бордилар. Улар маҳаллий халкни озодликка, истиқлолга, мустақиллик учун курашга чорладилар. Шу йўлда мусулмон хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқукда бўлишлари, Туркистоннинг жамоат ишларида қатнашишлари ғояларини илгари сурдилар. Шундагина Туркистон равнак этиши, ривож топишини уқтирганлар. Бунинг учун вақтли матбуот саҳифаларида мақолалар эълон қилиниб, Туркистон миллий демократлари, тараққийпарварлари, маърифатпарварлари хотин-қизларнинг сайловларда иштирок этишлари, Туркистоннинг миллий равнақи, ижтимоий–иқтисодий ва маданий ривожида қатнашишларини қўллаб қувватлашга чақирдилар.

Демак, Туркистон озодлиги ва мустақиллиги йўлида хотин-қизларнинг маданий ва маърифий жараёнларда иштирок эттириш ҳам жадидларнинг эътиборидан четда қолмаган. Жадид мафкураси илгари сурган аёл, оила, жамият масалалари умуминсоний муаммоларни ҳал этишга қаратилган эди. Бунда улар қуйидаги асосий йўналишларни белгилаб олган эдилар:

- жамиятнинг тараққиёти хотин-қизларга боғлиқ эканлиги ғоясини илгари суриб, уларга бўлган салбий муносабатни ўзгартириш;

- нафақат диний, балки дунёвий ишларни бажаришда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлаш;

- хотин-қизларни маърифат ва илм-фанга жалб этиб, уларнинг маънавий-маърифий қиёфасини ўзгартириш;

- аёлларни ўкитиш учун янги усулдаги мактаблар очиш;

- ёшлар тарбиясида она, аёлнинг катта аҳамият касб этиши;

- хотин-қизлар ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ маърифат қолоқлиги, уруғчилик, диний жоҳилликни танқид қилиш;

- ўкимишли хотин-қизлар давлат, жамият ишларида қатнашиш ҳуқукига эга эканлиги;

- хотин-қизларни сиёсий жараёнларга жалб этиш ва ҳоказо.

ХУЛОСА

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва маданий ғоявий жадидчилик ҳаракати шаклланди, у тарихий жараён эҳтиёжлари ва конкрет тарихий вазиятга сабаб бўлди. У миллий интеллигенция томонидан халқ ва мамлакат аҳволини чуқур сиёсий англашган, Туркистон жамиятини модернизациялаш тизимининг дастури ва лойиҳасини яратиш ва ниҳоят мустақилликка эришишга имкон берди. Марказий Осиёнинг узоқ муддат давом этган миллий ва ижтимоий регрессини тўхтатишга интилиб, унинг ривожланишини янги йўналишга қаратиб, жадидлар ижтимоий ҳаётнинг йўналишини қамраб олувчи бир қатор ислоҳотларни амалга оширишни таклиф қилишди. Оғир шароитларда Туркистон жадидлари ўзларининг маърифатпарварлик, мустақиллик, истиқлол, Ватан озодлиги, халқимиз равнақи йўлидаги ғоялари билан фидойилик кўрсатиб кураш олиб бордилар. Зероки, «улар ўт билан ўйнашаётганликларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари шунга даъват этган», - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, миллий истиклол йўлида жонларини фидо қилган жадидлар номларини тилга олиб[1].

Миллий тикланиш ва тарихий тараққиётни кучайтириш бўйича ўзларининг ватанпарварлик фаолиятида жадидлар асосий эътиборни янгиланиш жараёнида ёшларнинг ролини оширишга қаратган эдилар. Улар давлат ва жамиятнинг келажаги ёш авлод қўлида эканлигини, айнан ёшлар Туркистонни мустамлакачилик зулмидан озод қилувчи бош куч эканлигини аниқ тушуниб етишди. Шунинг учун жадидлар бор кучларини ёшларнинг кенг дунё қарашли, юқори илмли, нафақат Шарқ, балки Ғарб маданий меросини чуқур эгаллашларига беришган. Улар ўзларининг ғоявий тасаввурларини улар ҳам янги услубдаги мактабларни яратишда, ҳам ёшларни ривожланган мамлакатларнинг олийгоҳларида ўқитиш

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон. 1999. - Б. 136.

имкониятларида гавдалантирганлар. Жадиларнинг концептуал дунёқарашида муҳим эътибор таълим тизимини қайта қуриш ва амалга оширишга қаратилган. Улар шунга амин бўлишганки, тараққиёт сари йўл халқ маорифи ва янги илмли авлодни тарбиялаш орқали боради. Бу масалани ҳал қилишда жадидлар томонидан ўша даврнинг талабларига жавоб берувчи миллий таълимнинг ўзига хос модели ишлаб чиқилган эди. Уларнинг ташаббуси билан Туркистонда янги услубдаги мактабларнинг кенг тармоғига асос солинди, уларда диний фанлардан ташқари дунёвий фанлар ҳам ўргатилган. Синфий мусулмон ўқув даргоҳларининг диний-маърифий асосларини сақлаб қолиб ва жахон педагогик тафаккур ютуқларига таяниб, бу мактаблар ўқувчиларига зарур амалий билимларни берган. Чор маъмурияти жадидларнинг педагогик фаолиятида таълимнинг мустамлака тизими учун жиддий хавфни кўрар эди. Шунинг учун янги услубдаги мактабларнинг ривожланишга тўсқинлик қилган. Бироқ у халқ иродаси олдида кучсиз эди ва бу кучли ҳаракатни халқ маорифи соҳасида тўхтата олмади.

Туркистон жадидлари М.Абдурашидхонов, М.Бехбудий, С. Сиддикий-Ажзий, А. Авлоний, А. Фитрат ва бошқалар Туркистонда маориф тизимини янгича қуриш учун фидойилик кўрсатдилар. Бу фидокорона ишларни улар миллий манфаатлар билан боғлаб амалга оширдилар ва ривожлантирдилар. Жадидлар фаолиятидан билиш мумкинки, улар маърифатпарварлик билан чекланиб қолмасдан, Туркистон халқлари, айниқса ёшларнинг маданий ҳаётига чуқурроқ кириб борганлар. Туркистон ёшларининг чуқур билимли, маърифатли, маданиятли бўлишлари учун ғоявий кураш олиб борганлар. Бунинг учун жадидлар янги дунёвий ва қисман диний таълим берадиган мактабларни тугатган болалар ривожланган мамлакатларнинг ўқув юртларида таҳсил олишлари кераклиги фикрини илгари сурганлар ва бу ишларни амалга ошириш учун интилганлар. Умуман, жадидлар Туркистонни мустамлакачилар зулмидан озод қилишда асосий куч ёшларда эканлигини кўра билдилар. Бу мақсадда улар ёшларни ғоявий жиҳатдан бирлаштирувчи ташкилотлар, жамиятлар тузидилар.

Ёшларнинг ғоявий фикрларини амалга ошириши, суҳбатлар ўтказишлари учун кечалари бир-бирларининг уйларида йиғилиб турганлар. Жадидлар томонидан «Умид», «Ёрдам», «Ғайрат», «Маърифат» номли жамиятлар, «Туркистон», «Мактаб», «Исмоил» номли китоб дўконлари ва кироатхоналар очилган.

Ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш ва янада чуруқлаштириш мақсадида театрлар ташкил этганлар. Театр санъатининг замонавийлаштирилиши Туркистоннинг маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар дунёқарашини шакллантиришда катта ўрин тутди. Бу борада жадидлар театрдан ўз мақсадларида фойдаланишлари мумкин эди. Жадид драматурглари томонидан яратилган асарларда ҳаётнинг долзарб муаммолари ва уларнинг ечими кўрсатилган.

Театр санъатидаги ислоҳотлар ҳақида жадид матбуоти хабар бериб турар эди. Ислоҳотчи журналистлар ўз публицистик мақолаларида нашавандлик, ичкиликбозлик, кашандалик, фоҳишабозлик, хотин-қизлар ҳуқуқсизлигини қоралаган. Жадид матбуоти, шунингдек, урушга, ижтимоий ва маънавий инқирозга, жамиятнинг табақаланиши ва халқ оммасининг ижтимоий қолоқлигига ҳам қарши чиқди. Мақолаларда бидъат, хурофотга, умуман, Туркистон жамиятининг тараққиётига тўсқинлик қилувчи барча нарсаларга қарши курашга катта эътибор бериларди. Жадид матбуотининг асосий вазифаси маорифни тубдан қайта қуриш ва ижтимоий тараққиётни тарғиб этишдан иборат бўлган. Шунинг учун жадидлар матбуот орқали ўқувчини жаҳон нуфузи ва жуғрофиясидан, жаҳон тарихининг халқаро воқеаларидан хабардор этиш вазифасини кўйишган эди. Улар, шунингдек, аҳолини Ғарбдаги илмий-техник ихтиролар билан ҳам таништириб боришарди.

Вақтли матбуот саҳифаларида жадидлар ўзлари ёзган мақолалар, шеърлар орқали ёшларни мустақиллик, истиқлол, миллат равнақи, илм олиб, келажакка интилишга чорлаганлар.

Жадидлар юқори билимли ва маънавий ривожланган ёшларни тарбиялаш вазифасини оила ва хотин-қизлар муаммолари билан узвий боғлаганлар.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг маърифатпарварлик, маънавий-маданий ва ижтимоий-сиёсий ғоялари каторида оила масаласи ҳам муҳим деб ҳисобланган. Чунки аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил қилган хотин-қизларга ўрта асрчилик муносабатларини ўзгартириш, уларни маърифатга ва илму фанга жалб этиш, оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини замонавий тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмаслиги, охир-оқибатда миллат тақдири унинг хотин-қизларига, оилаларига боғлиқ эканлиги каби ғояларни илгари сурмаслиги мумкин эмас эди.

Жадидлар оиланинг асоси бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқини эркаклар билан тенглаштириш, уларнинг маънавий-маърифий қиёфасини ўзгартиришни ўзларининг ўта зарурий вазифалари деб тушунганлар. Шу билан бир қаторда кўпхотинлик, мажбурий эрга бериш, хотин-қизларни камситиш, давлат ишларига аралаштирмаслик ва ҳоказоларга қарши фикрларини билдириб, жадидлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини аниқ белгилаб берган эдилар. Айникса, жадидларнинг оила масаласидаги дунёқарашларини Абдурауф Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида мужассамлашган деб хисоблаш мумкин.

Жадидлар томонидан чиқарилган газета ва журналлардаги мақолалар ва шеърлар, асарларда болалар тарбияси оилада мустаҳкам бўлса, кейинчалик мактаб ва ўқув юртида ўқиши, илм олиши, ҳунарларни мукаммал ўрганиши осон кечиши уқтирилган.

Оилада ота-онанинг фарзанд тарбиясига кўпроқ эътибор беришлари одобли, ахлоқли фарзанд тарбиялашлари XX аср бошларида Туркистондаги асосий масала эканлигини жадидлар ўз асарларида илгари сурдилар. Мисол учун, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасида тарбиясиз, ўқимаган боланинг ачинарли аҳволи ёритилади. Чунки чор ҳукумати мустамлакачилиги давридаги аҳвол, Туркистонга зиёли, ўқимишли, билимли

Ватан бахт-саодати, равнақи, ривожи ва мустақиллиги, истиқлоли, озодлиги учун курашувчи ёшларни талаб қилган. Шундай ёшларни тарбиялаш оиладан бошланишини жадидлар тўғри таъкидлаганлар.

Улар оиладаги тарбия орқали фарзандларда ақлий ривож, ирода, маънавий фазилатлар шаклланиб, равнақ этишини уқтирганлар. Оиладан кейин фарзандларнинг маданий-маърифий тарбиясида мактаб ва ўқитувчилар ҳам асосий ўрин тутганлар. Жадидлар ёшларнинг келажакда ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбияланишида устозлар катта ёрдам кўрсатишларини исботлаб берганлар. Жадидларнинг фикрича, ўқув юртларини тугатган ёшлар миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, халқ истиқлоли, мустақиллиги, равнақи, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ривожи учун кураша оладиган бўлиб етишишлари зарур.

Туркистон жадидлари ўз ғоявий қарашларида ва умуман фаолиятларида хотин-қизлар масаласига чуқур эътибор берганлар. Чунки, жадидларнинг таъкидлашларича, аёллар оилада ва фарзандлар тарбиясида асосий шуғулланувчилар бўлганликлари учун, улар ҳам ўқиб, билим олишлари керак. Улар хотин-қизлар жамиятнинг дунёвий ишларида қатнашиши керак деган ғояни ҳам илгари сурдилар.

Мустамлака Туркистонда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари асрлар давомида чекланган эди. Шундай оғир шароитда жадидлар аёлларни ҳам ғафлат уйқусидан уйғотиш, илм-олиш учун интилишларига шарт-шароитлар яратиш учун курашдилар.

Жадидлар мактаблар қаторида хотин-қизлар учун ҳам кутубхоналар ташкил этдилар, вақтли матбуот саҳифаларида аёлларни ўз ҳақ-ҳуқуқлари, маърифатли, илмли, билимли бўлишига чорловчи мақолалар, асарлар ва шеърларни эълон қилдилар.

Жадидлар маълумот олган хотин-қизлар келажак авлодни, фарзандларни тарбиялашда асосий роль ўйнашини қайта-қайта таъкидладилар. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни эски иллатлардан холи қилиш ва янгича дунёвий яшаш тарзига ўтказиш ҳамманинг вазифаси

эканлиги ва бу ғояни амалда бажариш учун барча бирлашиши керак, деб ҳисоблаганлар.

Шундай қилиб, мустамлакачилик зулмининг оғир шароитларида Туркистон жадидлари миллий манфаат, халқни маънавий кўтариш, янги ҳаёт тарзи ва тарихий тараққиёт учун фидокорона курашларнинг ёркин мисолини намойиш этишди. Улар кенг халк оммасининг, уларни миллий озодлик ғоялари билан илҳомлантириб миллий ўз-ўзини англаш даражасини кўтара олишди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Расмий хужжатлар

1.1. Каримов И.А. Тарихий ҳотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ. 1998. - 31 б.

1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т. 7. - Т.: Ўзбекистон. 1999. - 410 б.

1.3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. - Т.: Ўзбекистон. 2000. - 528 б.

II. Манбалар ва архив ҳужжатлари

2.1. Абд ур Рауфъ. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). - Самарканд: Махмудходжа Бегбуди. 1913. - 102 с.

2.2. Айний С. Таҳсиб ус сибиён. - Самарқанд: Газаров матбааси (ношир: ширкат «Китобхонаи маърифат»). 1909. - 52 б.

2.3. Айний С. Қиз бола ёки Ҳолида (ношир: Абдулвоҳид Мунзим). Берлин. 1924. - 25 б.

2.4. Гаури И. Ислам и его влияние на жизнь его последователей. / Пер. с нем. П. И. Хомутова. - Т.: Типо-лит. бр. Каменских. 1893. - 577 с.

2.5. Лебедева О.С. Об эмансипации мусульманской женщины. СПб. 1900. - 167 с.

2.6. Тавалло. Қариндош ва ҳамшираларимиз - мазлума қизлар тилиндан. Равнақул ал-Ислом. Шеърлар мажмуаси. - Т., 1916. - 165 б.

2.7. Восток. - М., 1922.

2.8. Историк-марксист. - М., 1926.

2.9. Иштирокиун. 1919.

2.10. Кенгаш. 1917.

2.11. Коммунистическая мысль. 1927.

2.12. Маориф ва ўқитгувчи. 1929.

2.13. Нажот. 1917.

2.14. Наука и просвещение. 1922.

2.15. Новый Восток. 1923.

2.16. Ойна. 1913, 1914.

2.17. Садои Туркистон. 1914, 1915.

2.18. Салои Фарғона. 1914, 1915.

2.19. Туркестанский голось. 1916.

2.20. Туркестанский сборник. СПб. 1880.

2.21. Туркестанский учитель. 1917, 1919.

2.22. Туркестанские ведомости. 1911, 1912, 1915, 1916.

2.23. Туркистон. 1922.

2.24. Туркистон вилоятининг газети. 1900, 1901, 1906-1914.

2.25. Турон. 1917.

2.26. Улуғ Туркистон. 1917, 1918.

2.27. Хуршид. 1916.

2.28. Шўро. 1911.

2.29. Ҳуррият. 1917.

✓ III. Адабиётлар

3.1. Абдуазизова Н. Печать и строительство социализма. - Т.: Узбекистан. 1977. - 127 с.

3.2. Абдуазимова Н. Ўзбекистон журналистикасининг шаклланиши ва равнаки: (XIX аср охири - XX аср боши). - Т.: Фан. 1998. - 158 б.

3.3. Абдуллаева Д. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда аёлнинг роли. // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва Гендер муаммолари: Илмий-амалий конф. маърузалари тўплами. - Т., 1999. - Б. 38-42.

3.4. Авлоний А. Танланган асарлар: 2 т. Т. 2 / Таҳрир ҳайатч: О.Шарофиддинов ва бошқалар; Тўпловчи Б. Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О.Тўлабоев тузган. - Т.: Маънавият. 1998. - 304 б.

3.5. Авлоний А. Тошкент тонги. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1979. - 391 б.

3.6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи. 1992.- 160 б.

3.7. Авшарова М.П. Узбекская женщина в прошлом и настоящем. - Т.: Госиздат УзССР. 1958. - 176 с.

3.8. Айний С. Асарлар. - Т.: Бадиий адабиёт. 1964. - 453 б.

3.9. Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. - Душанбе: Адиб. 1987. - 80 б.

3.10. Айний С. Қисқача таржимаи холим.- Т.: Узадабийнашр. 1960. - 135 б.

3.11. Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун (мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). - Т.: Фан. 1995. - 15 б.

3.12. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. - Т.: Маънавият. 2000. 167 б.

3.13. Алексеенко П.А. Қўқон автономияси.- Т.: Ўздавнашр. 1931. - 76 б.

3.14. Алиев А. Великий Октябрь и революционизирование народов Бухары. - Т.: Госиздат УзССР. 1958. - 52 с.

3.15. Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. - Т.: Ўзбекистон. 2000. - 24 б.

3.16. Алимова Д.Ж. Жадидчилик мустамлака даври тарихчиси талқинида. // Ўзбекистоннинг янги тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. - Т., 1998. - 96 б.

3.17. Алимова Д.А. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури. // Жадидчилик, ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т., 1999. Б. 35-52.

3.18. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии (история изучения и современные проблемы). - Т.: Фан. 1991. - 133 б.

3.19. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941 гг.). (Краткий историографичсский очерк). - Т.: Фан. 1987. - 69 с.

3.20. Алимова Д., Рашидова Д. Махмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури. - Т.: Академия. 1999. - 54 б.

3.21. Анъаналар, дин ва аёлларнинг ижтимоий мақоми. // Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида маъруза. - Т.: Гендер ва ривожланиш, RBEC // Undz, 1999.

3.22. Аюбджанова М. Женский вопрос в дореволюционном Туркестане. // Науч. тр. Ташк. Ун-та. 1964. Вып. 254. С. 207-213.

3.23. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига қарашлар. // Масъул муҳаррир: Н. Каримов. - Т.: Маънавият. 2001. - 12 б.

3.24. Беҳбудий М. Танланган асарлар. / Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б. Қосимов. - Т.: Маънавият. 1999. - 280 б.

3.25. Брагинский И. О природе среднеазиатского джадидизма в свете литературной деятельности джадидов. // Из истории таджикской и персидской литератур. - М., 1972. С. 437-460.

3.26. Вахабов М.Г. Ташкент в период трёх революций. - Т.: Госиздат УзССР. 1957. - 284 б.

3.27. Вохидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. - Т.: Узбекистан. 1979. - 155 с.

3.28. Дадонов Н.К. Победа Октябрьской революции в Туркестане. - Т.: Госиздат. 1958. - 104 с.

3.29. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. - Т.: Шарқ. 1994. - 114 б.

3.30. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам, № 1). - Т.: Университет. 1999. - 218 б.

3.31. Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни.- Т.: Фан. 1993.-116 б.

3.32. Жалолов Т. Ўзбек шоиралари.- Т.: Адабиёт ва санъат. 1980. - 414 б.

3.33. Житов К., Непомнин В. Колониал кулликдан социализмга. - Т.: ЎзКП(б) МК партнашри. 1939. - 41 б.

3.34. Житов К.Е. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Ўзбекистондаги ғалабаси. - Т.: Ўздавнашр. 1949. - 80 б.

3.35. Зиё Саид. Танланган асарлар. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1974. - 163 б.

3.36. Зиёев Х. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. - Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. - 288 б.

3.37. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. - Т.: Шарқ. 1998. - 480 б.

3.38. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. - Т.: Шарқ. 2001. - 448 б.

3.39. Зиёева Д. Туркистон миллий-озодлик ҳаракати. - Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. - 178 б.

3.40. Ибрат. Сиддиқий-Ажзий. Суфизода. Танланган асарлар. / Таҳрир ҳайати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муаллифлари: Б. Қосимов ва бошқ./ - Т.: Маънавият. 1999. - 230 б.

3.41. Иброхимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. - Т.: Ўзбекистон. 1997.- 439 б.

3.42. История и историография национально-освободительных движений II половины XIX - начала XX в. Средней Азии и Казахстана. - Т.: Фан. 1989. - 132 с.

3.43. Икромов А. Танланган асарлар. - Т.: Ўзбекистон. 1972. - 510 б.

3.44. Иноятов Х.Ш. Победа советской власти в Туркестане. - М.: Мысль. 1978. - 364 с.

3.45. Иноятов Х.Ш. Ўзбекистонда Октябр революцияси. - Т.: Уздавнашр. 1957. - 439 б.

3.46. Иньомов Р. Ўзбек зиёлилари. - Т.: Ўздавнашр. 1926. - 96 б.

3.47. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана. // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. - Т.: Фан. 1996. - 83 б.

3.48. Ишанов А.И. Создание Бухарской народной советской Республики (1920-1921 гг.). - Т.: Изд. АН УзССР. 1955. - 180 с.

3.49. Ишанов А.И. Файзулла Ходжаев. Очерк жизни и деятельности. - Т.: Узбекистан. 1972. - 111 с.

3.50. Каримов Н. Абдулхамид Чўлпон. - Т.: Фан. 1991. - 84 б.

3.51. Каримов Ғ.К. Ўзбек адабиёти тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1975. - 326 б.

3.52. Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. - М.: Изд. АН СССР, 1955. - 560 с.

3.53. Климович Л. Ислам в царской России.- М.: ГАИЗ. 1936.-406 с.

3.54. Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность (конец XIX - начало XX вв.). - Т.: АН УзССР. 1962. - 344 с.

3.55. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения: Историографический очерк. - Т.: Фан. 1979. - 182 с.

3.56. Мавлоний Э. Туркистонда 1905-1907 йиллардаги революция. - Т.: Қизил Ўзбекистон. 1955. - 36 б.

3.57. Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конф. материаллари.- Т.: Маънавият. 2001.-144 б.

3.58. Махмудов Ғ. Жадид адабиётида миллий истиқлол мавзуи. - Т.: Ўзбекистон. 1999. - 112 б.

3.59. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. - Т.: Университет. 1993. - 135 б.

3.60. Миловидова Э. Хотин-қизлар масаласи ва хотин-қизлар ҳаракати. Хрестоматия. - М. - Л.: Госиздат. 1929. - 168 б.

3.61. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари: Абдурауф Фитрат. - Т.: Фан. 1993. - 247 б.

3.62. Миртурсунов З. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари. - Т.: Ўрта ва олий мактаб. 1961. - 64 б.

3.63. Муминов И. Избранные произведения. - Т.: Узбекистан. 1976. – 382 б.

3.64. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). - Т.: Шарқ. 2001. - 128 б.

3.65. Мустафоева Н. Туркистон миллий зиёлиларининг қарашларида аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни масалалари. // «Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва Гендер муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конф. маърузалари тўплами. - Т., 1999. Б. 61-63.

3.66. Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон. Мунавварқори ва бошқалар. - Т., 1992. - 136 б.

3.67. Пясковский А.В. Революция 1905-1907 гг. в Узбекистане. - Т.: Госиздат УзССР. 1957. - 254 с.

3.68. Ражабов З.Ш. По страницам журнала «Ойна» // Изв. АН - ТаджССР. 1984. № 4. С. 312.

3.69. Ражабов Н.Р. Маънавият сарчашмалари. - Т.: Фан. 1999.- 125 б.

3.70. Ражабов Қ. Жадидлар - истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. - Т., 1998. - 96 б.

3.71. Рахмонов М. Узбекский театр с древнейших времён до 1917 года. - Т.: Изд. лит. и искусства. 1981. - 312 с.

3.72. Рахмонов М. Хамза Ҳакимзода Ниёзий ва ўзбек совет театри. - Т.: Бадиий адабиёт. 1959. - 390 б.

3.73. Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарқ. 1997. - 320 б.

3.74. Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди. /Тузувчи-муаллиф М. Ҳасаний. - Т.: Ўқитувчи. 1994. - 128 б.

3.75. Сайфуллоев А. Мактаби Айний.-Душанбе: Ирфон. 1978.-352 саҳ.

3.76. Саъдий А. Ўзбек буржа адабиёти (XIX-XX аср). - Т.: Узадабийнашр. 1934. - 221 б.

3.77. Сидқий-Хондайлиқий. Танланган асарлар. / Таҳрир ҳайати: О.Шарафиддинов, Н. Аминов, Б. Қосимов ва бошқ.; Тўпловчи, сўз боши ва луғат муаллифлари: Б.Қосимов, Р.Жавҳарова.- Т.: Маънавият. 1998.- 304 б.

3.78. Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий - жадидчилик ҳаракатининг фаол курашчиси. // Ўзбекистоннинг янги тарихи концептуал-методологик муаммолари. - Т.: Академия. 1998. - 360 б.

3.79. Турдиев Ш. Международные связи туркестанских джадидов и политика правящих властей в 1910-1917 гг. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиклолчилик)» мавзусидаги халқаро конф. материаллари. - Т., 2001. Б. 48-53.

3.80. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости // Колл. авт. Р.М.Абдуллаев. С.С.Агзамходжаев, И.А.Алимов и др./. - Т.: Шарк. 2000. - 672 с.

3.81. Туркистон жадидчилиги ва истиклол муаммолари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд. 1996. - 56 б.

3.82. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. - Т.: Фан. 1997. - 176 б.

3.83. Фаттоев М. Атоқли педагогларимиз. - Т.: Ўқитувчи. 1988.- 52 б.

3.84. Фаттаев М. Видные педагоги Самарқанда. Самарқанд: Изд. - Самарканд. Ун-та, 1961. - 42 с.

3.85. Фитрат А. Танланган асарлар: 2 т. / Таҳрир ҳайати: О.Шарофиддинов ва бошк.; Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Ҳ.Болтабоев; Масъул муҳаррир Н. Каримов. - Т.: Маънавият. 2000. - 206 б.

3.86. Фитрат А. Чин севиш: Шеърлар, драмалар, мақолалар. / Масъул мухаррирлар Б.Қосимов, С.Эркинов. - Т.: Адабиёт ва санъат. 1996. - 256 б.

3.87. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова; Тарж. Ш. Воҳидов. - Т.: Маънавият. 1998.- 112 б.

3.88. Франц Д. Центральноазиатские студенты в Германии - начало демократических традиций. // Материалы междунар. симпоз. «Молодежь и демократия на пути определения политических и духовных ориентиров (14-15 сент. 1998 г.). - Т., 1999. С. 24-27.

3.89. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. - Т., 1926. - 105 б.

3.90. Чўлпон А. Адабиёт надир. - Т.: Чўлпон. 1994. - 240 б.

3.91. Чўлпон А. Гўзал Туркистон; Шеърлар. / Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Дўстқораев. - Т.: Маънавият. 1997. - 128 б.

3.92. Чўлпон А. Яна олдим созимни.-Т.:Адабиёт ва санъат.1991.-576 б.

✓ 3.93. Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. - Т.: Ўқитувчи. 2002. - 176 б.

3.94. Шарофиддинов О. Чўлпонни англаш. - Т.: Ёзувчи. 1994. - 48 б.

3.95. Элбек. Мунгли қушим: Шеърлар. / Сўзбоши Иброҳим Ёркин; Таҳрир ҳайъати: О. Шарофиддинов (масъул муҳаррир) ва бошқ. - Т.: Мерос. 1999. - 144 б.

✓ 3.96. Эрназаров Т. Туркистон вақтли матбуоти (1870-1924). - Т.: Уздавнашр. 1959. - 147 б.

3.97. Эрназаров Т.Э., Акбаров А. История печати в Туркестане (1870-1925 гг.). - Т.: Фан. 1976. - 148 с.

3.98. Қаюмов Б. Ҳамза: (Ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида илмий лавҳалар). - Т.: Ёш гвардия. 1973. - 263 б.

✓ 3.99. Қодирий А. Ўтган кунлар (тарихий роман). - Т.: Бадиий адабиёт. 1958. - 374 б.

✓ 3.100. Қосимов Б. Жадидчилик. // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. - Т., 1993. Б. 19-21.

✓ 3.101. Қосимов Б. Жадидчилик ва янги ўзбек адабиёти. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). - Т.: Маънавият. 2001. Б. 74-76.

✓ 3.102. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспринский. - Т.: Мерос. 1992. - 48 б.

✓ 3.103. Қосимов Б. Маслакдошлар (Беҳбудий, Ажзий, Фитрат). - Т.: Шарқ. 1994. - 160 б.

✓ 3.104. Қосимов Б. Буюк сиймолар, алломалар (3-китоб). Мунавваркори Абдурашидхонов. - Т.: Мерос. 1997. - 144 б.

3.105. Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане (конец XIX - начало XX в.). - Т.: Фан, 1980. - 176 с.

3.106. Ниёзий Ҳ.Ҳ. Тўла асарлар тўплами: 5 томлик. - Т.: Фан, 1988.

Т.1. 380 б.

Т.2. 564 б.

Т.3. 288 б.

Т.4. 1989. 347 б.

Т.5. 391 б.

3.107. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди ва проблемалари (тадқиқотлар). - Т.: Фан. 1988. - 318 б.

3.108. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (ҳужжатлар тавсифи). - Т.: Фан. 1979. - 120 б.

3.109. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар (давра суҳбати материаллари). - Т.: Эльдинур. 1998. - 96 б.

3.110. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар (даврий тўплам, № 2). - Т.: Шарқ. 1999. - 208 б.

3.111. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар (М.М.Хайруллаев таҳрири остида. - Т.: Ўзбекистон. 1995. - 240 б.

3.112. Ўзбекистоннинг янги тарихи. - Т.: Шарқ. 2000. - 560 б.

3.113. Ғаниев А. Садриддин Айнийнинг педагогик фаолияти ва таълимтарбия тўғрисидаги фикрлари. - Т.: Ўқитувчи. 1965. - 81 б.

3.114. Ғаниев И. Фитрат. Эътиқод. Ижод. - Т.: Камалак. 1994. - 152 б.

4. Журнал ва газета мақолалари

4.1. Абдуллаев Р. Миллий-сиёсий ғоялар тарихидан. // Инсон ва сиёсат. 1991. №9. Б. 87-94.

4.2. Абдуллаев Р. Туркестанские прогрессисты и национальное движение. // Звезда Востока. 1992. № 1. С. 37-41.

4.3. Абдуллаев Р. Хроника противостояния: национальные движения в Туркестане. // Звезда Востока. 1996. № 11-12; С. 24-27.

4.4. Авазов Н. Туркистонда ҳақ олинмади, берилди.// Ёшлик. 1991. №10. Б. 38.

4.5. Агзамходжаев С.С. Из истории движения за автономию Туркестана. // Обществ. науки в Узб. 1996. № 13. С. 40-48.

4.6. Азизов Н. Давлат арбобининг ҳуқуқий қарашлари. // Ҳаёт ва қонун. 1996. № 6. Б. 17-18.

4.7. Алимджан Х. О литературном творчестве Фитрата. // Лит. Узбекистан. 1936. № 56.

4.8. Алиев А. Сенинг нурли кўзингда бахт ўқидим. // Ўзбекистон овози. 1992. 9 янв.

4.9. Алимова Д.А. Читая джадидов (к изучению джадидского движения). // Правда Востока. 1996. 23 февр.

4.10. Алимова Д., Аъзамхўжаев С. Туркистон жадидчилиги тарихи. // Ўзбекистон овози. 1996. 27 август.

4.11. Аюбджанова М. Некоторые данные о первых русских женщинах-деятелях культуры в Туркестане. // Тр.Ташк.Ун-та. Вып.169. 1960. С. 28-35.

4.12. Аъзамхўжаев С. 1917 йилги Самарқанд. // Туркистон.1992.27 авг.

4.13. Аъзамхўжаев С. Шурои Исломия қандай эди? // Фан ва турмуш. 1992. № 56. Б. 18-19.

4.14. Аъзамхўжаев С. Ягона Туркистон учун. // Фан ва турмуш. 1995. №4. Б. 12-13.

4.15. Ахмад С. Мунавварқори. // Шарқ юлдузи. 1992. № 5. Б. 105-157.

4.16. Ахророва З. Беҳбудий ва мактаб. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996. 7 июнь.

4.17. Болтабоев Х. Номаълум Фитрат. // Ёшлик. 1990. № 4. Б. 34-41.

4.18. Вахабов М.Г. О социальной природе среднеазиатского джадидизма и его эволюции в период Великой Октябрьской революции. // История СССР. 1963. № 2. С. 35-56.

4.19. Гаспринский И. Русское мусульманство. // Звезда Востока. 1991. № 4. С. 105-119.

4.20. Жадидизмнинг социал моҳияти. // Ўзбекистон коммунисти. 1969. № 1.

4.21. Жадидчилик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 4.

4.22. Жадидчилик ва истибдод. // Ишонч. 1997. 23 окт.

4.23. Жадидчилик ва миллий масала. // Миллий тикланиш.1996.16 апр.

4.24. Исматуллаев Х. Гаспринский Исмоилбек ва Туркистон. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 4. Б. 20-22.

4.25. Истиқлолимиз сарчашмалари: жадидчилик тарихий ҳақиқат. // Ишонч. 1996. 10 дек.

4.26. Йўлдошев Н. Маърифат фидоийлари. // Гулистон. 1991. № 4. Б. 20-21.

4.27. Камолов У. Ўзбекистонда хотин-қизлар маорифининг ривожланиши. // Совет мактаби. 1974. №1. Б. 16-21.

4.28. Каримов Н. Мавлоно Фитрат. // Фан ва турмуш. 1988. №7. Б. 89.

4.29. Лунин Б.В. К биографии Абдурауфа Фитрата (по неопубликованным данным воспоминаний о нём). // Ўзбекистон тарихи. 1999. № 4. С. 70-75.

4.30. Мамажонов С. Чўлпон. «Қўлимда сўнгги тош қолди». // Фан ва турмуш. 1993. № 34. Б. 24-25.

4.31. Маҳмудов Г., Зайниддинова Д. Чўлпон романтик шоир. // Санъат. 1991. № 10. Б. 25; № 11. Б. 25; № 12. Б. 14, 17.

4.32. Миллий уйғониш даври сабоқлари. // Маърифат. 1996. 30 март.

4.33. Мирза-Ахмедова П., Рашидова Д. Джадиды: кто они? // Звезда Востока. 1990. № 9. С. 137-141.

4.34. Мозий - истиқболнинг тарозусидир (жадидчилик ҳаракати тарихи). // Туркистон. 1996. 21 апр.

4.35. Мунаввар Қори. // Ишонч. 1993. 9-15 июль.

4.36. Очилов Ш. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Ёш ленинчи. 1990. 26 сент.

4.37. Раҳимова Г. Иброҳим Давроннинг «Ашъори нисвон» тўплами ҳақида баъзи мулоҳазалар. // Адабий мерос. 1989. № 4. Б. 5-11.

4.38. Раҳимова Г. Жадидизмнинг баъзи муаммолари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 4. Б. 26-29.

4.39. Раҳимова Г. Жадидлар ва аёллар масаласи. // Адабий мерос. 1992. № 1. Б. 63-66.

4.40. Содиқов Х. Туркистон уч инқилоб даврида. // Фан ва турмуш. 1990. № 2. Б. 18-20.

4.41. Тоғаев Т. ва бошқ. Дарсда жадидчилик ва унинг моҳиятини ўрганиш. // Халқ таълими. 1993. № 1. Б. 39-41.

4.42. Турдиев Ш. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Фан ва турмуш. 1989.№ 1. Б. 18-21.

4.43. Турдиев Ш. «Падаркуш» фожиаси ҳақида. // Шарқ юлдузи. 1989. № 7. Б. 148-149.

4.44. Туркистон жадидчилиги тарихи. // Ўзбекистон овози.1996. 27 авг.

4.45. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996. 7 июнь.

4.46. Фитрат А. Хиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. // Шарқ юлдузи. 1994. № 1. Б. 128-132.

4.47. Холбоев С. Жадидчилик ва истиқлол: тарихнинг ўқилмаган саҳифалари. // Туркистон. 1993. 5 июнь.

4.48. Холбоев С. Мунаввар Қори. // Мулоқот. 1997. № 1. Б. 24-25.

4.49. Холбоев С. Мунаввар Қори. // Фан ва турмуш. 1991. № 4. Б. 10-12.

4.50. Холбоев С. Юрт дардига дармон излаган инсон. // Маърифат. 1997. 12 февр.

4.51. Хўжаева Д. Авлоний: миллатим ўлмиш нега бемор. // Фан ва турмуш. 1993. № 7-8. Б. 24-25.

4.52. Шамсуддинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. // Мулоқот. 1991. № 4. Б. 23-24.

4.53. Эргашев Б. К вопросу о младобухарцах. // История СССР. 1990. № 4. С. 58-70.

4.54. Эргашев Б. Джадиды: либералы или демократы? // Звезда Востока. 1991. № 12. С. 126-131.

4.55. Эргашева М. Фитрат: илмни кўпроқ ўрганиш лозим. // Мулоқот. 2000. № 1. Б. 59-60.

4.56. Қосимов Б. Беҳбудийнинг қабри қаерда. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. № 39-40.

4.57. Қосимов Б. Жадидчилик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. № 4. Б. 15-20.

4.58. Қосимов Б. Жадидчилик. // Ёшлик. 1990. № 7. Б. 71-78.

4.59. Қосимов Б. Ҳақ сўзини ишоир қилиб. Тавалло. // Ёшлик. 1984. № 11. Б. 14-17.

4.60. Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989. 3 янв.

4.61. Ҳасанова С. Озод хотин-қизлар (амир Бухоросида хотин-қизлар ҳаёти ва хозирги ҳаёти). // Қизил Ўзбекистон. 1957. 27 июнь.

5. Диссертация ва авторефератлар

5.1. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (II пол. XIX - нач. XX в.).: Дис. ...д-ра ист. наук. - Т., 1994. - 273 с.

5.2. Алимова Д.А. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20-80-е гг.).: Дис. ...д-ра ист. наук. - Т., 1991. - 285 с.

5.3. Аюбджанова М. Женский вопрос в Туркестане (1865-1917 гг.).: Дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1964. - 195 с.

5.4. Вахидова К.А. Исхакхан Жунайдуллахужа Ибрат и его научно историческое наследие.: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - Т., 2002. - 25 б.

5.5. Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни.: Филол. фанлари д-ри ...дис. - Т., 1994. - 256 б.

5.6. Зияева Д.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движение «Истиклолчилик» 1918-1924).: Автореф. дис. д-ра ист. наук. - Т., 1999. - 62 б.

5.7. Исмоилова Ж.Х. Национально-освободительное движение в Туркестане в начале XX века (на примере восстания 1916 года в Ферганской долине).: Автореф. дис. д-ра ист. наук. - Т., 2002. - 55 б.

5.8. Мингноров А.Т. Вопросы национально-освободительного движения в национальной периодике (февраль 1917 - середина 1918 гг.).: Дис. ...канд. ист. наук. - Т., 2000. - 32 б.

5.9. Мухаммеджонова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908-1920 гг.).: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1999. - 32 б.

5.10. Раҳим Гулшан Муҳиддин кизи. Абдурауф Фитрат ва жадид адабиёти (XX асрнинг 20-йилларига қадар).: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. - Т., 1999. - 26 б.

5.11. Садыков Х. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьа за национальную независимость в начале XX века.: Автореф. дис. ...д-ра ист. наук. - Т., 1994. - 38 б.

5.12. Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти.: Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. - Т., 1998. – 24 б.

5.13. Соатова С. Из истории раскрепощения женщин Узбекистана в 1917-1927 гг.: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1969. - 24 с.

5.14. Содиқов Х.Ж. XX аср бошларида чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва истиклол учун кураш. Тарих фанлари д-ри ...дис. - Т., 1994. - 249 б.

5.15. Суворов В.А. Социально-экономичекое развитие Туркестанского края в конце XIX-XX в.: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1963. - 23 с.

5.16. Худайкулов А. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX - начало XX вв.).: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1995. - 16 б.

5.17. Юлдашев Р.А. Формирование национальной буржуазии в Туркестане (конец XIX - начало XX вв.).: Дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1994. - 186 с.